


МАЪРУФЖОН ЙЎЛДОШЕВ

**БАДИИЙ МАТН
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МАЪРУФЖОН ЙЎЛДОШЕВ

БАДИИЙ МАТН ЛИНГВОПОЭТИКАСИ

*Мурувват
чандир асар
Маъруфжон
Йўлдошев*

СМ 9.10.08

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2008

Ушбу монографияда бадий матннинг лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишдаги муҳим ва ўзак нуқталар ҳисобланувчи матн ва унинг таърифи, типологияси, бирликлари, бадий матнда тил воситаларининг поэтик актуаллашуви, бадий матн ва унга лингвопоэтик ёндашув тамойиллари каби масалалар ёритилган. Монография матн муаммолари бўйича тадқиқот олиб бораётган мутахассисларга, филология йўналишида таълим олаётган талабалар, магистрант ва аспирантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

филология фанлари доктори,
профессор **Н.М. Маҳмудов**

Тақризчилар:

И. Ж. Юлдашев, З. Н. Худойберганова,
С. Муҳамедова филология фанлари докторлари

ISBN 978-9943-09-67-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2008 йил.

КИРИШ

Тил инсоннинг моҳияти, руҳияти ва фаолиятини турли нуқтаи назарлардан тадқиқ этувчи эски ва янги фанларнинг марказий, айти пайтда ўта мураккаб ўрганиш объекти сифатида фавқулодда ўзига хос ҳодисадир. Бу сирли ҳодисанинг бевосита реаллашиш, намоён бўлиш тарзи саналмиш яхлит нутқ оқимини бўлакларга бўлиш, қисмларга ажратиш, ҳар бир қисм ёки қисмчани алоҳида тасаввур эта билиш, шунингдек, бу қисм ёки қисмчалар ўртасидаги мутаносиб ва ҳатто номутаносиб муносабатларни идрок қила олишдай бир босқичга етиб келгунга қадар инсон ақли узоқ ва машаққатли тадрийжий такомил йўлини босиб ўтганлиги шубҳасиз. Инсон ўзлигини ифодалашда айтилган такомил йўли жараёнларида тилдан фойдаланишнинг, мазкур нутқ парчаларини бир-бири билан бириктиришнинг шундай усулларини ҳам кашф этганки, натижада бадиий нутқ дейиладиган мўъжизакор бир воситанинг муаллифига айланган. Ана шундай гўзал нутқнинг бетакрор шакллари, намуналари сифатида юзага келган сўз дурдоналари – афсоналар, асотирлар, дostonлар, эртаклар, мақолу маталлар, топишмоқлар, кўшиқлар, шеърлар, драмалар, ҳикоя, қисса ва романлар инсоният бадиий даҳосининг ноёб шаҳодатномалари сифатида яшаб келмоқда, яратилмоқда ва, албатта, бундан кейин ҳам яратилади. Бу соҳир нутқнинг синоатларини тилшунослик, адабиётшунослик, эстетика, тарих каби фанлар, таъбир жоиз бўлса, қўлни қўлга бериб, биргаликда, ҳамкорликда тадқиқ этади. Аммо бадиий адабиёт дейиладиган ана шу ўзига хос майдондаги тилнинг ҳаётини ўрганиш борасида, гарчи бу муаммони ўрганишнинг ибтидоси энг қадимги даврларга бориб тақалса-да, мунозараю муҳокамалар, баҳслар ҳеч қачон тинган эмас.

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги, унинг бирламчи унсури тил эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч бир

замонда инкор этган эмас. Кишилиқ тарихида адабиёт аталмиш дунёни образли идрок этиш санъати яралибдики, бу санъатнинг ифода воситаси бўлган сўз, тилни тугал талқин этмоқдай машаққатли юмуш инсон тасавури ва тафаккурини муттасил банд этиб келади.

Буюк маърифатпарвар адиб Абдурауф Фитрат: “Гўзал санъатларда товар (материёл) товуш, оҳанг бўлса, гўзал санъат *муסיқий* бўладир; бўёвлар, чизиклар бўлса, *расм* бўладир; тош ё бошқа турли маъданлар эса, *ҳайкалчилик* бўладир; тош ёғоч, кирпич, ганж, тупроқ бўлса, *меъморлиқ* бўладир; тан, муға (муқом, мимика) ҳаракатлари эса, *ўйун (танс)* бўладир; гап, сўз эса, *адабиёт* бўладир” деб ёзади ва адабиётга шундай таъриф беради: “Адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир”¹.

Атоқли ўзбек адабиётшуноси О.Шарафиддинов шундай ёзади: “Рангсиз тасвирий санъат, оҳангсиз муסיқа бўлмаганидек, тилсиз адабиёт ҳам бўлмайди. Адабиётни инсоншунослик дейдилар. Дарҳақиқат, ёзувчи хилма-хил инсоний характерларни тадқиқ қилиб, жамият ривожига ёрдам берадиган салмоқли ҳақиқатларни кашф қилади. Бироқ буларнинг ҳаммаси адабиётда тил орқали рўёбга чиқарилади”².

Бу ўринда йирик адиб ва адабиётшунос П.Қодировнинг қуйидаги фикрлари ҳам алоҳида диққатга сазовор: “Ҳайкаллар мисдан, мрамрдан ясалади, бинолар гиштдан, ойнадан, пўлатдан қурилади. Адабий асарда миснинг ҳам, мрамрнинг ҳам, пўлат ва гиштнинг ҳам ўрнига бадий сўз ишлатилади. Адабий асарнинг музика, рассомлик ва бошқа ижод соҳаларидан фарқи унинг оҳанглар, чизиклар, бўёқлар воситаси билан эмас, сўзлар воситаси билан яратилишида кўринади. Демак, бадий тил ҳар қандай адабий асарнинг спецификасини белгилайдиган энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бадий тил назарияси эса

¹ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд. –Тошкент: Маънавият, 2006. 12-13-бетлар.

² Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1986, 5 сентябрь.

адабиёт назариясига оид масалаларнинг биринчи қаторида туради”³.

Бадий адабиётнинг бирламчи унсурини белгилаш билан боглиқ бундай муқояса-мулоҳазалар бошқа машҳур тадқиқотчилар томонидан ҳам ўтган асрнинг бошларидан бери айтиб келинади. Ўз даврининг забардаст филологи В.М.Жирмунскийнинг 1919 йилда нашр қилинган мақоласида мана бундай фикрларни кўриш мумкин: “Ҳар қандай санъат табиат оламига мансуб бўлган муайян бир материалдан фойдаланади. Санъат ўз тасарруфидаги усуллар ёрдамида бу материални маҳсус ишловдан ўтказди; ишлов оқибатида табиий ашё (материал) эстетик ашё қимматини олиб юксалади, бадий асарга айланади. Табиатнинг хом материали ва ишланган санъат материални қиёслаб, биз унинг бадий ишловдан ўтказиш усулларини аниқлаймиз. Санъатни ўрганишнинг вазифаси муайян асарнинг, шоирнинг ёки тарихий планда ёхуд қиёсий ва систематик тартибда яхлит даврнинг бадий усул (приём)ларини тавсифлашдан иборат.

Масалан, мусиқий асарда муқаррар — нисбий ва мутлақ — баландликка, муайян давомийлик ва кучга эга бўлган ва ритм, оҳанг ҳамда гармониянинг бадий шаклларига тушиб, у ёки бу бир вақтлик ва кетма-кетликда жойлашадиган товушлар мусиқанинг материалидир. Рангасвир шакллари тарзида чизилган, чизиқлар ва бўёқли доғларнинг қўшилмаси ўлароқ текисликда жойлашадиган кўриб идрок қилинадиган шакллар рангасвирнинг материалидир. Поэзияни ўрганиш бошқа ҳар қандай санъатни ўрганишда бўлгани каби унинг материални ва бу материалдан бадий асар яратиш усулларини аниқлашни тақозо этади”⁴.

В.М.Жирмунский бу йўналишдаги фикрларини давом эттирар экан, филологияда узоқ вақт давом этиб келган “Поэзиянинг материали образлардир” қабилдаги қараш-

³ Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том. Адабий асар. — Тошкент: Фан, 1978. 312-бет.

⁴ Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. —Л.: Наука, 1977. С. 18.

ларнинг асосли эмаслигини далиллайди ва шундай таъкидлайди: “Поэзиянинг материали образлар эмас, эмоциялар эмас, балки сўздир. Поэзия сўз санъатидир, поэзия тарихи сўзчилик (“словесность”) тарихидир”.⁵ Чиндан ҳам, бадиий адабиётда, айниқса, поэзияда образнинг ўрни ва бажарадиган вазифаси қанчалик муҳим, ҳатто айрим ҳолатларда ҳал қилувчи бўлмасин, у сўздан, тилдан ажралган, алоҳида ҳолда мавжуд бўлолмайди. Сўзсиз образнинг ўзи йўқ.

Д.Н. Шмелев образ яратишда тилнинг ўрни ҳақидаги ҳақиқатни мана бундай эътироф этади: “Тил — бу нафақат инсонларнинг асосий алоқа воситаси, фикрларни шакллантириш, ҳис-туйғу, истак ва шу кабиларни ифодалаш воситаси, балки бадиий адабиёт образлари бурканадиган реал ташқи шакл ҳамдир”.⁶

Албатта, дунёни билишнинг асосий йўли бўлган мантиқий тафаккур бўладими, оламни идрок этишнинг бошқа бир ўзига хос усули бўлган образли тафаккур бўладими, барибир, тил ва тафаккур диалектикаси ҳамиша мавжуддир, яъни тилсиз тафаккурнинг, тафаккурсиз эса тилнинг яшаши мумкин эмас.

Шуни ҳам айтиш жоизки, санъатлар орасида бадиий адабиёт олий санъат, у мутлақо ўзига хос хусусиятлар, қоида-қонуниятлар билан характерланади. Шунинг учун ҳам адабиёт ҳақида гап кетганда, унинг материални бошқа санъатлар материали билан тамоман тенглаштиришда бир қадар ҳушёр бўлиш мақсадга мувофиқ. Зотан, атоқли филолог Г.В. Степанов алоҳида таъкидлаганидай, “тил материали санъаткорлар томонидан ишлатиладиган бошқа барча материаллардан (мармар, бўёқлар, ёғоч, гранит, мусиқадаги товушлар ва ш.к.дан) унинг ўзида моддий ва идеал томонларнинг мавжудлиги билан фарқланади”.⁷ Масалан, махсус бадиий усуллар билан ишловдан ўтмаган, санъат асарига айланмаган хом ашё сифатидаги мармарда фақат моддий томон бор, у идеал томонга, ба-

⁵ Жирмунский В.М. Кўрсатилган асар. 22-бет.

⁶ Шмелев Д.Н. Слово и образ. — М.: Наука, 1964. С. 3.

⁷ Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. — М.: Наука, 1988. С. 141.

дий маънога фақат ва фақат санъаткор томонидан муайян бадиий мақсад билан ишлов берилгандан кейингина эга бўлади. Ранглар, бўёқлар, ёғоч, гранит, товуш ва бошқалар ҳам худди шундай. Аммо бадиий адабиётнинг материали сифатидаги тил эса тамомила башқача табиатга эга. Тил, унинг бирликлари бадиий адабиётга олиб кирилгунга қадар ҳам муайян моддий шакл ва мазмун, маънонинг бирлиги сифатида мавжуддир. Ўз лексик, грамматик маъносига эга бўлган сўз, сўз бирикмаси, гап каби тил бирликлари ёзувчининг бадиий мақсадига бўйсундирилган ҳолатда тегишли бадиий-эстетик мазмунни юзага чиқариш, ифодалаш учун қўлланади. Шу тариқа аввалдан маънога эга бўлган тил бирликлари бадиий асарнинг лисоний тўқимасини шакллантирар экан, улар ижодкорнинг бадиий маҳоратига уйғун равишда яна янги, ўзига хос бадиий маъно-мазмунларни инкишоф қилади.

Бадиий асар тили ана шундай мураккаб ва ўзига хос ҳодиса. Тилшунослик, умуман, филология тарихида уни ўрганишга турлича ёндашиб келинган. Бадиий асар тили тадқиқи билан бир умр шуғулланган В.Виноградов ўзининг “Бадиий адабиёт тили ҳақидаги фан ва унинг вазифалари” номли маърузасида бадиий адабиёт тили тўғрисида гап кетганда, “тил” сўзи икки хил маънода қўлланишини таъкидлайди, яъни: 1) у ёки бу миллий тилнинг системасини акс эттирувчи “нутқ” ёки “матн” (адабий тил тарихи, тарихий грамматика ва лексикология учун таҳлил материали) маъносида; 2) “санъат тили”, бадиий ифода воситалари системаси маъносида.⁸ Адабий асар тилининг бундай икки хил талқини ва шу асосда асар тили тадқиқига икки хил ёндашувнинг мавжудлиги хорижлик бошқа олимлар томонидан ҳам қайд этилган.⁹

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадиий асар тилини ўрганишга бағишланган ишларда, асосан, иккита йўналиш

⁸ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. — М.: Высшая школа. 1981. С. 84.

⁹ Масалан, қар.: Шмелев Д.Н. Кўрсатилган асар. 4-22-бетлар; Гухман М.М. История языка и текст // Литература. Язык. Культура. — М.: Наука, 1986. С. 252.

етақчилик қилганлигини кузатиш мумкин. Х. Дониёров ва С. Мирзаевлар тилдаги ўсиш-ўзгаришлар, адабий тил ва умумхалқ тили муносабатлари каби масалаларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган йўналишни лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи йўналишни эса стилистик аспект тарзида талқин қилганлар.¹⁰

Тилнинг муайян тарихий даврдаги ҳолати, айти ҳолатга хос бўлган хусусиятлар, лексик, фонетик ва грамматик ўзгачаликлар, тилнинг ҳозирги ҳолати билан умий ва фарқли жиҳатларини илмий тадқиқ этиш мақсадида ўша даврга оид адабий-бадиий асарларнинг тили ўрганилади.

Тилнинг ҳозирги ҳолати, ундаги тегишли ҳодисаларни таҳлил ва тадқиқ этиш ҳам бундан мустасно эмас. Бунда бадиий асарлар, ёзма ёдгорликлар тили айти мақсаддаги тадқиқот учун фақат материал бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар қандай бадиий асар тили муайян умумхалқ тилини ўзида акс эттиради. Тилдаги ўзгаришлар, эврилишлар, ривожланишларнинг энг холис кўзгуси чинакам санъат даражасидаги бадиий адабиётдир. Ҳатто давр адабий тилининг меъёрларини белгилашда ҳам ҳақиқий “сўз генераллари” (Ф. Буслаев ибораси) бўлмиш маҳоратли ёзувчилар асарларининг тили ўлчовларнинг асосийларидан ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек тили билан боғлиқ тадқиқотларнинг аксариятида таҳлилга тортилган материалнинг манбаи ҳам ўзбек ёзувчиларининг асарларидир. Тилнинг ҳолати, ундаги хилма-хил ҳодисалар, қонун-қоидаларни тавсифловчи дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларида ҳам асосий фактик материал бадиий асарлардан олинади.

Тил тарихини тасвирлаш ва тадқиқ этишда ҳам бу йўл, яъни тегишли давр ёзма ёдгорликлари, адабий-бадиий асарлар тилига асосланиш энг қадимги ва мустаҳкам лингвистик анъана сифатида яшаб келмоқда. Ўзбек тилшунослиги-

¹⁰ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. —Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962. 173-174-б.

да бу йўналишда жуда кўп фундаментал тадқиқотлар яра тилган.¹¹

Маълумки, бундай йўналишлардаги тадқиқотларда асосий мақсад давр тилининг ўзига хосликларини белгилаш, умумхалқ тилидаги у ёки бу тил ҳодисанинг айни даврда, хусусан, муайян асар тилида намоён бўлишини кузатиш ва шу асосда тилдаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонуниятларни белгилашдан иборат бўлади. Бу ёзувчининг бадиий тил маҳоратини ўрганиш, яъни адабий-бадиий асарни яхлит санъат асари, эстетик бутунлик сифатида тадқиқ этиш бўлмайди. Аммо таъкидлаш лозимки, бундай йўналиш ҳам бениҳоя зарурий бўлиб, умумхалқ тилининг ривожланиши, адабий

¹¹ Масалан: Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси. -Тошкент: Ўзб. ФА н-ти, 1955; Махмудов К. Фонетические и морфологические особенности языка...“Хибатул хакаиқ”: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. -Ташкент, 1964; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ...дис. -Тошкент, 1966; Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV в.: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. -Ташкент, 1967; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. -Ташкент, 1968; Шукуров Ш. Наклонения и времена глагола в письменных памятниках узбекского языка в сравнительном освещении: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. -Ташкент, 1974; Кадыров М. Функционирование падежных форм в прозе Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. -Ташкент, 1977; Нигматов Х.Г. Морфология языка восточнотюркских памятников XI - XII вв.: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. -Баку, 1978; Турдиалиев Б. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида Ҳамза ижодининг роли //// Ўзбек тили ва адабиёти. 1979, №3. 21-25-бетлар; Садыков К.П. Языковые особенности “Кутадгу билиг”: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. -Ташкент, 1987; Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ...дис. автореф. -Тошкент, 1990; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. -Ташкент: Ёзувчи, 1991; Рустамов М.А. Лексика языка дивана Гадаи: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. -Ташкент, 1992; Тожибоев М.С. Муҳаммад Шабоний девоний тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. н-ди ...дис. автореф. -Тошкент, 2004 ва бошқалар.

тилнинг шаклланиши, тил ҳодисасининг моҳияти ва тараққиётининг қонуниятлари билан боғлиқ илмий-назарий ва илмий-амалий хулосаларни чиқаришнинг асосий йўллари-дан биридир. Шунинг учун ҳам барча тилшуносликларда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам бундай йўналишлардаги тадқиқотлар жуда катта миқдорни ташкил этади. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар, улардаги илмий-назарий умумлашмаларсиз, хулосаларсиз бошқа йўналишлардаги изланишларни тасаввур этиш қийин.

Бадиий асар тилини нутқнинг функционал услубларидан бири — бадиий услубнинг намоён бўлиши тарзида ўрганиш ҳам муҳим ва зарурий йўналиш бўлиб, унда, таъбир жоиз бўлса, тирик тилнинг ўзига хос, ёзувчининг индивидуал маҳорати маҳсули сифатидаги ва айни пайтда унинг “мен”и ҳам ўз ифодасини топган ҳаракати ўрганилмоғи лозим. Аниқроқ айтиладиган бўлса, бадиий асар тили “санъат тили” маъносида талқин, таҳлил ва тадқиқ этилиб, тегишли хулосалар қилинмоғи мақсадга мувофиқ. Бадиий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишда ана шу мақсад кўзда тутилади, аммо бу мақсадга эришиш ҳамиша ҳам осон кечмайди. Бу ўринда масала тилнинг турли вазифаларга эгаллигига бориб тақалади.

Ўз илмий ижодининг асосий қисмини бадиий асар тилини ўрганишга бағишлаган Г.О.Винокур тилшуносликда анча эскидан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазифалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, фикрининг далили сифатида олмон тилшуноси Г. фон дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги қуйидаги қарашини келтиради: «Тил фикрнинг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир. Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантиқий муносабатларинигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истайди; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантиқий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик омил қўшилади».¹²

¹² Винокур Г.О. О языке художественной литературы. —М.: Высшая школа, 1991. С. 44.

Машҳур рус филологи Р.А. Будагов «Бадий асар тили» номли мақоласида бадий асарда тил ёзувчининг китобхонга фақат гоёвий эмас, балки эстетик таъсир этиш истиаги билан махсус қўшимча вазифани олиб, фавқуллода қудратга эга бўлишини алоҳида таъкидлайди.¹³ Албатта, бу қўшимча вазифа тилнинг аслий моҳиятида мавжуд бўлган эстетик вазифадир.¹⁴

Ўзбек филологиясининг бир неча асрлик беҳад бой тарихида бадий тил масаласига бўлган эътибор ҳеч қачон сусайган эмас. Биргина улуг Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини олиб кўрайлик. М.Қодиров жуда ўринли таъкидлаганидек, “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг биз тилшунос ва адабиётшуносларга ўрناق бўладиганина бир хислати бор. Навоий асарда тил масалаларини адабиётдан – бадийятдан ажратиб, алоҳида ҳолда текширмайдилар, тилдаги хусусиятларни бадий нутқ талабига эвирган ҳолда кўрадилар. Агар бу асарни чуқурроқ ўрганиб чиқсак, ҳозирги тил ва адабиёт илмидаги кемтикнинг сабабларини сеза бошлаймиз”.¹⁵ Бу ва бошқа кўплаб асарларида Навоий сўз, маъно ва бадийят масалаларига катта масъулият билан қараган.

Адабиётни тилнинг “безанган, зийнатланган бир шакли”¹⁶ деб билган Фитрат “Адабиёт қондалари” асарида бадий тилнинг ўзига хосликлари, услуб билан боғлиқ муаммолар, бадий санъатлар ва уларнинг юзага келишида тил носиталарининг ўрни, бадий асар тилидаги мақбул ва номмақбул жиҳатлар каби масалаларни бадий асарлар тилидан олинган фактик мисоллар асосида ўта синчковлик билан таҳлил этган.

Замонавий ўзбек филологиясида ХХ асрнинг биринчи ярмида бадий асар тилини илмий асосда ўрганишнинг бошланиши икки улкан аллома – адабиётшунос ва адиб Иззат

¹³ Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: МГУ, 1980. С. 278.

¹⁴ Тилнинг эстетик вазифаси ҳақида монографиянинг кейинги бўлимида алоҳида тўхталинади.

¹⁵ Қодиров М. Навоийнинг тилшуносликдаги маҳорати // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (ЎзМУ илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Университет, 2002, 85-бет.

¹⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. IV жилд... 132-бет.

Султон¹⁷ ҳамда забардаст тилшунос Айюб Фулом¹⁸ номлари билан боғлиқ эканлигини таъкидлаш мумкин. Улар бадиий тилни ўрганишнинг адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назарларидан илмий-назарий асослари, тамойилларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар.

Академик Ш.Шоабдурахмоновнинг 1949 йилда ҳимоя қилинган “Равшан” достонининг тил хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган номзодлик диссертацияси¹⁹ ҳам бадиий тил муаммоларини ўрганиш борасидаги жиддий ишлардан биридир.

Йирик тилшунос Ф. Абдурахмонов адабий асар тилини ўрганиш ҳақидаги мақоласида бадиий асар тилини тадқиқ этишнинг ўзига хос йўллари белгилаб берган. Олим алоҳида таъкидлайдики, кўп ҳолларда асар тили ҳақидаги ишларда «танқидчилар ёки ўқитувчилар бирор асарни таҳлил қилар эканлар, асардаги қаҳрамонларни салбий ва ижобий образларга бўлиб, уларнинг ҳар бирини характерлаш билан чекланадилар, асарнинг тили, бу тилнинг мазмунга муносабати, воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда қандай бадиий тил воситаларидан фойдаланиш, ёзувчининг бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлари эътибордан четда қолди (ёки ана шундай таҳлил якунида асарнинг тили ҳақида ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган бир-икки оғиз сўз айтиш билан қифояланадилар)».²⁰ Бадиий асар тилини бу тарзда текшириш тўғри эмаслигини муаллиф аниқ далиллар билан очиб берган, бадиий тилни ўрганишда эътибор қилиниши шарт бўлган жиҳатларни бирма-бир кўрсатган.

Мақоладаги қуйидаги ҳаққоний фикрлар ҳам диққатга сазовор: “Шуни эсда тутиш керакки, асарнинг тили асар-

¹⁷ Султонов И. Бадиий асарнинг тили // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1939. №5.

¹⁸ Фуломов А. Бадиий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат. 1941, №1.

¹⁹ Шаабдурахмонов Ш. О художественных особенностях поэмы “Равшан”: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. -Ташкент, 1949.

²⁰ Абдурахмонов Ф. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. –Тошкент, Фан, 1966. 4-11-бетлар.

нинг мазмунини таҳлил қилгандан сўнг эмас, балки унинг мазмун таҳлили билан баробар олиб борилиши зарур... Ёзувчи умумхалқ тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитади, мукаммаллаштиради. Ёзувчининг мазкур имкониятлардан қандай фойдаланганини ўрганиш асосий вазифалардан биридир”.

Мазкур мақолада ўртага ташланган масалалар бўйича асосий хулосаларни, тахминан, қуйидагича тартиблаш мумкин: 1. Бадиий асар тили таҳлили унинг мазмун таҳлили билан баробар олиб борилиши зарур. 2. Ҳар қандай бадиий асар тилини ўрганиш ва у ҳақда ҳукм чиқариш учун ёзувчи яшаган давр, тарихий шароит, асарнинг ёзилиш сабаби ва жараёни, ёзувчининг мақсади чуқур ўрганилиши лозим. 3. Бадиий асар тили ёзувчининг бошқа асарлари тили билан муқояса қилинган ҳолда ўрганилиши керак. 4. Бадиий асарда қўлланилган бирликларни тематик, семантик-стилистик, грамматик, тарихий-генетик жиҳатдан туркумлаш ва асарнинг махсус луғатини ишлаб чиқиш лозим. 5. Ёзувчининг жонли халқ тилидан ҳамда традицион адабий тилдан қандай фойдаланганлигини аниқлаш ва асарнинг лексик-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш керак. 6. Ёзувчининг тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳоратини белгилаш. 7. Сўз маъноларининг ўзгаришини аниқлаш. 8. Сўзнинг семантик гуруҳларининг асарга олиб кирилишини ўрганиш. 9. Асарнинг синтактик структураси билан боғлиқ кузатишларни олиб бориш. 10. Нутқий стил ва стилизация муаммоларини тадқиқ қилиш. Табиийки, мақоладаги бу хулосаларнинг асосий кўпчилиги бадиий асар тилида намоён бўлувчи бадииятга дахлдор ўзига хосликларни очишга ёрдам беради.

Ўзбек тилшунослигида бадиий тил, бадиий нутқ стилистикаси, алоҳида ёзувчининг асарлари тили ва услуби муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар анчайин катта миқдорни ташкил этади ва уларнинг аксарияти илмий ечимларининг пухталиги, асослилиги билан ажралиб туради. Масалан, бир қатор ишларда Алишер Навоийнинг насрий ва назмий асарларининг тили бадиий маҳорат жиҳатидан ўрганилган, улуғ мутафаккирнинг бадиий услубига хос лисоний воситалар, лаф-

зий санъатларнинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат килинган.²¹

Бадий асар тили, бадий нутқ стилистикаси ҳақида гап кетганда, Р.Кўнғуров²², И.Кўчқортоев²³, Қ.Самадов²⁴, Б.Йўлдошев²⁵, Х.Дониёров ва С.Мирзаев²⁶, Л.Абдуллаева²⁷, Э.Қиличев²⁸, П.Қодиров²⁹, С.Каримов³⁰, Б.Умурқулов³¹, Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудов³² каби кўплаб олимларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, ёзувчининг у ёки бу тил сатҳи

²¹ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ти, 1979; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы "Фархад и Ширин" Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. — Ташкент, 1973; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка "Лисан ат-тайр" Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. — Ташкент, 1982 ва бошқалар.

²² Кўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. — Самарқанд, 1975.

²³ Кўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. — Тошкент, 1975.

²⁴ Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. — Тошкент, 1981; Самадов Қ. Ўзбек тили услубияти (бадий услуб). — Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

²⁵ Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. — Самарқанд, 1982; Юлдашев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. — Ташкент: Ўқитувчи, 1989.

²⁶ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. — Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962; Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. — Тошкент: Фан, 1988.

²⁷ Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. — Ташкент: Фан, 1979.

²⁸ Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. — Тошкент: Фан, 1982.

²⁹ Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. — Тошкент: Фан, 1973.

³⁰ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. д-ри ...дис. автореф. — Тошкент, 1993.

³¹ Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. — Тошкент: Фан, 1990.

³² Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. — Тошкент: Фан, 1981; Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. — Тошкент: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ти, 1997. 58-66-бетлар.

бирликларини қўллашдаги ўзига хосликларини муфассал кўрсатишга бағишланган жуда кўплаб тадқиқотлар юзага келганлиги қувонарлидир. Айни пайтда айтиш лозимки, бадий тилни ўрганишда кўпроқ лексик бирликларнинг стилистикасига эътибор қилинганлиги кўзга ташланади. Масалан, тилшунос Л.Абдуллаева ўзининг монографиясида ўзбек бадий адабиёти тилининг лексик стилистикаси муаммолари ҳақида фикр юритган. Э.Қиличев эса «Бадий тасвирнинг лексик воситалари» китобида бадий тасвирда иштирок этадиган лексик воситалар, уларнинг ифода имкониятлари билан боғлиқ масалалар устида тўхталган. Б.Умурқуловнинг «Поэтик нутқ лексикаси» монографиясида ҳозирги ўзбек шеърияти тилининг лексик манбалари, поэтик лексика, анъанавий поэтизмлар, сўз вариантлари ва уларнинг эстетик қиммати каби масалалар тадқиқ этилган. Кўришиб турганидай, ўзбек тилшунослигида бадий асар тилининг стилистикаси бўйича анча-мунча иш қилинган. Аммо бу йўналишдаги тадқиқотлар доираси нечоғлик катта бўлишига қарамасдан, улар адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутадиган жиддий асарларнинг барчасини қамраб олган деб бўлмайди. Бунинг устига, мазкур тадқиқотларнинг илмий савиясини ҳам бир хил деб айтиш қийин. Шунингдек, кўпинча муайян тил бирлиги ёки ҳодисаси яхлит эстетик бутунлик сифатидаги бадий асарнинг бир унсури тарзида эмас, балки умумий мазмундан узиб олинган ҳолда таҳлил этилган, баъзан сўз ёки бошқа бирликнинг тўғри-нотўғри қўлланилганлиги атрофидаги бадииятга алоқасиз баҳсларга катта ўрин берилган.

Бу ўринда П.Қодировнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "...Баъзи тилшунослар бадий асарнинг тилини эстетика қонунлари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ қилиш кераклигини унутиб қўядилар. Ёзувчининг бадий тил воситаси билан қандай образ ва характерлар яратишини таҳлил қилиш ўрнига лексика, семантика ва синтаксис қоидаларига муаллиф қандай риоя қилганлигини айтиш билан чекланадилар. Албатта, ёзувчи саводли одам бўлиши, грамматика қоидаларини билиши керак. Лекин ёзувчидан фақат шуни талаб қилиш унга жуда ибтидоий муносабатни билдиради. Умуман, бадий асар тилининг ўзига хос хусусиятларини лингвистик терминология ва қоидалар ёрдами

билан очиб бўлмайди. Лингвистик анализ бадиий асар тилининг тилшунослик фани учун зарур бўлган томонларинигина очиб беради. Лекин бадиий асар тили ... адабий асарнинг бошқа барча компонентлари билан узвий бирликда яшайди. Шунинг учун бадиий тилнинг ғоявий-эстетик хусусиятларини адабиётшунослик фанига хос методлар билан тадқиқ этиш керак.”³³ Ҳақиқатан ҳам, нафақат бадиий асар тилида, балки ҳар қандай нутқда лексик-семантик ва грамматик қоидаларга амал қилиш, нутқни тўғри тузиш лозим. Зеро, “нутқнинг тўғрилиги нутқ маданияти ҳақидаги таълимотнинг марказий масаласидир. Маданий нутқнинг бошқа барча коммуникатив сифатлари айни шу тўғрилиқ мавжуд бўлгандагина юзага кела олади. Зотан, тўғри бўлмаган нутқнинг аниқ ёки мантиқийлиги, ифодалилиги ёки бойлиги ҳақида гапириш мумкин эмас. Айтиш жоизки, нутқнинг тўғрилиги бошқа барча коммуникатив сифатларнинг пойдевори вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам нутқнинг тўғрилиги нутқ маданиятининг биринчи босқичи бўлиб, мактаб она тили таълимининг асосий мақсади ҳам ўқувчиларда айнан тўғри нутқ тузиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган.”³⁴ Маълумки, тўғри бўлмаган нутқдан бадиийлик излаш мантиққа зиддир, чунки нотўғри нутқ бадииятни елкасига ололмайди. Чинакам маънодаги бадиий асар тили бундай баҳслар учун ҳеч бир ўрин қолдирмайди. Тўғри, айрим бадиий асарлар тилидаги сакталиқлар, нўноқликлар, услубий ғализликлар тилшунос ёки умуман, филолог назаридан четда қолмаслиги керак, аммо бадиий тил санъатининг қонуниятлари тадқиқи бу даражадан анча баландда бўлиши лозим.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, юқорида келтирилган “бадиий асар тили ... адабий асарнинг бошқа барча компонентлари билан узвий бирликда яшайди. Шунинг учун бадиий тилнинг ғоявий-эстетик хусусиятларини адабиётшунослик фанига хос методлар билан тадқиқ этиш керак”

³³ Адабиёт назарияси. 2 томлик. 1-том... 313-бет.

³⁴ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. — Тошкент А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси н-ти, 2007, 42-бет.

қабилдаги кескин ҳукмда бирёқламалик бор. Чунки материалнинг моҳияти, таркибини билмасдан туриб, бу материалдан бирор соғлом иншоот қуриш ёки қурилган иншоотнинг соғломлигини баҳолаш мумкин эмаслигини исботлаб ўтириш вақтни беҳуда сарфлаш билан баробар. Бунинг устига ҳалигача адабиётшуносликда бадий асар тили теран ва тамоман талаб даражасида ўрганилган тадқиқотлар ошиб-тошиб ётгани йўқ.

Атоқли сўз санъаткори Саид Аҳмаднинг ушбу сўзлари айна ҳақиқатни очиқ акс эттириши билан диққатга моликдир: “Ёзувчини сўз санъаткори дейдилар. Кўпгина китобларимиз ан шу гўзал тилимизнинг оҳангларидан, сержилва бўёқларидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Негадир адабиётшуносларимиз ёзувчи тилига унчалик эътибор бермайдилар”.³⁵ Чиндан ҳам, адабиётшуносликка оид кўплаб ишларда, Х.Дониёров ва Б.Йўлдошевлар жуда тўғри таъкидлаганларидек, “бадий асар тили йўл-йўлакай ёки умуман тилга олинади. Бундай асарларда бадий нутқ тўғрисида “образли”, “ширали”, “жозибали” сингари шаблон эпитетлар ёрдамида фикр юритилади”.³⁶ Бундай қуруқ декларация шаклидаги баҳолар бадий асар тилида мурраккаб санъатнинг мағзини чақишга, бу санъат яратувчисиинг тил бобидаги маҳоратининг моҳиятини очишга ёрдам бермайди. Агар бадий асар тили ҳақиқатан ҳам образли, ширали, жозибали бўлса, бу гўзал ва асар учун фавқулодда муҳим бўлган сифатлар қай тарзда юзага келган, уларнинг лисоний асослари нималардан иборат, ботиний маъно-мазмун қирраларининг зоҳир бўлишида қандай тил бирликлари ва айна пайтда бу бирликлар ўртасидаги қандай муносабатлар иштирок этган, яхлит асардаги асосий фикр-мавзу билан уни ифодаловчи тил бирликлари ўртасидаги мазмуний-руҳий уйғунлик қандай намоён бўлган каби зарурий масалалар тадқиқотчининг асосий диққат марказида бўлмоғи шарт. Бунинг учун эса тадқиқотчи ҳам тилнинг, ҳам адабиётнинг минг йиллар давомида шаклланган, тақомилга етган, мантиқ ва бадиият

³⁵ Иқтибос шу китобдан олинди: Дониёров Х., Йўлдошев Б. Кўрсатилган асар. 86-бет.

³⁶ Дониёров Х., Йўлдошев Б. Кўрсатилган асар. 88-бет.

билан тўйинган қонунияларини тўла билмоғи ҳал қилувчи омилдир.

Бадиий адабиёт тилини ўрганишда тилшунос кўрпани фақат биргина ўзининг ҳақи деб, ўз томонига тортса, адабиётшунос ўз томонига тортса, аниққи, ижобий натижага эришмоқ мушкул. Чунки кўрпа, каттадир-кичикдир, қалиндир-юпқадир, битта. Шу битта кўрпани баҳам кўрмоқ тилшунос ва адабиётшуноснинг филологик фаолиятдаги қисмати дир.

Бадиий асарнинг адабий-танқидий таҳлилида фақат илмий адабиётшунослик эмас, балки тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам ёндашувнинг зарурлиги кўп марта таъкидланган.³⁷ Тилнинг эстетик вазифасининг асосий намоён бўлиши ўрни бадиий асар матни экан, бу вазифанинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшунослик йўналишлари ва лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, семасиология, этимология, грамматика каби тилшунослик йўналишлари бир-бири билан ҳамкорликда иш кўриши лозим. Тилнинг эстетик вазифаси масаласи бу икки йирик фан оралиғидаги мураккаб муаммодир. Ҳатто ўтган аср бошларида бир қатор тилшунос ва адабиётшунослар бу муаммони илмий асосда ўрганадиган алоҳида фан тури шаклланиши лозимлиги ҳақидаги қарашни илгари сурганлар. Масалан, Б. А. Ларин мана бундай деб ёзган эди: «Эртадир - кечдир, менимча, жуда тез орада тил эстетикаси алоҳида фан сифатида... тан олинади».³⁸

Бадиий асар тилини тилнинг айнан эстетик вазифасининг намоён бўлиши тарзида ўрганувчи соҳани «лингвистик поэтика» - «лингвопоэтика» деб номлаш филология илмида анча турғунлашган ҳамда «лингвистик поэтика»нинг филологик илмлар тизимида алоҳида мустақил фан сифатидаги ўрнини аниқлаштиришга бағишланган кўплаб тадқиқотлар яратилган.³⁹

³⁷ Масалан, қар.: Степанов Г.В. Кўрсатилган асар. 148-бет.

³⁸ Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. — Л.: Художественная литература, 1974. С. 28

³⁹ Масалан, қар.: Григорьев В.П. Поэтика слова. — М.: Наука, 1979; Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. — М.: Наука, 1985.

Бу ўринда лингвопоэтиканинг юзага келиши масаласига мухтасар бир тарзда тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бадиий адабиёт сўз санъати бўлганлиги учун унги ўрганиш тилшунослик ваколатига кирадими ёки адабиётшунослик ваколатига кирадими қабалидаги баҳс жуда эски бўлиб, у ҳамон маълум бир даражаларда давом этиб келади. Адабиётшунослик лингвистик тушунчалар ва методлар асосида тадқиқот олиб бориши керакми ёки йўқми тарзидаги саволларга жавоб излаш филология илмида у ёки бу тарзда намоён бўлмоқда.⁴⁰ Табиийки, тилдай мураккаб ҳодисанинг моҳияти ва синоатли қонуниятларидан мукамал хабардор бўлмасдан туриб, унинг минг бир маъно-мазмун ва жилоларда яшаш манзили бўлмиш адабиётни холис ва теран ўрганиш ёки адабиётнинг минг бир қонуниятидан беҳабар ҳолда мазкур манзилни чин илмий тафтиш қилишга уриниш самарасиз бир юмушдир. Шунинг учун ҳам филология тарихида мазкур фаолият учун энг қулай ва уйғун бир йўлни излаш ҳаракати турли шаклларда бўй кўрсатиб келади.

Семиотика алоҳида фан сифатида шакллангандан кейин унинг тадқиқот методлари энг қулай йўл сифатида адабиётни ўрганишга татбиқ этила бошланди. Шунинг билан структур-семиотик методлар билан иш кўрувчи структур адабиётшунослик пайдо бўлди, бадиий матнга ўзига хос белгилар системаси сифатида ёндашилиб, таҳлил олиб берилди ва бадиий тил ҳақида хулосалар чиқарилди.⁴¹ Аммо семиотик йўналишдаги бундай адабиётшунослик сўз санъатини тушуниш учун аниқ-тиниқ фойда келтирмади, чунки ўта мавҳум эди.⁴²

⁴⁰ Бу ҳақда қар.: Ибраев Л.И. Слово и образ. К проблеме соотношения лингвистики и поэтики // Филологические науки. 1981, №1. С. 18.

⁴¹ Масалан, қар.: Кёпечи Б. Знак, смысл, литература // Семиотика и художественное творчество. —М.: Наука, 1977. С. 42-58; Ржевская Н.Ф. О семиотических исследованиях в современном французском литературоведении // Семиотика и художественное творчество. —М.: Наука, 1977. С. 75-103.

⁴² Қар.: Горшков А.И. Русская стилистика. —М.: Астрель, 2001. С. 326.

Бадий асар тилини лингвистик ўрганишнинг шаклланишида рус “формализм”и вакиллари томонидан ташкил этилган “Поэтик тилни ўрганиш жамияти” (“Общество по изучению поэтического языка - ОПОЯЗ”) нинг ўрни алоҳидадир. Мутахассислар бу жамиятни тузишга 1917 йилнинг февралида қарор қилинган бўлса-да, унинг 1914 йилда В.Шкловскийнинг “Сўзнинг тирилиши” номли ишининг нашр қилинишидан бошланганлигини айтадилар. Бу жамият доирасида Р.Якобсон, О.Брик, В.Шкловский, Б.Эйхенбаум, Л.Якубинский, С.Бернштейн, Б.Ларин, шунингдек, кейинроқ Б.Томашевский, В.Жирмунский, Ю.Тиньянов, В.Виноградов, Г.Винокур каби бир қатор филологлар фаолият юритганлар, бадий асарни ўрганишда лингвистик таҳлилнинг етакчилик қилишига кўпроқ эътибор берганлар.⁴³

Эстетик бутунлик бўлган бадий асарни ўрганишда тилнинг асос эканлиги очиқ ҳақиқат бўлса-да, баъзан бу ҳол шубҳа остига олинади. Н.М.Шанский жуда ўринли таъкидлаганидек, бадий матннинг лисоний таҳлили унинг ғоявий-бадий хусусиятларини тушуниш учун бениҳоя муҳимдир. “Ахир, бирон-бир асарнинг ғоявий мазмунини, унинг бошқа асарлардан фарқлаб турувчи бадий хусусиятларини ўрганиш учун, эстетик ҳузур бахш этадиган, туйғуларни тарбиялайдиган ва тафаккурни ривожлантирадиган, ақл ва қалбни ҳаракатта келтирадиган информатив ва образли бутунлик бўлмиш бадий асарни тўғри идрок этмоқ учун, энг аввало, уни тўғри тушунмоқ лозим. Адабий матнни (бошқа ҳар қандай нутқий асарни ҳам) тўғри, ҳақиқий, адекват-зиддиятсиз тушунмасдан туриб, унинг ғоявий нуқтаи назардан таҳлили ҳақида ҳам, бошқа баҳолар қатори филологик баҳоси ҳақида ҳам ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас... Ҳамонки тил адабиётининг бирламчи унсури экан, бадий матннинг лисоний таҳлили ҳам уни адабиётшунослик жиҳатидан ва стилистик ўрганишнинг пойдеворидир.”⁴⁴ Бир

⁴³ Бу ҳақда батафсил қар.: Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики... С. 39-447; Барабаш Ю. Алгебра и гармония // Контекст-1972. -М.: Наука, 1973. С. 84-137.

⁴⁴ Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. -Л.: Просвещение, 1990. С. 5-6.

қарашда, бундай талқинда бадиий матнга ёндашув бир ёқламадай туюлади, яъни лисоний таҳлилда, гарчи керакли изоҳлар батафсил берилса-да, бадиий матннинг эстетик ўзига хосликлари етарли даражада эътиборга олинмагандай таассурот қолдиради. Шунинг учун айрим тадқиқотчилар лисоний таҳлил эмас, филологик таҳлил ифодасини қўллайдилар⁴⁵.

Йирик рус филологи Р.Будагов ҳам ўзининг «Тил ҳақидаги фан адабиёт ҳақидаги фанга нима бериши мумкин?» номли мақоласида бу икки фан бир-бирига кўп нарса беришини айтади ва адабиётшуносликка тилшунослик берадиган «фойда»ларга батафсил тўхталади, француз шоири Поль Валерининг поэтика учун тилшуносликнинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини профессионал аниқлик билан кўрсатиб берганлигини таъкидлайди.⁴⁶

Маълумки, поэтика «бадиий асарларда ифода воситалари тизими ҳақидаги фан, энг қадимий адабиётшунослик фани. "Поэтика" термини дастлаб Аристотелнинг "Поэтика" асарида қўлланган. Бу асар бадиий асар ва унинг тилига оид инъирий масалаларни ёритишда дастлабки асарлардан ҳисобланади.»⁴⁷ Қадимги даврлардан ҳозирга қадар ҳам поэтика, кўриниб турганидай, адабиётшуносликка оид фан сифатида қўралади. Айни пайтда, айтиш мумкинки, поэтика барибир адабиётшуносликка қанчалик алоқадор бўлса, юқорида таъкидланганидек, тилшуносликка ҳам шунчалик яқиндир.

Машҳур рус филологи В.Жирмунский «Поэтиканинг шифалари» номли ишида А.А.Потебня асарларидаги, гарчи унинг яхлит концепциясида эътирозли ўринлар кўп бўлса-да, поэтикани тил ҳақидаги умумий фан – лингвистика билан яқинлаштиришдан йборат методи ўта самарадор эканлигини ва шунинг учун кенг эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлайди.⁴⁸ В.Жирмунскийнинг поэтика ва лингвистика ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ҳақидаги қуйи-

⁴⁵ Масалан, қар.: Купина Н.А., Николина Н.А. Филологический анализ художественного текста. – М.: УРСС, 2003.

⁴⁶ Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: МГУ, 1980. С. 20-45.

⁴⁷ Олим С. Поэтика // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент: Ўзб-н миллий энц-яси давлат илмий н-ти, 2004. 162-бет.

⁴⁸ Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л.: Наука, 1977. С. 15.

даги фикрлари алоҳида эътиборга молик: “Ҳамонки, поэзиянинг материали сўз экан, поэтиканинг системали тузилиши асосига бизга лингвистика берадиган тил фактларининг таснифи қуйилмоғи лозим. Бадиий вазифага бўйсундирилган бу фактларнинг ҳар бири шу тариқа поэтик усул (приём)га айланади. Шундай қилиб, тил ҳақидаги фаннинг ҳар бир бўлимига назарий поэтиканинг алоҳида бўлими мувофиқ келиши керак.” Бундау, албатта, поэтик фонетика, поэтик морфология, поэтик синтаксис кабиларни назарда тутди.⁴⁹

Бадиий матн поэтикасида тил бирликларининг эстетик мақсадни юзага чиқариш жараёнларидаги “ишлаш механизмлари”нинг бениҳоя ўзига хосликларидан ҳайратга тушган бу соҳанинг номдор тадқиқотчилари тилшуносликсиз поэтика йўқ қабалидаги хулосаларга ҳам келганлар. Масалан, Р.Якобсон “Лингвистика ва поэтика” номли дастурий маърузаси (АҚШ, 1958 йил)да ҳатто “поэтикани лингвистиканинг таркибий қисми сифатида қараш мумкин” тарзидаги тезисни ҳам илгари сурган.⁵⁰

Бадиий асар тили, стилистика, поэтика масалаларининг атоқли тадқиқотчиси В.Виноградов жуда кўплаб асарларида мазкур масалаларнинг ҳар бирига аниқлик киритишга эътибор берган. Масалан, “Стилистика. Поэтик нутқ назарияси. Поэтика” номли фундаментал асарида, хусусан, поэтика ҳақида фикр юритар экан, адабий-бадиий асар структурасини ўрганишга ҳам лингвистик, ҳам эстетик-стилистик, ҳам адабиётшунослик, ҳам бошқа санъатшунослик ёндашувлари поэтика доирасида бирлашиб кетишини таъкидлайди.⁵¹

Демакки, бадиий матн поэтикасига лингвистик ёндашув, яъни лингвопоэтика бошқа ёндашувларни асло инкор этмайди, балки мазкур ёндашувнинг етакчилигини кўрсатади, холос. Аммо баъзи тадқиқотчилар лингвопоэтиканинг фақат тилшуносларга тегишлилигини, бадиий нутқни тад-

⁴⁹ Жирмунский В.М. Кўрсатилган асар. 28-33-бетлар.

⁵⁰ Бу ҳақда қар.: Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. — М.: Высшая школа, 1980. С. 99.

⁵¹ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. —М.: Высшая школа, 1981. С.169.

қиқ этиш учун тегишли тажриба ва керакли қуролга фақат тилшунослар эга бўлганлиги учун уни фақат тилшунослар ўрганиши лозимлигини айтадилар.⁵² Лекин бундай кескин талаблар жиддий илмий эътирозларга сабаб бўлган. Масалан, Р.А.Будагов бу талабга мана бундай жавоб берган: “Мен чуқур ишонаманки, поэтика филологик билимлар системасида яхлит фандир. У билан бадиий суз тақдирини, ҳам шеърий, ҳам насрий тил тақдирини Улари учун қадри деб билган филологлар шуғулланишлари лозим.”⁵³

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг бетакрор бадиияти, сиру синоатга тўла қонуният тилсимлари, лингвофольклористика масаларини теран тадқиқ этган серқамров филолог Б.Саримсоқов тил бадиияти муаммосини ўрганишда тилшунос ва адабиётшуносларнинг доимий ҳамкорлигини тарғиб этишдан чарчамаган олим эди. У шундай ёзади: “...Тилшуносни ёки адабиётшуносни, лингвопоэтикада, бадиийлик (образлилик) масалаларида бирлашиб кетишлари лозим, шундагина улар ҳақиқий филологга айланадилар. Бадиийлик муаммолари эса соф филологик муаммолардир”⁵⁴

Бадиий асар тилини «стилистик аспект»да ўрганишга қараганда лингвопоэтик ўрганиш бир қадар илгари қўйилган қадам ва анча самарали йўл эканлиги бугун ойдинлашиб бормоқда. Айни пайтда бадиий асар тилининг лингвопоэтик таҳлили лингвостилистик таҳлил натижаларига асосланиши ҳам тадқиқотчилар томонидан тўғкидланади.⁵⁵

Мамнуният билан айтиш лозимки, ўзбек тилшунослигида лингвостилистик йўналишда, таъкидлаб ўтилганидай, жуда катта миқдордаги илмий ишлар яратилди ва яратилмоқда⁵⁶. Ҳеч шубҳасиз, ана шу лингвостилистик йўна-

⁵² Масалан, қар.: Григорьев В.П. Кўрсатилган асар. 39-бет.

⁵³ Будагов Р.А. Что же такое лингвистическая поэтика? // Филологические науки, 1980. №3. С. 25.

⁵⁴ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. —Тошкент: ТАИ, 2004. 27-бет.

⁵⁵ Конурбаев М.Э. Библия Короля Иакова в лингвопоэтическом освещении. — М.: Диалог — МГУ, 1998.

лишдаги илмий ишларда тўпланган тажрибалар, назарий хулосалар табиий равишда кейинги ўн йилликларда ўзбек тилшунослигида ҳам лингвопоэтик йўналишдаги тадқиқотларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Уларда ўзбек адабиётидаги юксак маҳорат билан яратилган шеърий ва насрий асарлар, фольклор намуналарининг тили ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилинган, тегишли илмий хулосалар умумлаштирилган.

Масалан, Н.Маҳмудовнинг бир қатор мақолаларида айрим шоир ва ёзувчилар асарлари тилининг лингвопоэтикаси бўйича қизиқарли фикрлар илгари сурилган.⁵⁷ Бадиий асар тили, хусусан лингвостилистика масалалари билан узоқ йиллардан бери шуғулланиб келаётган таниқли тилшунос Б.Йўлдошевнинг З.Шодиёва билан ҳамкорликда эълон қилган монографиясида конкрет бир асарнинг лингвопоэтик таҳлили масалалари атрофича ёритилган.⁵⁸ Л.Жалолова, Г.Рихсиева каби тадқиқотчиларнинг мақолаларида ҳам бадиий асардаги муайян усул ва шаклларнинг лингвопоэтик моҳиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.⁵⁹ Бизнинг номзодлик диссертациямизда ҳам Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи баҳоли қудрат лингвопоэтик таҳ-

⁵⁶ Масалан, айрим сўнги тадқиқотлар: Яхшиева Г.Т. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар : Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Тошкент, 1997; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг лугавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Тошкент, 2006; Дониёров Ш. Шукур Холмирзаев ҳикояларининг бадиий-услубий ўзига хослиги: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Тошкент, 2000; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. –Тошкент, 2004.

⁵⁷ Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. №6. 48-51-бетлар; Шу муаллиф. А.Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. №4. 34-36-бетлар.

⁵⁸ Yo'ldoshev B., Shodiyeva Z. “Ufq” trilogiyasining lingvopoetik tahlili masalalari. –Samarqand: SamDU, 2006.

⁵⁹ Жалолова Л. Абдулла Қодирий асарларидаги жонлантиришнинг лингвопоэтик таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, №4. 33-35-бетлар; Рихсиева Г. Нисбат шаклларининг лингвопоэтик тадқиқига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. №4. 33-35-бетлар.

лилга тортилган эди.⁶⁰ Кейинги тўрт-беш йилда лингвопоэтика муаммолари тадқиқига бағишланган бир неча диссертациялар ёқланди.⁶¹

Бу ўринда И. Мирзаевнинг докторлик диссертациясини⁶² алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу илмий тадқиқотни ўзбек тилшунослигида мазкур йуналишдаги дастлабки йирик ишлардан бири дейиш мумкин. Диссертациядаги лингвопоэтик кузатишларнинг марказига шеърий нутқнинг асосий унсурларидан бўлмиш қофия қўйилган, айти шу қофиянинг шаклланиши ва семантикасининг намоён бўлишини таъмин этадиган лексик, морфологик ва синтактик воситалар муфассал ўрганилган. Шубҳасиз, диссертация жуда катта назарий ва амалий қимматга эга, у шеърий матн лингвопоэтикаси муаммоларини янада чуқурроқ ўрганишни жадаллаштиришга ёрдам беради. ✓

Лингвопоэтика тадқиқига бағишланган баъзи ишларда бадиий асар тилининг таҳлили лингвистик ёндашувдан ташқирига чиқиб кетаолмаётганлигини, лингвопоэтик таҳлилнинг жуда жўн ва саёзлигини сезиш мумкин. Масалан, Муҳаммад Юсуф шеъриятининг лингвопоэтикасини тадқиқитини мақсад қилиб олган бир ишнинг бутун бошли учинчи боби “Муҳаммад Юсуф шеърларидаги окказионализмнинг лингвопоэтик хусусиятлари” деб номланган. Аммо тадқиқотчи шоир шеърларида окказионализмлар икки хил усул билан, яъни аффиксация ва “сўз бирикмасини қисқиртириш, соддалаштириш” усуллари билан ҳосил қилинганлигини айтади, бу усулларнинг лингвистик моҳиятини кўрсатувчи кўплаб мисоллар келтиради, уларнинг структурал-грамматик таҳлили билан чекланади.⁶³ Чиндан ҳам, шоир

⁶⁰ Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. —Тошкент, 2000.

⁶¹ Масалан: Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири — 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. —Тошкент, 2004; Шодиева Д.Ш. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. —Тошкент, 2007.

⁶² Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. —Тошкент, 1992.

томонидан ясалган окказионализмлар унинг бадиий-эстетик мақсадига қандай хизмат қилган, бу муваққат сўзларнинг лингвопоэтик моҳияти нимадан иборат, уларнинг шеърдаги бошқа тил бирликлари билан муносабати қай тарзда каби саволлар очик қолаверган.

Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятларини ўхшатиш, метафора, сифатлаш каби кўҳна усулларнинг таҳлили мисолида жуда мукаммал ўрганган М. Ёқуббекова бу борада куйидагиларни таъкидлайди: “Халқ кўшиқлари поэтикасини ташкил этувчи кўшиқ сюжети, композицияси, образлари каби узвлар орасида кўшиқларнинг лисоний бадиияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кўшиқнинг воқеий моҳиятининг сўз орқали қай тарзда, қайси қонуниятлар асосида ифода этилаётгани – лисоний бадиияти лингвистик хусусиятлари мажмуидан англашилади”.⁶⁴ Монографияда айни шу лингвистик хусусиятларнинг бадиийликни, поэтикани юзага келтиришдаги вазифалари ижодкор халқ даҳосининг ниятига уйғун равишда қандай намоён бўлганлиги, бу хусусиятларнинг яхлит матндаги бадиий-эстетик ўрни катта маҳорат билан кўрсатиб берилган. Дангал айтиш мумкинки, муаллиф ўзбек халқ кўшиқларининг тилини ҳам тилшунос, ҳам адабиётшунос, ҳам фольклоршунос бўлиб, бир сўз билан айтганда, филолог бўлиб тадқиқ этган.

Албатта, бадиий асар тили, бадиий матн ана шундай филологик ёндашув устивор бўлсагина, чинакам лингвопоэтик хоссаларини намоён эта олади. Бу хоссалар эса илмий-назарий филология учун ҳам, филологик таълим учун ҳам бирдай муҳимдир. Бадиий матнни тўғри филологик талқин, таҳлил ва идрок этиш, ундан максимал эстетик завқ ва ахборот олиш малакасига эришишда лингвопоэтика асосий омилдир. Шунинг учун ҳам И. Мирзаев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “...лингвопоэтика бугунги кунда филологиянинг яхлитлигини тиклаши мумкин бўлган соҳа деб эътироф этилаётган экан, унинг мақсад ҳамда вазифаларини, тадқиқот объектини, бошқа тармоқ фанлари би-

⁶³ Шадиева Д. Ш. Кўрсатилган автореферат. 19-20-бетлар.

⁶⁴ Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. - Тошкент: Фан, 2005. 27-бет.

дан муносабатини аниқлаб олиш ва бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш керак... Бу соҳадаги тадқиқотларни кўпайтириш ва кучайтириш зарурияти кейинги йилларда филология илмининг энг долзарб вазифаларидан саналмоқда”.⁶⁵

Таъкидланганидек, лингвопоэтиканинг асосий ўрганиш объекти бадиий матн. Аммо бадиий матн матнлар типологияси нуқтаи назаридан нобадиий матнга қаршилантирилганда, ундаги ўзига хосликлар яна ҳам ойдинлашади. Шунинг учун матн назарияси масаласини ва бадиий матнга лингвопоэтик ёндашув ҳамда унинг вазифалари муаммосини алоҳида-алоҳида ўрганишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Сир эмаски, бадиий матн бадиий-эстетик бутунлик сифатида бениҳоя мураккаб, серқатлам ҳодиса. Бадиий матнда ифодаланган асосий ғоя-фикр-мазмунни тушуниш, англаш шунчаки иш эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳ очиқ, гоҳ яширин, турли ишоралар, таъмаънолар, коса тагидаги нимкосалар билан шамоийил топган мазмуннинг маъносини тўғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади. Ҳар қандай матннинг мазмунини тушуниш учун тил лексикаси ва грамматикасини билиш зарур ва етарли бўлса, бадиий матннинг мазмунини идрок этиш учун бундан ташқари айни пайтда бадиий матннинг ўзига хос лисоний-поэтик қонуниятларини ҳам билиш лозим бўлади.

Филологик таълимда талабаларда бадиий матннинг ана шундай лисоний-поэтик хусусиятларини идрок этиш малакаларини шакллантириш, бадиий асарнинг лингвопоэтик таҳлили ва талқини бўйича қобилиятларини ўстириш мақсадида бадиий матн таҳлили билан боғлиқ алоҳида курс киритилган. Бу ўқув курси бўйича ўзбек тилида турли номларда бўлса-да, бир қатор қўлланмалар нашр этилган.⁶⁶ Улар-

⁶⁵ Мирзаев И. Лингвистик поэтика ва унинг филологик таҳлилдаги ўрни // Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Ўз МУ илмий мақолалар тўплами). — Тошкент: Университет. 2002. 22-бет.

да “бу курснинг асосий мақсади ... талабаларнинг тилшунослик ва адабиётшунослик фанларидан олган билимларини янги илмий ва методологик босқичга кўтариш, ўзбек тилининг чиройи, эстетик жиловини англаш, нутқ маданиятини такомиллаштириш, китобга ҳақиқий муҳаббат ҳиссини ҳамда истаган бадиий матнни шарҳлаш малакасини ҳосил қилиш”⁶⁷ эканлиги айтиб ўтилган.

Рус тилшунослигида ҳам ана шундай қўлланмалар жуда кўп яратилган.⁶⁸ Муаллифлар рус филологиясида бадиий матн лисоний таҳлили ва унинг методикаси масаласи дастлаб ўтган асрнинг 30-йилларида Л.В.Шчерба томонидан кўтарилганлиги, у матн лингвистик таҳлилининг асосий вазифасини адабий асарнинг гоъвий ва шу билан боғлиқ эмоционал мазмунини ифодалашда иштирок этадиган лингвистик воситаларни кўрсатиб беришдан иборат деб ҳисоблаганлигини таъкидлайдилар.⁶⁹

Бадиий матнни таҳлил ва талқин қила олиш малакаси инсоннинг умуммаданий савияси, маънавий-маърифий баҳога, дунёни англаш салоҳияти, ҳиссий-эстетик идрокнинг тараққиёти учун муҳим эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам бадиий матн талқини тарбияси фақат филологик таълимдагина эмас, балки умуман таълимда ҳам алоҳида ўрин тутиши лозимлиги дунё таълим тизимида эътироф этилганига анча бўлган. Масалан, Франциядаги ўрта ва олий ўқув юрларида адабий-бадиий матн талқини узоқ йиллардан буён, тўғрироғи,

⁶⁶ Масалан: Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. — Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. — Бухоро, 2000; Жамолхонов Ҳ., Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. — Тошкент, 2000; Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. — Тошкент, 2007.

⁶⁷ Қиличев Э. Кўрсатилган асар. 4-бет.

⁶⁸ Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. 2-е изд. — Л.: Просвещение, 1990; Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. — М.: Русский язык, 1989; Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. — М.: Русский язык, 1979.

⁶⁹ Масалан, қар.: Новиков Л.А. Кўрсатилган асар. 8-бет.

Утган асрнинг бошидан фан сифатида ўқитилади ва талабалар бу фан бўйича оғзаки битирув имтиҳони топширадилар. Ҳатто олий ўқув юртларида талаба-тадқиқотчининг эрудициясини намоён қилишга қаратилган чуқурлаштирилган матн талқини машқлари йўлга қўйилган. Вазирликнинг махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқилган йўриқномаларда “Француз тилидаги матн талқини (интерпретацияси) нинг мақсади ундаги тирик фикрни излаб топиб, бу матнни тирилтиришдан иборат” деб кўрсатилган. Бу қонидани шарҳлаган француз мутахассислари шакл таҳлилини мазмун таҳлилидан ажратмаслик лозимлигини, шундагина муаллифнинг ниятини тўғри тушуниш, одатдаги ўқиш жараёнида назардан қочиш эҳтимоли бўлган хилма-хил маъно нозикликларини юзага чиқариш, яъни “матндан унинг сирларини тортиб олиш” мумкин бўлишини айтадилар.⁷⁰

Умуман, ана шундай жуда катта ҳам илмий-назарий, ҳам амалий-таълимий аҳамиятга молик бўлган беқиёс мураккаб филологик муаммо — бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил этиш муаммоси яхлит монографик планда тадқиқ этилган эмас. Бадиий матн деганда фақат шеърий ёки фақат насрий ёки яна бошқа адабий турга оид-асарлар тушунилмайди. Табиийки, бу турларнинг ҳар бири ўзига хос лисоний-поэтик ва адабий-ғоявий жиҳатларга эга, аммо уларнинг барини бадиийлик деган умумий ва муштарак сифат бирлаштиради, бунинг маҳсули эса, албатта, бадиий матндир. Шунинг учун тадқиқот давомида биз бадиий матн сифатида ўзбек адабиётидаги деярли барча адабий тур ва жанрларга оид асарлар материалларини таҳлилга тортишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Бадиий матннинг лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишдаги муҳим ва ўзак нуқталар сифатида матн таърифи, типологияси ва матн бирликлари, бадиий матн ва унга лингвопоэтик ёндашув тамойиллари, бадиий матнда тил воситаларининг поэтик актуаллашуви, бадиий матннинг асосий категориялари масалаларини белгиладик.

⁷⁰ Бу ҳақда қар.: Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. — М.: Высшая школа, 1980. С. 27.

ТИЛШУНОСЛИҚДА МАТН МУАММОСИ

Муаммонинг ўрганилиши

Инсонларнинг кишилик жамияти сифатидаги алоҳи да-алоҳида қавмлар тарзида бирлашиши ва бирликда не не мушкулотларни бартараф этиб, тамаддун дейиладиган тараққиёт йўлларида мунтазам одим отмоғида улар ўрта сидаги коммуникация, мулоқотнинг ўрни, шубҳасизки бениҳоя муҳим. Коммуникатив фаолиятдан тамоман холи бўлган, аъзолари ўзаро мулоқот имкониятидан бутунлай маҳрум бўлган кишилик жамиятини тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

Неча минг йиллардир, одам боласи ўрганади, ўргатади, тажрибаларини тўплайди, сақлайди ва бошқаларга етказилади. Албатта, бу фаолиятларнинг, ҳеч бир истисносиз барчаси – ўрганиш ва ўргатиш ҳам, тажриба-ахборотларни тўплаш ва сақлаш ҳам, уларни бошқалардан олиш ва бошқаларга бериш ҳам тил воситасидаги мулоқот (оғзаки ва ёзма) орқали амалга ошади. Зотан, тилнинг моҳиятига дахлдор бўлган бош вазифасининг коммуникатив вазифа эканлиги бугун фақат мутахассисгагина эмас, балки барчага беш қўлдай маълум бир ҳақиқат. Аммо мазкур коммуникатив алоқанинг, нутқий мулоқотнинг лисоний-мантиқий, ижтимоий-руҳий, тарихий-эстетик механизмлари улар билан боғлиқ қоида-қонуниятлар, ўзига хосликлар тегишли фанлар (тилшунослик, адабиётшунослик, мантиқ, социология, эстетика каби) томонидан тўласича ўрганиб бўлинган эмас. Бу борадаги жуда кўплаб муаммолар ҳамма замонларда олимларнинг эътиборида бўлиб келганлигига қарамай, ҳамон баҳсу мунозараларга сабаб бўлади, илгари сурилган турли фикрлар гоҳ бировлар томонидан эътироф этилса, гоҳ жиддий эътирозларни туғдириб келади.

Маълумки, ҳар қандай нутқий коммуникациянинг юзага келиши, воқеланишида уч асосий унсурнинг иштироки маж-

бурийдир, яъни сўзловчи (ёзувчи) — ахборот (матн) — тингловчи (ўқувчи). Тўғри, нутқий коммуникацияда нутқий шароит, ахборот канали (овоз, ёзув, магнит ёзуви, телефон каби), мулоқот аъзоларининг мақоми, ёши ва бошқа белгилари, шунингдек, бошқа турли гайрилисоний воситаларнинг ҳам ўрни бениҳоя муҳим, ҳатто кўпинча ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Лекин мазкур уч унсур нутқий коммуникациянинг асосий устунларидир, уларнинг биротасисиз мулоқот жараёни воқе бўлмайди.

Тилшунослик айни коммуникация жараёнида икки томон (сўзловчи, тингловчи) ўртасилаги “бериш-олиш”нинг асосий предмети бўлган ахборотнинг лисоний ифодаланиши ва англаниши масаласига мутлақо табиий равишда биринчи даражали диққатни қаратди. Зотан, ҳар қандай коммуникациянинг пировард ва бош мақсади айни шу ахборотнинг “ҳаракати”дир, бу “ҳаракат” эса тил воситасида бўлади. Шунинг учун ҳам тилшунослик худди шу “ҳаракатдаги ахборот”нинг асосий ва йирик бирлигини излади, натижада гапни ана шундай йирик бирлик сифатида узоқ даврлар эътироф этиб келди.

Маълумки, тилшунослик ўз ўрганиш объектини алоҳида-алоҳида бўлимларга ажратган, яъни фонетика-фонологияда товуш (фонема)лар, мофологияда морфемалар, лексикологияда лексемалар, синтаксисда эса содда ва қўшма гаплар ўрганилади. Айтиш мумкинки, анъанавий тилшуносликда тилнинг энг юқори сатҳидаги энг олий ва охириги бирлик гап деб қараб келинади. Поляк тилшуноси М.Р.Майонованинг таъбири билан айтганда, “Гап тугаган жойда тилшунослик ўз кузатишларини тугатади” деган ҳукм яқинларгача очиқ ҳақиқат ҳисобланган. Кўп гаплардан таркиб топган матнлар кенг маънодаги грамматика доираси билан битамом ва тўласича чегараланувчи бу фан соҳаси кузатишларидан четда қолади”.⁷¹

Аслида агар “гап тугаган жойда тилшунослик ўз кузатишларини тугатса”, яъни фақат гапни коммуникатив бирлик деб ҳисобласа, бундай тилшунослик гапнинг семантик-

⁷¹ Иқтибос шу мақоладан олинди: Янус Э. Обзор польских работ по структуре текста // Синтаксис текста. — М.: Наука, 1979. С. 325.

коммуникатив моҳиятининг ичига бемалол ва тўла кири боришга қийналади. Ҳар қандай алоҳида олинган гапнинг лисоний-мантиқий мағзини чақиб бўлмайди. Ҳар қандай сўзнинг маъноси аниқ бир контекстда реаллик касб этгани каби гапнинг ҳам бошқа гаплар билан муносабатидан ташқарида мазмунини холис баҳолаш мушкул. Энг оддий бир мисолни кўрайлик: *Сайёҳлар эртага ўша шаҳарга борадилар* гапидаги мазмунни англаш учун унда олдин қўлланган (ёки қўлланиши мумкин бўлган), айтайлик, *Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари ҳақидаги фильм намойиш этилди* қабалидаги қандайдир гап бўлиши лозим. Кўринадики, биринчи гапни мутлақо мустақил коммуникатив бирлик деб бўлмайди, демакки тилшуносликнинг чегараси бу ерда тугамаслиги, унда ташқарига чиқиши керак. Синтаксисни фақат гап (ва сўз бирикмаси) ҳақидаги таълимот тарзида талқин қилиш мазкур чегаранинг устун бўлиб келганлиги маълум. Ҳолбуки, синтаксисга “нутқ тузиш ҳақидаги фан” сифатида қараш жуда кўп муаммоларга ойдинлик киритиши идроп этила бошлаганига ҳам анча бўлди.⁷²

Боғли нутқ, яхлит нутқий асар, матнни ўрганиш, яъни матнга гап – период – янада йирикроқ парча – яхлит бутунлик тарзидаги даражаланишда ёндашиш антик даврдан – Аристотель ва унинг издошларидан бошланган.⁷³

Рус тилшунослигида матн (“текст”) тушунчасининг ривожини ўтган асрнинг 40-йилларига тўғри келади. 1947 йилда А.И.Белич ўзининг тилшунослик фанларининг таснифига бағишланган мақоласида тил фактларининг грамматик тавсифида маъно умумийлиги асосида боғланган ва муайян синтактик-семантик яхлитлик тарзида намоён бўладиган гапларнинг бутун занжирига алоҳида ўрин берилиши лозимлигига ва бу “матн” тушунчасининг юзага келиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик эканлигига эътиборни қаратган, ана шундай гаплар занжиридаги ўзаро муносабат ва

⁷² Қар.: Долгова О.В. Синтаксис как наука о построении речи. – М.: Высшая школа, 1980.

⁷³ Бу ҳақда қар.: Барт Р. Лингвистика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. С. 444-445.

алоқаларни тилшуносликнинг синтаксис бўлимида ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган.⁷⁴

Гапдан катта бирликлар, яъни “гапларнинг ҳамкорлиги” масаласи немис тилшунослигида ҳам деярли шу йилларда, хусусан, 1949 йилда кўтарилган. Гаплар ўртасидаги алоқаларни структурал шакллантирувчи лексик такрор, артикль, олмошлар, эллипсис, феъл замонлари, такрор боғловчилар, сўроқ сўзлар каби энг муҳим воситаларни тадқиқ этган ишида К.Боост шундай ёзади: “Бир гапдан бошқасига тортилган иплар шу қадар кўп ва шунадй пишиқ тўрни ҳосил қиладики, гапларнинг чатишиши, уларнинг ягона тўр сифатида ўриб тўқилганлиги ҳақида гапириш мумкин, чунки ҳар бир алоҳида гап бошқалари билан чамбарчас боғланган”.⁷⁵

Ўтган аср 60-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб “матн лингвистикаси” деган йўналиш катта суръат билан ривожланиш палласига кирди. Яхлит нутқий бутунлик сифатидаги матн ва унинг ташкил этувчи унсурлари, омиллари, хусусиятлари турли нуқтаи назарлардан тадқиқ этила бошланди. Бу соҳа атрофида ўзига хос, айтиш мумкин бўлса, жуда катта “шов-шув” пайдо бўлди. Ҳатто айрим мутахассислар матн лингвистикасини тилшуносликнинг алоҳида соҳаси эмас, балки умуман, тилшуносликнинг пойдевори, базаси деб ҳисобладилар. Фарбий Европа мамлакатларида матн лингвистикаси бўйича даврий нашрлар ва илмий тўпламлар нашр этилди, махсус илмий жамоалар тузилди, монографиялар босилди, дарсликлар, ҳатто мактаблар учун дарсликлар чиқарилди.⁷⁶

Матн назарияси, матн лингвистикасининг умумий шаклланиши ва ривожига чех (Прага лингвистик тўғараги вакиллари), немис, француз, инглиз, Америка, голланд, по-

⁷⁴ Белич А.И. К вопросу о распределении грамматического материала по главным грамматическим дисциплинам // Вестник МГУ, 1947, N 7. С. 22.

⁷⁵ Бу ҳақда қар.: Москальская О.И. Грамматика текста. — М.: Высшая школа, 1981. С. 5-6.

⁷⁶ Бу ҳақда қар.: Николаева Т.М. Лингвистика текста. Современное состояние и перспективы // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. — М.: Прогресс, 1978. С. 5-39.

ляк ва бошқа тилшунослик-мактаблари вакилларининг хил матлари дунё тилшунослигида эътироф этилган ва доим равишда илмий тадқиқотларда тилга олинади.⁷⁷ Рус тилшунослигида ҳам матн назарияси ва лингвистикаси муаммолари В.В.Одинцов, И.Р.Гальперин, О.И.Москальская, Л.М.Лосева, Ю.М.Лотман, З.Я.Тураева, Н.Д.Зарубина, Е.И.Сидоров, О.Л.Каменская, А.И.Горшков, Н.С.Валгина каби кўплаб тилшунослар томонидан ўрганиб келинади.⁷⁸

Тилшуносликдаги бу йўналишдаги тадқиқотларни асосан рофлича таҳлил қилган О.И.Москальская ўтган асрнинг 60-70-йилларига келиб матнни лингвистик ўрганишга бўлган қизиқиш бениҳоя ортганлигини, дунё тилшунослигида матн лингвистикаси бўйича мисли кўрилмаган миқдорда тадқиқотлар юзага келганлигини ва матн лингвистикаси мустақил тилшунослик фани сифатида тўла эътироф этилганлигини таъкидлар экан, тадқиқотлардаги бу эътирофга тама бўлган асосий қоидаларни куйидагича гуруҳларга бўлиб умуллаштиради:

1. Нутқнинг тугалланган фикр билдирадиган асосий бирлиги гап эмас, балки матндир; гап-фикр эса фақат хусусий ҳолат, матннинг алоҳида туридир. Матн синтактиксатҳнинг олий бирлиги ҳисобланади.

⁷⁷ Бу ҳақда қар.: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Лингвистика текста. —М.: Прогресс, 1978; Москальская О.И. Кўрсатилган асар. 6-12-бетлар; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. —М.: Наука, 1981. С. 5-7; Дейван Т.А., Кинч В. Стратегии понимания связного текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. —М.: Прогресс, 1988. С.153-211 ва бошқ.

⁷⁸ Лотман Ю.М. Структура художественного текста. —М.: Искусство, 1970; Лингвистика текста. Материалы научной конференции. Ч. I, II. — М., 1974; Лосева Л.М. Как строится текст —М.: Просвещение, 1980; Одинцов В.В. Стилистика текста. —М.: Наука, 1980; Москальская О.И. Кўрсатилган асар; Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар; Зарубина Н.Д. Текст: лингвистический и методический аспекты. — М.: Русский язык, 1981; Тураева З.Я. Лингвистика текста. — М.: Просвещение, 1986; Сидоров Е.В. Проблемы речевой системности. —М.: Наука, 1987; Каменская О.Л. Текст и коммуникация. —М.: Высшая школа, 1990; Горшков А.И. Русская стилистика. —М.: Астрель —АСТ, 2001. С. 53-258; Валгина Н.С. Теория текста. —М.: Логос, 2004 ва бошқ.

2. Конкрет нутқий асарлар — матнларнинг асосида матн тузишнинг умумий тамойиллари ётади; бу тамойиллар нутқ соҳасига эмас, балки тил системасига ёки тил ваколатига дахлдордир. Бу жиҳатлар ҳисобга олинса, шулардан келиб чиқилса матнни фақат нутқ бирлигигина эмас, балки айти пайтда тил бирлиги деб ҳам ҳисоблаш керак.

3. Бошқа тил бирликлари каби матн лисоний белгилар системасининг қисмидир.

4. Матнни алоҳида сатҳнинг нутқий ва лисоний бирлиги сифатида ҳар томонлама ўрганиш тилшунослик доирасидаги махсус фан — матн лингвистикасини яратишни тақозо этади.

О.М.Москальская мазкур қоидалар, айтиқса, биринчи банддаги қоидалар турли шаклларда ўша даврдаги тадқиқотларда такрорланиб, “янги лингвистик йўналишнинг жанговар шиори сифатида жаранглагани”га эътиборни қаратади ва ғарб олимларининг ана шундай фикрларидан намуналар келтиради: “Биз одатда алоҳида сўзлар билан эмас, гаплар ва матнлар билан гапирамиз” (Х. Вайнрих). “Агар биз гапирсак, фақат матнлар билан гапирамиз” (П. Хартман). “Тил фақат матнлар шаклида ва матн тузиш вазифасида кишилар ўртасидаги алоқа воситасидир” (П.Хартман). “Биз тилдан фойдаланганимизда асосий бирлик сўз ёки гап эмас, балки матндир” (М.А.К.Хэллiday). “Бизнинг кунларимизда тилнинг олий ва энг мустақил бирлиги гап эмас, балки матн эканлиги умум эътирофига сазовор бўлиб бормоқда” (В. Дресслер).⁷⁹

Матн лингвистикаси шу тарзда шаклланиб, ривожланиб бормоқда. Аммо рус тилшунослигида матн лингвистикаси ўзининг ўрганиш доирасига керагидан ортиқ кўп масалаларни қамраганлиги, бошқа фан соҳаларининг муаммоларига аралашаётганлиги, гап тушунчасини гўёки инкор этаётганлиги каби даъволар билан айтилган танқидий фикрлар ҳам йўқ эмас. Масалан, таниқли рус филологи Р.А.Будагов дунёнинг бир қатор мутахассислари томонидан матн лингвистикаси бўйича яратилган тадқиқотлар жамланган тўпламнинг нашр этилиши⁸⁰ муносабати билан ёз-

⁷⁹ Москальская О.И. Кўрсатилган асар. 9-бет.

⁸⁰ Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. — М.: Прогресс, 1978

ган “Матн лингвистикаси” қай даражада лингвистик дир?” деб номланган мақоласида матн лингвистикаси и соннинг матнни яратиш, тузиш, тушуниш, таркиблаи композицион яхлитлигини идрок этиш каби қобилияларни ўрганмоқчи бўлади, ҳолбуки, бу бошқа фанларнинг вазифаларини ўз зиммасига олиш бўлади қабил, эътироз билдиради. Матннинг ҳажмини чегаралаш масласида ҳам бу йўналишнинг йўли тўғри эмаслигини атайди.⁸¹ У шундай ёзади: “Матн лингвистикаси” яратучиларининг илк нияtlари жуда ҳам эзгу эди. Илмий техник тараққиётга, ахборот асри талабларига жавоб бериш. Тилда фақат кичик бирликларгина эмас, йирик бирликлар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатиш. Матн оқимида гапларнинг қўшилиш шакллари ва воситаларини тадқиқ этиш. Буларнинг бари диққатга сазовор и уларни қўллаб-қувватлаш керак. Бошқа нарса — ҳар жихатдан анъанавий (дейиладиган) тилшуносликка ўхшашмасликка интилиш - принципаиал эътироз туғдиради. Янада қалтис, заиф жойи тилнинг йирик ва кичик бирликларини бир-бирига қарама-қарши қўйишдир. Айни пайтда гапнинг, сўз ёки сўз бирикмасининг структурасини нафақат тадқиқ этмасдан, балки ҳатто у билан қизиқиб кўрмасдан туриб, гапларнинг қўшилиш тамоилларини ўрганиш мумкин эмас...”⁸²

Бундай эътирозларга қўшилиб бўлмайди, чунки матн лингвистикаси матнни асосий бирлик деб ҳисоблар экан гаплар ёки сўз бирикмаларининг мавжудлигини, уларнинг ўзига хосликларини, матн таркибидаги ўрнини, умуман анъанавий тилшунослик ютуқлари сифатида тан олинган қоидаларни асло инкор этмайди. Бу эътироз ва танқидий фикрларни мавжуд муаммоларга янада синчковлик ва хушёрлик билан ёндашиш заруриятини унутмасликка даъват тарзида тушуниш мақсадга мувофиқ.

Туркийшуносликда матн масаласи биринчи ўлароқ ўтган аср 70-йилларининг бошида таниқли татар тилшуноси М. Закиев томонидан қўйилган. Дастлаб у боғли нутқни мустақил гаплар ўртасидаги алоқани ўрганмасдан тадқиқ эти

⁸¹ Будагов Р.А. Филология и культура. — М.: МГУ, 1980. С. 78-80

⁸² Кўрсатилган китоб. 85-бет.

булмаслигини, чунки боғли нутқ ҳамиша турли усуллар билан ўзаро боғланган гаплар занжиридан иборат бўлишини, шунга кўра боғли нутқда гапдан йирик ва мураккаб бўлган “мураккаб синтактик бутунлик” деб аталдиган бирликлар ажратилишини (улар абзацнинг қисми, абзац, яхлит боб, баъзан ҳатто яхлит асар ва ш.к.га тенг бўлишини) таъкидлайди ва ёзади: “Боғли нутқда мураккаб синтактик бутунликни ажратиш соф методик мақсадни назарда тутаети; у нутқнинг асосий бирлиги бўла олмайди ва боз устига гапга қарама-қарши қўйилиши мумкин эмас”.⁸³ 1974 йилда нашр этилган дарслигида эса мураккаб синтактик бутунликларни “синтактик бутунликлар” деб номлайди ва қуйидагиларни ёзади: “Синтактик бутунликлар, яъни мустақил жумлаларнинг боғланишини ўрганиш туркий тилларда ҳали тўла йўлга қўйилгани йўқ. Ҳолбуки, бу масала тил илми учунгина эмас, балки адабиёт илми учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Чунки мустақил жумлаларнинг боғланишини билмасдан туриб, матнни, асарни, унинг айрим бўлақларини, абзацларини тугал уюшган бир бутун қилиб тузиш жуда қийин”.⁸⁴ 1984 йилда босилган ўқув қўлланмасида олим энди матн лингвистикаси муаммоларини атрофлича ёритган ва матннинг яхлит бирлик эканлигини эътироф этган. Китобга “Матн синтаксиси” номи билан махсус бўлим киритган ва унда матн турлари, матннинг мазмуний, коммуникатив, структур, грамматик бутунлиги, матн композицияси, матн синтаксиси ва лингвистик категориялар каби масалалар бўйича фикрлар баён қилинган.⁸⁵

Озарбайжон тилшунослигида матн синтаксиси ва унинг ўзига хосликлари масаласи К.М. Абдуллаев томонидан анчайин атрофлича монографик планда тадқиқ этилган. Озарбайжон тилидаги матн, унинг коммуникатив, структур-семантик хусусиятлари, матн бирликлари мавжуд

⁸³ Современный татарский язык. — М.: Наука, 1971. С. 237.

⁸⁴ Закиев М.З. Хазерге татар адаби теле (Синтаксис). — Казан, 1974. 257-бит.

⁸⁵ Закиев М.З. Хазерге татар адаби теле синтаксиси ҳам пунктуациясе. — Казан: Татарстан китап нашрияты, 1984, 199. -226-битлар.

қарашлар ва оригинал кузатишлар асосида таҳлил этилган.⁸⁶

Ўзбек тилшунослигида ҳам матн ва унинг тадқиқи борасида анча-мунча ишлар қилинган. Ўзбек тил илмида биринчилардан бўлиб академик Ф. Абдураҳмонов 1980 йилнинг 10-12 сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ туркийшуносларининг III конференциясида матн назариясига бағишланган маъруза қилиб, муаммонинг моҳияти ва ечимлари ҳақида ўз фикрларини билдирган, бир қатор матн турларини ажратиб кўрсатган эди.⁸⁷

Улкан тилшунос А. Фуломов матннинг моҳияти бўйича ўзининг қимматли фикрларини баён қилган. У дунё тилшунослигида кечаётган жараёнлардан мутғасил бохабар кен қамровли олим сифатида “Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис” дарслиги (М. Асқарова билан ҳамкорликда) ни қайта ишлаб, тўлдириб, учинчи нашрини тайёрлар экан, матн масаласини четлаб ўтолмайди, ихчам бир тарзда бўлса-да, матн ҳақидаги қарашларини китобга киритади. А. Фуломов гапдаги фикр тугаллигининг нисбий эканлигини, асарда мазмун тўлиқлиги бутун матндан англашилишини таъкидлаб, уч абзацдан ташкил топган яхлит матнни мисол қилиб келтиради ва ундан келиб чиқиб, қуйидагиларни ёзади: “1. Фикр баён қилиш гап (содда гап ва қўшма гап) доираси билангина чегараланмайди. Тўлиқ фикрни, одатда, гапдан йирик бўлган синтактик бутунлик беради. Гап бу бутунлик составида унинг бир компоненти саналади. 2. Бу компонент шу бутунликдаги бошқа компонентлар билан ҳар жиҳатдан (мазмун, грамматик) турли воситалар орқали боғланган бўлади. Унинг ўз композицияси ва стилистик хусусиятлари сақланган бўлади. 3. Содда гап бутунлик составида маълум шароитларда ўзича бир абзацни ташкил қилиши мумкин... 4. Бундай синтактик бутунлик, синтактик конструкция текст саналади. Айрим - узук гап нисбий тугал фикрни ифодалайди, текст бутун бир комплек-

⁸⁶ Абдуллаев К. М. Теоретические проблемы синтаксиса азербайджанского языка: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. — Баку, 1984. С. 33-43.

⁸⁷ Бу ҳақда қаранг: III Всесоюзная тюркологическая конференция // Советская тюркология. — Баку, 1981, N1. С. 93.

нинг мундарижасини билдиради. 5. Текст бир бутунлик бўлганлигидан, у ўз мундарижасига мос келадиган айрим сарлавҳаларга эга бўлиши ҳам мумкин. Текст айрим сегментларга — қисмларга (айрим парчаларга, абзацларга, гапларга) бўлинади). Демак, тилнинг алоқа-аралашув воситаси эканлигини текст яна ҳам аниқ кўрсатади. Нутқ текст тусида намоён бўлади. 6. Текст — йирик нутқ парчаси, абзац эса текстнинг бўлаги. Текстнинг ҳамма кўринишлари (максимал текст ва минимал текст) маълум бир темани (мундарижани) тугал ифодалайди. Демак, у — юқори даражадаги синтактик бирлик...

Текстнинг бу хусусиятларини ҳисобга олиб, баъзи текширувчилар уни лингвистиканинг мустақил бир соҳаси сифатида (текст грамматикаси, текст лингвистикаси каби номлар билан) ажратишни зарур деб биладилар. Баъзилар эса уни текст синтаксиси деб атаб (сўз бирикмаси синтаксиси, оодда гап синтаксиси каби), гап синтаксисининг давоми сифатида қараб, бу билан синтаксис терминининг мазмунини кенгайтиришни, асосий синтактик бирлик сифатида гапдан кўра катта синтактик бутунлик деб қараш кераклигини таъкидлайдилар: бунда синтаксиснинг юқори чегараси қўшма гап синтаксиси эмас, балки текст синтаксиси бўлади. Текширувчиларнинг кўпчилиги бу соҳани биринчи қараш бўйича ёритмоқдалар.

Текст синтаксиси ўзбек тилшунослигида ҳали ўрганилмаган.⁸⁸

Кўриниб турганидай, А. Фуломов ўзбек тили фактларидан келиб чиққан ва дунё тилшунослигидаги турли қарашларни инобатга олган ҳолда матннинг табиати ва моҳиятини аниқ кўрсатиб берган. Мазкур олти бандда бирма-бир қайд этилган қоидалар матннинг асосий умумий хусусиятларини ўз ичига олган.

М. Тўхсонов ўзининг номзодлик диссертациясида макроматн ва микроматнни фарқлаган ҳолда ўзбек тилидаги

⁸⁸ Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. — Тошкент: Ўқитувчи, 1987. 6-7-бетлар.

⁸⁹ Тухсанов М. Микротекст и система выражения его когерентности в узбекской художественной речи: Автореф. дисс. ...к-га филол. наук. — Ташкент, 1987.

микроматн таркибидаги унсурларни боғловчи воситалар системасини тадқиқ этган.⁸⁹ Аммо таъкидлаш лозимки, гарчи тадқиқотчи ўз олдига бадий нутқдаги микроматнни ўрганишни мақсад қилиб қўйган бўлса-да, ишда микроматннинг когерентлиги умумий тарзда текширилган, яъни айнан бадий нутқдаги матннинг бу борадаги ўзига хослиги билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилган эмас. Лекин шунга қарамасдан, бу иш ўзбек тилшунослигидаги микроматн ва унинг когезиясини моногрфик аспектда ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлардан эканлиги билан диққатга сазовордир.

Ўзбек тилшунослигида матн лингвистикаси бўйича умумлаштирувчи, таълимий характердаги илк ишлардан бири А.Мамажонов томонидан яратилган. Унинг филолог-талабалар учун мўлжалланган “Текст лингвистикаси” номли махсус курсида матн ҳақидаги илмий қарашлар таҳлил этилган, матн тушунчасининг моҳияти, типлари ва бирликлари, бу бирликларнинг боғланиши ва боғловчи воситалари, матн бирликлариаро синонимия, синтактик-стилистик фигуралар масалалари баён қилинган.⁹⁰ Кейинроқ шоғирди М.Абдупаттоев билан ҳамкорликда нашр эттирган ўқув қўлланмасида матннинг структур-семантик ва стилистик жиҳатлари, матн бирликларидаги тема-рематик муносабат атрофлича таҳлил қилинган, тегишли хулосалар умумлаштирилган.⁹¹

Н.Турниёзовнинг қўлланмаси ҳам ана шундай таълимий характердаги ишлардан бўлиб, унда тегишли ўқув режасига мувофиқ матн ҳақида умумий маълумот, микро- ва макроматн тушунчалари, матн узвлари орасидаги турли муносабатлар каби мавзулар бўйича илмий маълумотлар берилган.⁹²

Матн муаммолари билан жиддий шуғулланган ўзбек тилшуносларидан яна бири М.Ҳакимовдир. У асосий мақ-

⁸⁹ Мамажонов А. Текст лингвистикаси. —Тошкент, 1989.

⁹¹ Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн синтаксиси. — Фарғона, 2002.

⁹² Турниёзов Н. Матн лингвистикаси (маърузалар матни). — Самарқанд, 2004.

сади “илмий матн ва унинг бирликлари орасидаги мазмуний муносабатни ифода этувчи боғловчилар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифаларини аниқлашга йўналтирилган ишларга ҳисса қўшиш, илмий матнда муаллифнинг хусусий муносабати ҳамда унинг турларини белгилаш”дан иборат бўлган номзодлик диссертациясида ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятларини бой фактик материаллари асосида батафсил тадқиқ этган.⁹³

М.Ҳақимов ўзбек тилидаги матннинг прагматик талқинига бағишланган докторлик диссертациясида эса матнни лингвистик прагматика, Фарб фалсафий тилшунослигида шаклланган нутқий акт назариясидан келиб чиққан ҳолда ўрганган ва матнда очиқ ва яширин ифодаланган мазмунларнинг ўзига хос қонуниятларини кўрсатиб берган, уларнинг семантик, синтактик, пресуппозиционал ва прагматик механизмларига дахлдор қондаларни конкретлаштирган.⁹⁴ Диссертацияда ўзбек тилидаги матн лингвистикаси муаммоларига назарий жиҳатдан анча-мунча ойдинлик киритилган, бир қатор тамоман янги фикрлар илгари сурилган.

Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида матн масаласининг у ёки бу жиҳати тадқиқига дахлдор бир қатор илмий мақолалар ҳам эълон қилинди.⁹⁵

Матн муаммоларини ўрганиш ва унинг яхлит илмий назариясини яратишнинг хориждаги фаолларидан бири немис тилшуноси Р.Ҳарвег 1974 йилда матн лингвистикасининг тилшуносликда тўлиқ асосланиши учун камида юз

⁹³ Ҳақимов М. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. н-ди ...дисс. —Тошкент, 1993.

⁹⁴ Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ...дисс. —Тошкент, 2001.

⁹⁵ Масалан: Тўхсанов М. Микроматн ва унинг коммуникатив яхлитлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990, №5. 66-69-бетлар; Шаҳобиддинова Ш., Исоқов З. Матн ва уни боғловчи воситалардан бири // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №6. 75-76-бетлар; Муҳамедова Д. Микроматн кўринишида кесимларнинг тенг алоқига киришуви // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004, №6, 90-91-бетлар; Муҳамедова Д. Матн ва унинг турлари // Истиқлол ва тил. 1 қисм. —Тошкент, 2007. 17-19-бетлар.

йил керак бўлишини таъкидлаган эди.⁹⁶ Аммо бугун бу гапнинг айтилганига ҳали 40 йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин бугун дунёда мунтазам ва қизгин олиб борилган жиддий илмий изланишлар, тадқиқотларнинг табиий натижаси ўлароқ “матн лингвистикаси” (“матн назарияси”) номи билан бўладими ёки “матн грамматикаси” (“матн синтаксиси”) номи билан бўладими, барибир, шундай бир йўналиш алоҳида фан ва ўқув предмети сифатида шаклланди кенг эътироф этилган ва буни ҳеч ким инкор қилмайди.

Матн таърифи

Матн лингвистикаси тилшуносликнинг алоҳида соҳаси, йўналиши сифатида шаклланиб бўлди, кунимизда муттасил ривожланиб бормоқда, янгидан-янги назарий умумлашмалар қилинмоқда, айни пайтда она тили ва чет тилларини ўқитиш амалиётида ҳам бу фан соҳаси ўзига хос муносиб ўрин эгаллади. Буни бугун инкор этадиган мутахассиснинг ўзи йўқ. “Аммо ҳайратланарлиси шундаки, - деб ёзади рус тилшуноси Е.С. Кубрякова, - бу фан соҳаси ўзининг бош объекти — матннинг умумэътироф этилган таърифига эга эмас ва бу йўналишдаги деярли ҳар бир тадқиқот текстнинг нима эканлиги ва бу термин билан ифодаланадиган ҳодисанинг қандай белги ёки хусусиятлар билан характерланиши ҳақидаги мулоҳазалар билан бошланади.”⁹⁷ Биз ҳам матн таърифи, унинг асосий белги-хусусиятларига тўхталишини мақсадга мувофиқ деб билдик.

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, матн тушунчасини материал жиҳатдан тайин этиш ва таърифлашда мутахассислар ўртасида ягона фикр йўқ, аксинча, бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил қараш мавжуд. Айрим тилшунослар фақат ёзма шаклдаги яхлит нутқ ёки нутқ парчасини матн деб ҳисоблайдилар. Масалан, рус тилшуноси Л.М. Лосева “матн” тушунчасини аниқлашда барча матнлар учун хос бўлган белгилардан келиб чиқиш лозимлиги-

⁹⁶ Бу ҳақда қар.: Турниёзов Н. Кўрсатилган асар. 15-бет.

⁹⁷ Кубрякова Е.С. О тексте и критериях его определения // Текст. Структура и семантика. Т. 1. —М., 2001. С.72-81.

ни айтади ва бу белгиларнинг биринчиси сифатида унинг ёзма шаклда бўлишини алоҳида қайд этади.⁹⁸ Матнни лингвистик тадқиқот объекти сифатида рус тилшунослигида илк ўлароқ батафсил ўрганганлардан бири И.Р. Гальперин "матннинг онтологик ва функционал белгиларини намоён этадиган етакчи жиҳатлар"дан бири сифатида "ёзма ҳужжат тарзида реаллашадиган тугалланганлик"ни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Унингча, матн ёзувда қайд этилган нутқий асардир.⁹⁹

Аммо матннинг ёзма ёки оғзакилиги унинг онтологияси ва функциясига нечоғлик боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги муаллиф томонидан аниқ-тиниқ кўрсатиб берилмаган. Матннинг моҳияти ва коммуникация жараёнида бажарадиган вазифаси фақат ёзув билан чегараланадиган бўлса, бу йирик коммуникатив бирликнинг тилдаги ўрни қандай белгиланиши ҳақидаги масала очиқ қолган.

Айтиш керакки, матн лингвистикаси муаммолари билан жиддий шуғулланган жуда кўпчилик тилшунослар матннинг ёзма ҳам, оғзаки ҳам бўлавериши мумкинлигини айтдилар.¹⁰⁰ Чиндан ҳам, айти шу фикр илмий-мантқиқий жиҳатдан тўла асосга эга ва у матннинг мавжуд моҳиятини тўғри акс эттиради.

З.Я. Тураева матн лингвистикасининг умумий назариясига кўра унинг предмети сифатида оғзаки ёки ёзма нутқ

⁹⁸ Лосева Л.М. Кўрсатилган асар. 4-бет.

⁹⁹ Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар. 18-бет.

¹⁰⁰ Масалан: Гаузенблас К. О характеристике и классификации речевых произведений // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. — М.: Прогресс, 1978. С. 63-64; Михель Г. Основы теории стиля // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 9. Лингвостилистика. — М.: Прогресс, 1979. С. 271; Николаева Т.М. Текст // Русский язык. Энциклопедия. — М.: Сов. энциклопедия, 1979. С. 348; Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. — Тошкент: Ўқитувчи, 1985. 88-бет; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. — Тошкент, 1989. 8-бет; Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий матннинг лингвистик таҳлили. — Тошкент: Ўқитувчи, 1990. 8-бет; Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 5-бет; Каменская О.Л. Кўрсатилган асар. 17-бет; Горшков А.И. Кўрсатилган асар. 56-57-бетлар.

маҳсули бўлган матнни олиш мумкинлигини айтади, ammo матнни тор маънода, яъни фақат ёзма нутқ маҳсули сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди. У И.Р.Гальперин томоғидан илгари сурилган ёзма матн талқинини маъқуллайди ва қуйидагича ёзади: “Агар оғзаки нутққа товушлар орқали намоён бўлиш хос бўлса, матн учун график гавдаланиш характерлидир. Агар оғзаки нутқни бир йўналишлилик (“линейность”) фарқлаб турса, матнга кўп ўлчовлилик хосдир. Оғзаки нутқ бир йўналишлидир, чунки у фақат товуш орқали гавдалана олади. Ёзув (график ёки магнит тасмасидаги) унинг сифатини ўзгартиради. Шундай қилиб, оғзаки нутқ қайтишсиздир, яъни айтилдим, унинг бирор парчасига қайтиш мумкин эмас. Матн кўп ўлчовлидир, чунки унинг исталган бўлагига кўп марта қайтиш мумкин. Агар нутқ ҳаракат, жараён бўлса, матн иккиёқлама табиатга эга, яъни у ҳам тинч ҳолатда, ҳам ҳаракатда бўла олади. Агар нутқнинг замонда мавжудлиги шу нутқнинг талаффуз вақти билан чегараланган бўлса, матннинг мавжудлиги амалий жиҳатдан ҳеч нарса билан чегараланмаган.”¹⁰¹

Ўзбек тилшунослигидаги бу йўналишдаги ишларга эътибор қилинса, уларда ҳам юқоридагига ўхшаш мулоҳазалар йўқ эмас. Масалан, М.Ҳакимовнинг номзодлик диссертациясида мана бундай фикрларни ўқиш мумкин: “...Нутқ — бу сўзловчининг нутқий жараёни билан алоқадор бўлган ҳодиса сифатида ифода этилса, матн (текст) ҳам ана шу нутқий ҳодисанинг ёзилган (“босма ҳарф орқали акс этган”) парчасидир... “Нутқ” ўзининг ёзма шаклида “матн” атамасига тенг келади... Ҳар қандай нутқнинг ёзма шакли матн тушунчаси моҳиятини ифода этади... Текст — оғзаки нутқ, контекстга нисбатан стабиллашган, маълум қоида, қонуниятлар ва адабий тил меъёрлари асосида шаклланган ёзма нутқ... Матн бир вақтнинг ўзида эмас, балки бир неча аср аввалги ва кейинги шахслар ўртасидаги алоқа муносабатини юзага чиқарувчи воситадир.”¹⁰²

¹⁰¹ Тураева З.Я. Лингвистика текста. —М.: Просвещение, 1986. С. 12.

¹⁰² Ҳакимов М.Х. Ўзбек илмий матнининг синтагматик ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. н-ди ...дисс. —Тошкент, 1993. 17,18, 21-бетлар.

Аввало, айтиш жоизки, кишилар ўртасидаги алоқа — коммуникация матнлар воситасида амалга ошар экан (ва бу ҳол матн лингвистикасининг яратувчилари, умуман, матн тадқиқотчиларининг аксарияти тарафидан эътироф этилган экан), матнни фақат ёзма шакл билан чегаралаш шаклланиб улгурган мавжуд матн назарияси қоидаларига зид бўлиши турган гап. Ахир, кишилар ўртасидаги ҳар қандай коммуникация фақат ва фақат ёзма шаклда амалга ошишини тасаввур этиб бўлмайди.

Синтаксиснинг асосий бирлиги гап эканлиги ҳамиша эътироф этилган, матн ёки унинг бирликлари гапдан йирик, олий синтактик-коммуникатив бирликлар ҳисобланиши лозимлиги бугунги матн лингвистикасининг асосий қоидаларидан бирига айланиб улгурди. Шундай экан, фақат ёзувда акс этган гапнигина гап деб, оғзаки нутқдаги гапни гап бўлолмайди дейиш тўғри бўлмаслигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта. Агар фақат ёзувда ифодаланган яхлит нутқнигина матн дейиладиган бўлса, мантиқ гапни ҳам фақат ёзувдагисинигина тан олиш кераклигини тақозо этади. Аммо бунинг мумкин эмаслиги табиий.

Оғзаки нутқнинг бир йўналишлилиги, ёзма (ҳарфлар ёки магнит тасмасида) нутқ (матн)нинг кўп йўналишлилиги, оғзаки нутқнинг “қайтишсизлиги”, ёзма нутқнинг эса “қайтишлилиги”, яъни унинг исталган бўлагига ҳар қачон қайтиш мумкинлиги ҳақидаги даъво-далил ҳам асосли эмас. Чунки бу “қайтиш” тушунчаси фақат визуал-амалий моҳиятга эга, нутқий асар (матн)нинг моҳиятига асло дахлдор эмас. Агар фақат ёзма нутқдагина олдинги қисмларга қайтиш мумкину оғзаки нутқий яхлитликда унинг олдинги қисмларига қайтишнинг имкони бўлмасайди, унда ҳеч қандай оғзаки нутқни тушуниш, демакки, оғзаки нутқий коммуникация мутлақо мумкин бўлмасди. Чунки сўзловчи муайян яхлит бир фикр, мавзунини оғзаки баён қилар экан, айна баён жараёнининг ҳар бир ониди унинг ўзи ҳам, худди шунингдек, тингловчи ҳам мазкур нутқнинг олдинги исталган парчасига қайта олади, нафақат қайта олади, балки олдинги қисмлар уларнинг хотирасида туради. Агар шундай бўлмаса, яъни нутқ бутунисича ҳам сўзловчининг, ҳам тингловчининг хотирасида турмаса, нутқни тузиш ҳам, уни маз-

мунан англаш ҳам имконсиз бўлади. Табиийки, сўзловчи айти талаффуз жараёнидагина ўз нутқига ҳоким бўлса тингловчи нутқнинг айти эшитиб турган ондаги парчасинигина тушунса, нутқнинг олдинги қисмлари уларнинг ҳар иккисининг ҳам “эсидан чиқиб қолаверса” улар бир-бирларини тушуниш имкониятидан тамомил маҳрум бўлиб қолаверади. Тўғри, оғзаки нутқнинг сўзланган пайтидагина мавжуд эканлигини, ёзма нутқнинг эски замон нуқтаи назаридан чегараланмаганлигини ҳеч ким инкор этмайди, аммо бу оғзаки нутқни эслаш, хотирада сақлаш, умуман, уни ёки унинг муайян парчаларини тиклаш иложсиз дегани эмас. Яхлит оғзаки нутқ фақат ёзма шаклга олингандагина матн юзага келади тарзидаги ҳукм дарёда оқиб турган сув сув эмас, балки бу “модда фақат шишага солингандагина сув пайдо бўлади дегандай бир гапдир.

Дунёда бирон-бир, каттадир-кичикдир, халқ ёки қавм йўқки, унинг неча асрлардан бери оғзаки шаклда авлодан-авлодга ўтиб яшаб келаётган ранг-баранг сўз санъати дурдоналари бўлмасин. Масалан, бир қўшиқ ёки эртакни фақат қоғозга ёки магнит тасмасига (ёки мультимедиа шаклига) туширилганда матн, аммо оғзаки шаклида матн бўла олмайди дейиш матн тушунчасини тил доирасидан ташқарига чиқариб юбориши тайин. Оғзаки нутқий асарни муайян воситалар (ёзув, магнит тасмаси, мультимедиа каби) ёрдамида қайд этиш ахборотнинг замон ва маконда сақланишини таъминлаш имкониятларидир лекин, гарчи ёзма нутқ муайян тайёргарлик билан амалга оширилади, шунинг учун у раво ва ишланган нутқ дейилса-да, бунинг тил бирликларининг табиатига бе восита жиддий ўзгартириш киритадиган таъсири тўғрисида гапириб бўлмайди.

Айтиш лозимки, тайёргарликсиз спонтан оғзаки нутқ ва тайёргарлик билан ишланган ёзма нутқ ўртасида муайян структур-услубий фарқлар, ўзига хосликларнинг мавжудлиги табиий, аммо бу ўзига хосликлар бирининг маҳсулини матн эмас, иккинчисининг маҳсулини эса матн дейишга ҳеч бир асос бўлолмайди.

Матннинг семантик-структур тузилишини рус тилидаги оғзаки ва ёзма нутқ мисолида батафсил тадқиқ этган

Р.А.Каримова докторлик диссертациясида матн фақат график, ёзма шаклдагина эмас, балки оғзаки шаклда ҳам намоён бўладиган нутқий асар эканлигини, бунда оғзаки шакл генетик асос эканлигини алоҳида таъкидлайди ва фактларнинг таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда “бир қарашда матн маконининг қарама-қарши нуқталарида жойлашгандай кўринадиган оғзаки спонтан матн ва ёзма матн (бадий матн) умумий хусусият — муайян тузилишга эга” деган назарий ҳулосага келади.¹⁰³

Шубҳасизки, оғзаки нутқ бирламчи, ёзма нутқ эса иккиламчидир, шунинг учун ҳам ёзма матн учун оғзаки нутқнинг “генетик асос” бўлиши аксиомадир. Бу ўринда О.В. Долгованинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Инсон нутқи — бу энг аввало тилнинг товушли шаклидир... Филолог учун товушли нутқни ўрганиш зарурлиги ҳақидаги фикрнинг барқарорлашуви оғзаки ва ёзма нутқ муносабати муаммосини ҳал қилишдаги биринчи қадам бўлган. Тил яшаш шаклининг фақат бир, яъни ёзма шаклини тадқиқ этиш билан объектни (...) чеклаш мумкин эмас... Фаннинг истиқболдаги муваффақиятли тараққиёти учун ривожланган адабий тилда ёзма ва оғзаки шакллар бир бутунликдалигини ва улар ички нутқ орқали бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини аниқлаштириб олиш муҳимдир. Ёзма матнни ўқиганда биз уни фақат кўзимиз билан идрок этмаймиз, балки уни ички нутқимиз тарзида “айта-миз” ҳам. Ёзувда бир қатор энг содда синтактик муносабатлар пунктуация орқали ифодаланади. Ҳар қандай матннинг ёзма шакли, унинг онтологияси тирик инсонларнинг мавжудлигига боғлиқ, улар ёзма матнга қараб, ўзларининг ички нутқлари (...) да унинг талаффузини акс эттира оладилар. Ички нутқ ҳақидаги таълимотсиз моҳиятан тилшунослик умуман мавжуд бўла олмайди.”¹⁰⁴ Демакки, товушли нутқ (ички ва ташқи) диққат марказида турмас экан, матнни илмий ўрганиш, матн назариясини тасав-

¹⁰³ Каримова Р.А Семантико-структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов): Автореф. дисс. ...д-ра филол. наук. —М., 1992. С. 6, 27.

¹⁰⁴ Долгова О.В. Синтаксис как наука о построении речи. — М.: Высшая школа, 1980. С. 40-41.

вур этиш, матн лингвистикасини ривожлантириш мумки эмас.

Дунё тилшунослигида матн муаммолари тадқиқи бағишланган ишларнинг кўпчилигида “дискурс” термини бот-бот қўлланади. В. Хегай ҳақли равиш таъкидлаганидек, бу термин матн лингвистикаси билан бир қаторда адабиётшунослик, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, мантиқ, психология каби фан соҳалари кенг ишлатилиб келинаётган бўлса-да, матн лингвистикасининг ўзида ҳам ягона, кўпчилик томонидан эътироф этилган талқини, маъноси йўқ, хилма-хил фарқли тушунчалар ифодаси учун истифода қилинади. Дастла “дискурс” ва “матн” терминлари айни бир тушунча учун қўлланган бўлса, кейинроқ “матн” ёзма коммуникацияга нисбатан, “дискурс” эса оғзаки коммуникацияга нисбатан ишлатилган.¹⁰⁵ Масалан, голланд тилшунослари Т.А. ван Дейк ва В. Кинчлар “кейинги йилларда бир қатор гуманитар ва ижтимоий фанларда боғли нутқ ёки дискурсни ўрганишга бўлган қизиқиш ортган” лигини таъкидлар экан, “дискурс” ни “боғли нутқ” нинг синоним сифатида қўллайди.¹⁰⁶ Боғли нутқ деганда, албатта, матн тушунилади, кўринадики, “матн” ва “дискурс” терминлари тенг маъноли сўзлар сифатида ишлатилган. “Матн” ва “дискурс” терминларини бир-биридан фарқли тушунчалар ифодаси учун қўллаш ҳам кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Тадқиқотчилар француз филологиясида “дискурс” термини бир-биридан фарқли тўрт хил маънода қўлланишини айтадилар.¹⁰⁷

А.И. Горшков алоҳида кўрсатиб ўтганидек, лингвистика адабиётларида “дискурс” терминининг қатъий бир маъноси йўқ, у ифодаляйдиган ҳодисалар диапозони жуда кенг, яъни “матннинг қисми” дан яхлит “нутқ” қача бўлган ҳодисаларни ифодалаш учун ишлатилади. Бу сўзнинг маъноси фран

¹⁰⁵ Хегай В. О понятии *дискурс* // Филология масалалари, 2006, № 2 (11). 63-66-бетлар.

¹⁰⁶ Дейк ван Т.А., Кинч В. Кўрсатилган асар. 153-бет.

¹⁰⁷ Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. — М.: Высшая школа, 1980. С. 143-144.

кузча discours – “нутқ”, “сўзлаш” демакдир.¹⁰⁸ Унинг қайд этишича, “дискурс” сўзи “матннинг қисми” маъносида термин бўла олади, аммо у матн муаммоси турлича нуқтаи назарлардан туриб тадқиқ этилган жуда кўп лингвистик адабиётларда “фразадан катта бирлик”, “мураккаб синтактик бутунлик”, “матн компоненти”, “регистр”, “жумла”, “прозаик строфа”, “синтактик комплекс”, “монологик жумла”, “коммуникатив блок” кабилар билан синоним бўлар экан, “дискурс” терминига эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди.¹⁰⁹ Биз ҳам шундай деб ҳисоблаймиз. “Дискурс” термини ҳақидаги мазкур мулоҳазалардан мақсад бу сўзнинг асл маъноси “нутқ”, “сўзлаш” эканлигини, адабиётларда бу терминнинг “матн”га синоним сифатида қўлланганлигини таъкидлаш ва шу тарзда матннинг ёзма ҳам, оғзаки ҳам бўлаверишига яна бир марта урғу беришдан иборат эди. Демак, матн оғзаки ёки ёзма шаклдаги яхлит нутқий асардир.

Матннинг ҳам тил, ҳам нутқ бирлиги эканлиги ҳақидаги қараш, юқорида таъкидлаб ўтганимиз каби, тадқиқотчиларнинг асосий кўпчилиги томонидан тан олинган. Гап қолиплари тилда мавжуд бўлгани ва бу қолипларнинг бевосита реализацияси нутқда воқе бўлгани сингари тил системасида матн яратишнинг ҳам умумий қоидалари, қолиплари, “формулалари”¹¹⁰ бор. Мазкур қолиплар асосида нутқда матн яратилади. Шунинг учун ҳам гап қанчалик ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисаси бўлса, матн ҳам шунчалик ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисасидир. Тўғри, гапга хос қонуниятлар, қоидалар, категорияларни матнга бевосита татбиқ этиш мумкин эмас. Чунки айтилганидай, матн гапдан йирик, олий коммуникатив бирлик ва унинг яратилишида мутлақо фарқли қонуниятлар амал қилади. О.Л. Каменская жуда ўринли таъкидлаганидек, матн структурасининг тил қонуниятлари би-

¹⁰⁸ “Дискурс”нинг маъноси “изчил баён; суҳбат, сўзлашув” тарзида ҳам кўрсатилади. Қар.: Миловидов В.А. Текст, контекст, интертекст: Введение в проблематику сравнительного литературоведения. – Тверь: ТвГУ, 1998. С. 39.

¹⁰⁹ Горшков А.И. Кўрсатилган асар. 66-67-бет.

¹¹⁰ Бархударов Л.С. Текст как единица языка и единица перевода // Лингвистика текста. Материалы научной конференции. – М., 1974. С. 40-41.

вур этиш, матн лингвистикасини ривожлантириш мумкин эмас.

Дунё тилшунослигида матн муаммолари тадқиқи бағишланган ишларнинг кўпчилигида “дискурс” термини бот-бот қўлланади. В. Хегай ҳақли равишда таъкидлаганидек, бу термин матн лингвистикаси билан бир қаторда адабиётшунослик, социология, сиёсатшунослик, фалсафа, мантиқ, психология каби фан соҳаларида кенг ишлатилиб келинаётган бўлса-да, матн лингвистикасининг ўзида ҳам ягона, кўпчилик томонидан эътироф этилган талқини, маъноси йўқ, хилма-хил фарқли тушунчалар ифодаси учун истифода қилинади. Дастлаб “дискурс” ва “матн” терминлари айни бир тушунча учун қўлланган бўлса, кейинроқ “матн” ёзма коммуникацияга нисбатан, “дискурс” эса оғзаки коммуникацияга нисбатан ишлатилган.¹⁰⁵ Масалан, голланд тилшунослари Т.А. ван Дейк ва В. Кинчлар “кейинги йилларда бир қатор гуманитар ва ижтимоий фанларда боғли нутқ ёки дискурсни ўрганишга бўлган қизиқиш ортган”лигини таъкидлар экан, “дискурс”ни “боғли нутқ”нинг синоним сифатида қўллайди.¹⁰⁶ Боғли нутқ деганда, албатта, матн тушунилади, кўринадики, “матн” ва “дискурс” терминлари тенг маъноли сўзлар сифатида ишлатилган. “Матн” ва “дискурс” терминларини бир-биридан фарқли тушунчалар ифодаси учун қўллаш ҳам кенг тарқалганлигини кузатиш мумкин. Тадқиқотчилар француз филологиясида “дискурс” термини бир-биридан фарқли тўрт хил маънода қўлланишини айтадилар.¹⁰⁷

А.И. Горшков алоҳида кўрсатиб ўтганидек, лингвистик адабиётларда “дискурс” терминининг қатъий бир маъноси йўқ, у ифодалайдиган ҳодисалар диапозони жуда кенг, яъни “матннинг қисми”дан яхлит “нутқ”қача бўлган ҳодисаларни ифодалаш учун ишлатилади. Бу сўзнинг маъноси фран-

¹⁰⁵ Хегай В. О понятии *дискурс* // Филология масалалари, 2006, N 2 (11). 63-66-бетлар.

¹⁰⁶ Дейк ван Т.А., Кинч В. Кўрсатилган асар. 153-бет.

¹⁰⁷ Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. — М.: Высшая школа, 1980. С. 143-144.

цузча discours – “нутқ”, “сўзлаш” демакдир.¹⁰⁸ Унинг қайд этишича, “дискурс” сўзи “матннинг қисми” маъносида термин бўла олади, аммо у матн муаммоси турлича нуқтаи назарлардан туриб тадқиқ этилган жуда кўп лингвистик адабиётларда “фразадан катта бирлик”, “мураккаб синтактик бутунлик”, “матн компоненти”, “регистр”, “жумла”, “прозаик строфа”, “синтактик комплекс”, “монологик жумла”, “коммуникатив блок” кабилар билан синоним бўлар экан, “дискурс” терминига эҳтиёж йўқлигини таъкидлайди.¹⁰⁹ Биз ҳам шундай деб ҳисоблаймиз. “Дискурс” термини ҳақидаги мазкур мулоҳазалардан мақсад бу сўзнинг асл маъноси “нутқ”, “сўзлаш” эканлигини, адабиётларда бу терминнинг “матн”га синоним сифатида қўлланганлигини таъкидлаш ва шу тарзда матннинг ёзма ҳам, оғзаки ҳам бўлаверишига яна бир марта урғу беришдан иборат эди. Демак, матн оғзаки ёки ёзма шаклдаги яхлит нутқий асардир.

Матннинг ҳам тил, ҳам нутқ бирлиги эканлиги ҳақидаги қараш, юқорида таъкидлаб ўтганимиз каби, тадқиқотчиларнинг асосий кўпчилиги томонидан тан олинган. Гап қолиплари тилда мавжуд бўлгани ва бу қолипларнинг бевосита реализацияси нутқда воқе бўлгани сингари тил системасида матн яратишнинг ҳам умумий қоидалари, қолиплари, “формулалари”¹¹⁰ бор. Мазкур қолиплар асосида нутқда матн яратилади. Шунинг учун ҳам гап қанчалик ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисаси бўлса, матн ҳам шунчалик ҳам тил, ҳам нутқ ҳодисасидир. Тўғри, гапга хос қонуниятлар, қоидалар, категорияларни матнга бевосита татбиқ этиш мумкин эмас. Чунки айтилганидай, матн гапдан йирик, олий коммуникатив бирлик ва унинг яратилишида мутлақо фарқли қонуниятлар амал қилади. О.Л. Каменская жуда ўринли таъкидлаганидек, матн структурасининг тил қонуниятлари би-

¹⁰⁸ “Дискурс”нинг маъноси “изчил баён; суҳбат, сўзлашув” тарзида ҳам кўрсатилади. Қар.: Миловидов В.А. Текст, контекст, интертекст: Введение в проблематику сравнительного литературоведения. – Тверь: ТвГУ, 1998. С. 39.

¹⁰⁹ Горшков А.И. Кўрсатилган асар. 66-67-бет.

¹¹⁰ Бархударов Л.С. Текст как единица языка и единица перевода // Лингвистика текста. Материалы научной конференции. – М., 1974. С. 40-41.

лан чегараланиши бир қадар кучсиз, айти шу хусусият анча катта ҳажмдаги матнда энг мураккаб фикр-ғояни батафсил баён қилишга имконият беради. Лекин матн структурасининг тил қонуниятлари билан кучсиз чегараланган бўлишига қарамасдан, унинг узвлари ўртасидаги алоқа мажбурийдир, айти пайтда бу алоқа ўзига хос характерга эга. Матнларни тузишнинг умумий қоидалари, албатта, бор, бироқ бу қоидаларнинг табиати гап тузиш қоидаларидан нисбатан кучсиз қатъийлиги билан фарқ қилади.¹¹¹ Аммо тил ва нутққа муносабати масаласида гап ва матн ўртасида муайян ўхшашликнинг борлиги табиий.

Немис тилшуноси В.Дресслер тил системасининг бирлиги бўлган маттни (“текстема”, “потенциал матн”, “эмик матн”) ва нутқ бирлиги бўлган маттни (“актуал матн”, “конкрет талаффуз қилинган матн”, “этик матн”) фарқлаш логиклигини алоҳида таъкидлайди.¹¹² М.Хэллидей тилнинг матн яратувчилиқ вазифасини тилнинг бошқа асосий вазифалари қаторида унга органик хос бўлган вазифа сифатида қарайди ва уни фақат нутқ доираси билан чегаралаб бўлмаслигини айтади.¹¹³

Умуман, айтиш мумкинки, матн ҳам тил бирлиги ҳам нутқ бирлигидир деган қараш бугун анча кенг тарқалган.

Тилшуносликда тил структурасининг сатҳлари масаласи ҳар қандай тадқиқот учун муҳим эканлиги маълум. Тил тадқиқи жараёнида таҳлилнинг турли босқичларида фонологик, морфологик, синтактик ва лексик-семантик сатҳлар фарқланади.¹¹⁴ Матн мазкур сатҳлар иерархиясида қаердан жой олади? Умуман, матн тил структурасининг алоҳида сатҳи бўла оладими?

¹¹¹ Каменская О.Л. Кўрсатилган асар. 53-бет.

¹¹² Бу ҳақда қар.: Москальская О.И. Кўрсатилган асар. 11-бет.

¹¹³ Хэллидей М.А.К. Место “функциональной перспективы предложения” (ФФП) в системе лингвистического описания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. -М.: Прогресс, 1978. С.143.

¹¹⁴ Кодухов В.И. Уровни языка // Русский язык. Энциклопедия. -М.: Сов. энциклопедия, 1979. С. 359-360.

Узоқ вақтлар, матн лингвистикаси кенг ривож топгунга қадар тилшуносликда бу масалада бир фикр устивор эди, яъни тил бирликларининг иерархик (поғонали) структура-сида олий бирлик сифатида гап эътироф этилган. Масалан, машхур француз тилшуноси Э.Бенвенист гапни сегмент-лаш (бўлақларга ажратиш) мумкинлигини, аммо уни би-рон-бир бошқа юқори сатҳ бирлигининг ташкил этувчиси сифатида қараб бўлмаслигини таъкидлайди ва шундай деб ёзади: “Гап фақат бирон-бир бошқа гапдан олдин ёки кейин келиши, улар билан кетма-кетлик муносабатида бўлиши мумкин. Гаплар гуруҳи гап сатҳига нисбатан алоҳида сатҳ бирлигини шакллантира олмайди. Категорематик (гап) сатҳ-дан юқорида жойлашган тил сатҳи йўқ.”¹¹⁵

Рус тилшуноси М.Я. Блох тил бирликлари ва тил сатҳ-лари муносабатини яхлит система тарзида тадқиқ этар экан, тилнинг энг кичик бирлигидан тортиб, энг йирик бирлиги - матнгача бўлган иерархиянинг моҳиятига алоҳида эъти-бор беради. Айниқса, гап ва матннинг тил сатҳларига муно-сабати масаласида аниқ ва асосли фикрларни баён қилади. У гапни сатҳ шакллантирадиган бирлик сифатида “пропо-зема” деб номлайди (гапнинг семантик асосини ифодалов-чи “пропозиция” сўзидан) ва пропозематик сатҳ тил белги-си сегментининг охириги юқори чегараси эмаслигини, про-позематик сатҳ устида мустақил гапларнинг синтактик бирикуви натижасида шаклланадиган “супрапропозематик сатҳ” туришини айтади.¹¹⁶ Мазкур икки сатҳни номлашда (“пропозематик” ва “супрапропозематик”) муаллифнинг умумлаштирувчи жиҳат, яъни ҳар иккисида ҳам пропозе-мани назардан қочирмаганлиги диққатга сазовор.

Баъзи тадқиқотчилар матнга алоҳида сатҳ сифатида қараш мумкинлигини айтадилар, аммо айти пайтда матн тилнинг эмас, балки нутқнинг сатҳи бўла олишини таъкидлайдилар. Бунда матннинг нутқ жараёни ҳодисаси сифатида система-лилигига урғу берадилар.¹¹⁷ Бундай талқиндан келиб чиқи-

¹¹⁵ Бенвенист Э. Уровни лингвистического анализа. // Новое в лингвистике. Вып.4. — М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1965. С. 446-447.

¹¹⁶ Блох М.Я. Теоретические основы грамматики. —М.: Высшая школа, 1986. С. 47.

¹¹⁷ Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар. 3, 20-бет.

ладиган бўлса, табиийки, мантиқан матнга тил ҳодисаси эмас, балки фақат нутқ ҳодисаси сифатида қараш лозим. Ҳолбуки, матннинг моҳиятан, энг аввало, тил ҳодисаси эканлиги бугунги матн лингвистикасида деярли эътироф этиб бўлинган бир ҳақиқатдир. Шунингдек, матннинг асосий ва бирламчи тил белгиси эканлиги ҳақида қараш ҳам тилшуносликда турғунлашган. Шунинг учун ҳам матн фақат нутқ сатҳига оиддир деган фикрга қўшилиши қийин.

Бу муносабат билан О.Л.Каменскаянинг “Матн ва коммуникация” номли китобида тил системасида алоҳида матн сатҳининг мавжудлигини кўрсатиш мақсадидаги бир қиёсий шу ўринда келтириш жоиз.¹¹⁸ Унинг фикрича, тил бирликларининг коммуникатив вазифани бажаришдаги иштирок даражаси ҳам тил системасини поғоналаштириш (стратификация) учун асос ҳисобланади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда у тил системасидаги сатҳларни ажратиш ва асосларнинг мақбул тамойилларидан бири тил структурасини билим структураси билан қиёслаш бўлиши мумкинлигини айтади. Унингча, инсоният тўплаган билимларнинг ҳажми фавқулодда улкан ва бу билим муайян таркибланишга эга. Билим структураси моделида энг юқори умумлашган сатҳни шартли равишда “дунё ҳақидаги жами билим” дейиш мумкин. Дунё ҳақидаги жами билим конкрет фанлар билим соҳасига (тилшунослик, физика каби), шунингдек кундалик турмуш билимларига ажралади, бу энг юқоридан кейинги қуйи сатҳ бўлади. Ҳар қандай билим соҳасидаги конкрет билим ҳаммиша таркибланган бўлади. У айрилмий қоидалар (назариялар) ва фактлар — мазкур модел яна бир сатҳни ташкил этувчи “билим фрагментлари” деган таркиб топади. Билим фрагментлари, ўз навбатида, мазкур моделда яна бир алоҳида сатҳни ташкил этувчи айрим ҳукмлар — муайян объектлар ва улар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги билимлардан тузилади. Ҳукмлар эса билимни янада қуйи сатҳни юзага келтирувчи тушунчалар — объектлар ёки улар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги элементлар билан билимлардан ҳосил бўлади. Тушунчалар, ўз навбатида, кейинги сатҳ элементларини юзага келтирувчи тугалланмаган т

¹¹⁸ Каменская О.Л. Кўрсатилган асар. 48-52-бетлар.

шунчалар — объект ёки муносабатлар ҳақидаги тугалланмаган билимлардан ташкил топади. Кейинги, айтиш мумкин бўлса, сўнги сатҳ эса тушунчаларни фарқлаш сатҳидир.

Ана шу мулоҳазалардан кейин О.Л.Каменская тил коммуникация воситаси сифатида айни пайтда билимни намоён қилиш (объективация) усулларида бири эканлигига суянган ҳолда, “тил системаси структураси муайян даражада билимнинг умумлашган структураси билан ўхшаш бўлиши табиий” лигини таъкидлайди. У шу асосда билим структурасидаги поғоналаштириш билан тил системасидаги поғоналаштириш ўртасида мутаносиблик борлигини аниқлайди. Бунини у қуйидаги жадвал шаклида умумлаштирган:

Сатҳ N	Билим сатҳлари	Тил сатҳлари
6	Дунё ҳақидаги жами билим	Матнларнинг бутун жами
5	Билим соҳаси	Матнлар туркуми
4	Билим фрагменти	Матн
3	Ҳукм	Гап
2	Тушунча	Лексик
1	Тугалланмаган тушунча	Морфологик
0	Тушунчаларни фарқлаш	Фонологик

Кўриниб турганидай, О.Л.Каменская тегишли билим сатҳларига мутаносиб равишда тил системасида етгита сатҳни фарқламоқчи бўлади. Аммо бу мулоҳазаларда муайян мантиқ мавжуд бўлса-да, “матнларнинг бутун жами” (“вся совокупность текстов”) ва “матнлар туркуми” (“область текстов”)ни алоҳида энг юқори тил сатҳлари сифатида ажратиш мунозаралидир. Бундоқ ўйлаб кўрилса, “матнларнинг бутун жами” дегани умуман тил дегани бўлиб чиқади, “матн-

лар туркуми” эса у ёки бу соҳанинг тили (услуги)ни назарда тутаётганини сезмаслик мумкин эмас. Тилнинг сатҳлари ҳақида гап борар экан, тилнинг ўзини ҳам алоҳида, мустақил поғона тарзида талқин этиш, ҳар ҳолда, муайян бир система бирликларини поғоналаштириш мантиғига зид эканлигини исботлаш ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бу ўринда шуни ҳам эслаб ўтиш мумкинки, америка дескриптив тилшунослигининг баъзи вакиллари ишларида матн тил структураси сатҳлари қаторига киритилмайди, уларнинг баъзи бирлари эса матн структурасини тил структураси билан тенглаштирадилар.¹¹⁹ Албатта, бундай қараш ҳам мунозаралидир, агар тил структураси матн структураси билан тенг деб қаралса, унда тил дейиладиган бениҳоя мураккаб ва ўзига хос система жуда жўн ва кичик бир нарсага айланиб қолган бўларди. Матн ҳар қандай нутқий коммуникациянинг бош, олий бирлиги сифатида муайян бир мураккаб, айна пайтда тўлиқ маънодаги белгидир. Яхлит тил системасини белги билан тенглаштириш жиддий илмий-назарий асосга эга бўлолмайди.

О.Л.Каменскаянинг ўзи ҳам,¹²⁰ илгари айтиб ўтилганидай, бошқа тадқиқотчилар ҳам¹²¹ ҳар қандай нутқий коммуникациянинг бош, асосий бирлиги матн эканлигини мунтазам таъкидлайдилар. Тугал ахборот жараёни матн шаклида намоён бўлади. Тилнинг бошқа қуйи сатҳлари бирликлари эса коммуникацияда билвосита, яъни матн таркибига кирган ҳолдагина иштирок этади. Шунинг учун ҳам матнни тил сатҳлари поғоналарининг энг юқори поғонаси бирлиги сифатида талқин этиш тилшуносликда барқарорлашиб бормоқда.¹²²

Бу ўринда шундай савол ҳам туғилиши мумкин: мазкур энг юқори сатҳни матн сатҳи деган маъқулми ёки бошқача

¹¹⁹ Бу ҳақда қар.: Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. — М.: Высшая школа, 1979. С. 35.

¹²⁰ Каменская О.Л. Кўрсатилган асар. 51-бет.

¹²¹ Масалан, яна қар.: Колшанский Г.В. Контекстная семантика. — М.: Наука, 1980. С. 62; Дридзе Т.М. Язык и социальная психология. — М.: Высшая школа, 1980. С. 49.

¹²² Бу ҳақда яна қар.: Тураева З.Я. Кўрсатилган асар 36-40-бетлар.

номлаш мақсадга мувофиқми? Тил системасининг фонологик — морфологик — лексик — синтактик сатҳлар тарзидаги иерархиясининг давоми — юқори поғонаси сифатида матн сатҳи ажратилса, бу сатҳ синтактик сатҳдан тамомила фарқли бир сатҳ мақомида бўлиб қолади. Аслида бу сатҳда ҳам синтактик моҳият мавжуд. Зотан, синтаксиснинг фақат гап доираси билан чекланиши тўғри эмаслиги, умуман, “синтаксис нутқ тузиш ҳақидаги фан” (О.В.Долгова) эканлиги эътироф этилар экан, табиийки, матнни синтаксисдан тамоман ташқарига чиқариб бўлмайди.

Рус тилшуноси Г.А.Золотова “Матн синтаксиси” илмий мақолалар тўпламига масъул муҳаррир сифатида ёзган кириш сўзида шундай таъкидлайди: “Табиийки, с и н т а к с и с сўзи матнга нисбатан тор грамматик маънода эмас, балки анча кенг маънода қўлланади. Чунки бунда гап доирасидан ташқарига чиқадиган алоқалар ҳам, айна пайтда нутқий бутунликлар ва уларнинг парчаларининг конструктивлиги, боғланганлиги белгиларининг реализацияси ҳам назарда тутилади. Тўпلامда гап синтаксисининг матн синтаксиси билан муносабати масалалари ҳам кўтарилган”¹²³

Матннинг формал-функционал қурилишини ўрганадиган соҳани номлашда ҳам тилшуносликда “синтаксис” сўзи турли сўз ва қўшимчалар билан бирга қўлланади. Мисол тариқасида “фраза усти синтаксиси” (“надфразовый синтаксис”)¹²⁴, “супрасинтаксис”¹²⁵, “гиперсинтаксис”¹²⁶, “макросинтаксис”¹²⁷, “катта синтаксис” (“большой синтаксис”)¹²⁸ каби терминларни эсга олиш мумкин.

¹²³ Синтаксис текста. — М.: Наука, 1979. С. 4.

¹²⁴ Сгалл П. К программе лингвистики текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. — М.: Прогресс, 1978. С. 79.

¹²⁵ Дресслер В. Синтаксис текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. — М.: Прогресс, 1978. С. 112.

¹²⁶ Палек Б. Кросс-референция: к вопросу о гиперсинтаксисе // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. — М.: Прогресс, 1978. С. 244.

¹²⁷ Вайнрих Х. Текстовая функция французского артикля // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. — М.: Прогресс, 1978. С. 371.

¹²⁸ Долгова О.В. Кўрсатилган асар. 154-бет.

Ана шуларни инобатта олганда, тил системасининг оли сатҳи сифатида ажратиладиган сатҳни матн сатҳи деб эма балки макросинтактик сатҳ деб номлаш мақсадга мувофи кўринади. Демак, матн тил структурасида алоҳида — оли синтактик сатҳ бўла олади. Умуман, тил системасидаги сатҳларнинг поғоналанишини қуйидагича кўрсатиш мумкин: фонологик сатҳ — морфологик сатҳ — лексик сатҳ — микросинтактик сатҳ — макросинтактик сатҳ (М.Я.Блохнинг “пропозематик сатҳ” ва “супрапропозематик сатҳ” терминларини эсга олиш мумкин).

Матн ана шундай макросинтактик сатҳга оид ҳодис сифатида бениҳоя мураккаб ва ўзига хос бутунликдир. Шунинг учун ҳам матн лингвистикаси муаммолари билан шуғулланган олимлар томонидан матннинг турлича таърифлари илгари сурилган. Бениҳоя катта миқдордаги лингвистик адабиётларда бир-бирдан анча кескин фарқланадиган дефиницияларни ҳам учратиш мумкин. Мисол тариқасид юқорида таҳлил этиб ўтганимиз — матннинг ёзма ёки оғзакилиги, унинг тилга ёки нутққа оидлиги ҳақидаги баҳсларни эслашнинг ўзи кифоя. Мазкур таърифларда бу мураккаб ва серқатлам бутунликнинг барча жиҳатлари тўласича қамраб олинган, унга хос моҳият ҳар тарафлама ви холис очиб берилган, ягона, яхлит умумлашмалар қилинган дейишга ҳали эрта. З.Я.Тураева жуда ўринли қиёсланидек, “сўз” ва “гап” тушунчаларини таърифлашга ури ниш неча асрлардан бери давом этиб келаётган бўлса, бу гун улар қаторига “матн” тушунчаси таърифини ҳам қўшиш мумкин.¹²⁹

Албатта, матн гапдан йирик синтактик бирлик, шунинг учун ҳам унинг таркибида бирдан ортиқ гапнинг бўлиши табиий. Аммо бу бирдан ортиқ гапларнинг бир-бири билан муносабати қандай бўлади?

Америка тилшунослари Кац ва Фодор концепциясиг кўра, матн — бу, аслини олганда, “гап-ядро” тарзидаги қисмлари ўзаро прономинал ва боғловчи сўзлар ёрдамида боғланган “узун гап” дир.¹³⁰

¹²⁹ Тураева З.Я. Кўрсатилган асар. 11-бет.

¹³⁰ Бу ҳақда қар.: Келеман Я. Текст и значение // Семиотик и художественное творчество. -М.: Наука, 1977. С.120.

Бу “узун гап”, яъни матн қисмлари бўлмиш гаплар ўртасида грамматик, мазмуний-мантиқий ва яна бир қанча жиҳатлардан боғланишлиликнинг мавжудлиги матн тадқиқотчиларининг деярли барчаси томонидан қайд этилади. Масалан, чех тилшуноси К.Кожевникова матн муаммоларига бағишланган тадқиқотларда қарашлар қанчалик хилма-хил бўлмасин, фақат бир масалада, яъни “матнни боғланишлиликсиз тасаввур этиб бўлмаслиги борасида мутлақ яқдиллик кузатилиши”ни таъкидлайди.¹³¹

Яна бир чех тилшуноси Д.Брчакова боғланишлилик коммуникациянинг аосий шартларидан бири эканлигини, муайян қисми олдинги қисмлардаги ахборот оқимини ўз ичига олган, мавзуйий бирлик намоён бўлган матн боғланишли бўлишини айтиб қуйидагиларни ёзади: “Боғланишлилик семиологик категория сифатида матннинг лингвистик таҳлиliga дахлдор универсалиялар сирасига киради. Уни бирдан ортиқ гапдан ташкил топган матн парчасида кўриш мумкин. Боғланишлиликнинг моҳияти бир мавзу ҳақидаги ахборотни матннинг бир сегментидан иккинчисига ўтказишдир.”¹³² Албатта, боғланишлиликнинг бундай талқинида синтактик жиҳат инкор этилмаса-да, ҳар ҳолда, мазмуний-мантиқий ёндашув биринчи планга чиққан. Бу ўринда матннинг боғланишлилиги билан бевосита алоқадор матннинг яхлитлиги масаласи ҳам алоҳида диққатга молик. Зотан, муайян бутунликни ташкил этадиган барча унсурлар ўртасида боғланишлиликнинг мавжудлиги натижаси ўлароқ бу бутунликнинг яхлитлиги юзага келади.

Венгриялик олим З.Каньо немис тилшуноси Х.Изенбергнинг фикрларига суянган ҳолда матннинг чегараланганлиги, ёпиқлиги ҳақидаги масала матн назариясининг асосий масалаларидан бири эканлигини айтади. Унингча, агар матннинг ҳар икки томонидан қандайдир бир тарзда ёпиқ эканлигини исботлаб бўлмаса, махсус тил структураси

¹³¹ Кожевникова К. Об аспектах связности в тексте как целом // Синтаксис текста. – М.: 1979. С. 50.

¹³² Брчакова Д. О связности в устных коммуникациях // Синтаксис текста. – М.: 1979. С. 250, 260.

бўлган матн ҳақида гапириш мушкул.¹³³ Шубҳасизки, матн алоҳида ва мустақил бирлик бўла олиши учун унинг бошланиш ва тугалланиш чегараси бўлиши шарт, ана шу икки томондан бўладиган чегаралар орасидаги қисм яхлит бутун бўла олади. Шунинг учун ҳам аксарият матн тадқиқотчилари боғланишлилик ва яхлитликнинг матннинг онтологик хусусиятлари сирасига киритишни маъқул деб билдилар. Айни пайтда улар яхлитлик, энг аввало, мазмуний категория бўлса-да, ҳам синтактик, ҳам маъновий боғланишлиликка асосланишни таъкидлайдилар.¹³⁴ Аммо шуни ҳам айтмоқ керакки, синтактик боғланишлилик ҳам маъновий-мазмуний боғланишлиликсиз юзага чиқа олмайди. Шунга кўра боғланишлиликни ҳам, яхлитликни ҳам матннинг мазмуний-синтактик категорияси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. О.И. Москальская матннинг яхлитлиги, уни ташкил этувчи унсурларнинг зич боғланганлиги ҳозирги тилшуносликда матннинг когерентлиги (лотинча *cohaerens* – боғли, ўзаро боғланган) номини олганлигини, бу тушунча молекуляр физикадаги когезия (яъни молекулаларнинг жисмда бир-бири билан қўшилиши) термини билан ҳам жуда образли бир тарзда ифодаланишини айтади ва шундай ёзади: “Матннинг когерентлиги фақат мазмуний ҳодиса эмас. У бир пайтнинг ўзида ўзаро шакл, мазмун ва функция муносабатида бўлувчи структур, мазмуний ва коммуникатив яхлитликлар сифатида намоён бўлади”.¹³⁵ Матннинг алоҳида олий коммуникатив бирлик сифатида яшаши ҳам ана шунга кўрадир. Боғланишлилик ва яхлитликни матннинг онтологик, яъни мавжудлик белгиси деб таъкидланиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбек тилидаги матн муаммолари билан мунтазам шуғулланиб келаётган А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевлар ҳам матн таркибидаги боғланишлиликка, грамматик ва мазмуний умумийликка кўра узвларнинг бирикувиغا алоҳида

¹³³ Каньо З. Заметки к вопросу о начале текста в литературном повествовании // Семиотика и художественное творчество. – М.: Наука, 1977. С. 229.

¹³⁴ Масалан, қар.: Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – М.: Наука, 1988. С. 137. Яна қар.: Звегинцев В.А. О цельно-оформленности единиц текста // Изв. АН СССР. Сер. лит.-ры и языка. 1980, N 1. С. 13-24.

¹³⁵ Москальская О.И. Кўрсатилган асар. 17-бет.

урғу берадилар: “Матн - синтаксиснинг текширув объекти. Синтактик ҳодиса сифатида матн махсус лексик-грамматик ва умумий мазмун талаби билан бириккан бирдан ортиқ мустақил гап турларининг йиғиндисидан иборат. Матн ўзига хос мураккаб синтактик структурага эга бўлган нутқнинг энг йирик ифодасидир”.¹³⁶

Тилшунослиқда матнга берилган жуда кўп ва хилма-хил таърифларнинг деярли барчасида айна шу боғланишлилиқ ва яхлитлик белгиси у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Масалан, немис тилшуноси В. Дресслер “Матн синтаксиси” номли мақоласига Х. Вайнрихнинг “Матн – бу, шубҳасиз, шундай бутунлиқки, унда барча нарса ўзаро боғлангандир” шаклидаги таърифини эпиграф қилиб олган.¹³⁷ Ёки бошқа бир тадқиқотчининг матнга берган таърифи мана бундай: “Яхлитликни назарда тутган ҳолда замон ёки маконда жойлаштирилган гапларнинг ҳар қандай кетма-кетлиги матн ҳисобланади”.¹³⁸

В.А.Звегинцев бир-бири билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган гапларни бир бутунлик тарзида бирлаштириб бўлмаслигини, агар шундай ҳолатдаги гаплар бирлаштирилса, мутлақо сунъий нутқ ёки матн пайдо бўлишини, унинг нутқ мантиғидан ташқарида қолишини айтади.¹³⁹ Зотан, она тили таълимида ҳам ўқувчиларда боғли нутқ тузиш малакасини шакллантиришда ана шу нутқ мантиғига айрича аҳамият берилиши тасодифий эмас.

Чиндан ҳам, таъкидлаб ўтилганидек, структур, мазмуний ва коммуникатив яхлитликларни ўзида мужассам этмаган нутқ ёки нутқ парчаси матн мақомини ола олмайди. Кўйидаги икки парчани қиёслайлик:¹⁴⁰

¹³⁶ Мамажонов А., Абдупаттоев М. Матн синтаксиси. – Фарғона, 2002. 4-бет.

¹³⁷ Дресслер В. Синтаксис текста... С. 111.

¹³⁸ Кох В.А. Предварительный набросок дискурсивного анализа семантического типа // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. -М.: Прогресс, 1978. С. 162.

¹³⁹ Звегинцев В.А. Предложение и его отношение к языку и речи. –М.: МГУ, 1976. С.181.

¹⁴⁰ Парчалар 7-синф “Она тили” дарслиги (Mahmudov N. va boshq. Ona tili. -Toshkent: Ma’naviyat, 2005, 35, 37-betlar)дан олинган, 1-парчада китобдаги гапларнинг рақамлари ва манбалари тушириб қолдирилган.

1. *Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молдан кечмас. Қурбон чолнинг гапини эшитиб ҳайрон қолди. Рағнонинг ерга қараган кўзи секингина Анварга кўтарилиб яна ерга оғди. Ҳамманинг кўзи домлада экан, Зеби чимма тини юзидан олди. Ҳумоюн ҳамма дардини айтиб кўнглини бўшатсин учун Хонзода бегим унинг сўзини бўлмай тоқат билан жим тинглади. Чол подшонинг олдига бориб, саволиг жавоб берибди.*

II. *Бобур ҳам болалиги ўтган Андижон осмонини эслади. Мана шу Етти Оғайни юлдузлари ўша ерда ҳам Олтин Қозикни айланиб ўтиб, фарбага ботиб кетарди. Ўша ерда ҳам Етти Оғайни уфққа бош қўйган сари Ҳулкар юлдузлари осмоннинг баланд жойларига чиқиб борарди. Бобур ўсмирлигида Ҳулкар юлдузларини олмосдан ясалган варракка ўхшатарди. Думини қувноқ силкитиб учадиган олмос варрак унинг хаёлини яна мусаффо болалик йилларига олиб кетди. Осмон дунёнинг ҳамма жойида бир экани, умрининг бошланишида Андижонда кўрган юлдузлари умрининг охирида Аграда ҳам чақнаб тургани унга сўнги бир тасаллидек туюлди. Бобур осмонга қараб ётганда яна ёш, соғлом йигитга айланиб, Андижон чорбоғининг супасида ётгандай бўлди. Бир лаҳзалик бу ширин ҳис кетидан яна шафқатсиз бир қалтироқ босиб келдию, юлдузли осмонни гирдобига олиб, гир-гир айлантира бошлади (П.Қодиров).*

Биринчи парчада 6 та, иккинчи парчада эса 8 та гап бор. Кўришиб турганидай, ҳар икки парчадаги ҳеч бир гап бирон-бир жиҳатдан, на синтактик, на семантик ва на функционал жиҳатдан ноқисликка эга эмас. Мазкур гапларнинг барчаси тил қонуниятларига тамомила мувофиқ тарзда тuzилган. Бу гаплар алоҳида-алоҳида парчаларда кетма-кет жойлаштирилган. Биринчи парчадаги биринчи *Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, мол дўстинг молдан кечмас* гапини олиб кўрайлик. Бу қўшма гап бениҳоя ҳам синтактик, ҳам мазмуний лаконизмга эга бўлиб (зотан, у мақол), мазкур парчада автосемантик ҳолатдадир. Ундан кейин турган *Қурбон чолнинг гапини эшитиб ҳайрон қолди* гапи ҳам мустақил гап, аммо бу икки гап ўртасида на мазмуний, на синтактик муносабат бор. Бу икки гап бир-бирига ҳеч бир жиҳатдан “қўл узатмайди”, ўзаро боғланмайди. Кейинги тўрт гап ҳам бу гаплар билан ана шундай алоқасиз. Шундай экан, маз-

кур 6 та гапнинг айни парчадаги кетма-кетлиги тасодифий, сунъий (табийки, дарсликда методик мақсад билан боғлиқ), улар яхлит бир бутунликни юзага чиқара олмайди.

Иккинчи парчадаги биринчи *Бобур ҳам болалиги ўтган Андижон осмонини эслади* гапни олиб кўрайлик. Аввало, гапдаги ҳам ёрдамчисининг пресуппозициясига кўра бу гапдан олдин ифодаланаётган фикрга дахлдор бошқа фикр баёни мавжудлиги англашилади. Айни пайтда *эслади* феъл-кесимининг семантикасига кўра, кейинги ифода эҳтиёжи сезилади. Шу тарзда бу гап нафақат мазмунан, балки грамматик жиҳатдан ҳам кейинги *Мана шу Етти Оғайни юлдузлари ўша ерда ҳам Олтин Қозиқни айланиб ўтиб, ғарбга ботиб кетарди* гапига “кўл беради”, уни тақозо этади. Айни шу кейинги гапдаги *ўша ерда, Етти Оғайни юлдузлари, Олтин Қозиқ* сўзлари биринчи гапдаги *Андижон, осмон* сўзлари билан ҳам мазмунан, ҳам грамматик алоқаланади. Кейинги олтита гап ҳам бу гаплар билан ана шундай зич муносабатда боғланган, яъни синтактик, семантик ва коммуникатив яхлит ҳолатга келган. Демак, бу парчадаги 8 та гапнинг кетма-кетлиги мутлақо тасодифий эмас, балки тўлиқ қонунийдир. Шунинг учун ҳам айни шу иккинчи парча матн мақомида, биринчи парча эса матн мақомида эмас.

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, матнни гаплар кетма-кетлигининг боғланишлилик асосида оғзаки ёки ёзма шаклда юзага келадиган структур, мазмуний ва коммуникатив яхлитлиги тарзидаги бутунлик сифатида, тил синтактик сатҳининг олий даражадаги бирлиги сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ. Бундай талқин, албатта, матнга хос бошқа турли хусусиятлар, белгилар, категорияларнинг мавжудлигини мутлақо инкор этмайди. Масалан, проспекция ва ретроспекция, концептуаллик, автосемантия ва синсемантия, информативлик, модаллик, тугалланганлик каби бир қанча категориялар мазкур таърифда таъкидланган боғланишлилик ва яхлитлик тшунчалари билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Бу категориялар матннинг моҳиятига дахлдор мазкур икки ўзак хусусиятнинг реаллашувида иштирок этади. Шунинг учун ҳам матн таърифида матнга хос бўлган барча хоссаларни, категорияларни бирма-бир акс эттириш учун алоҳида бир зарурият йўқ. Зотан, ҳар қандай

таърифнинг бош, асосий мақсади, қандай фанда бўлишидан қатъи назар, муайян ҳодисанинг асосий моҳияти ва умумий табиатини кўрсатиб беришни назарда тутати.

Матн бирликлари

Маълумки, ҳар қандай бутунлик каби матн ҳам ун таркиб топтирувчи унсурлардан, муайян бирликлардан иборат бўлади. Тилшунослиқда қандай бирликлар матнни шакллантириши ёки матнни бўлакларга ажратганда қандай бирликлар айнан матн бирлиги деб ҳисобланиши борасида анча мунча мунозаралар мавжуд. Бир қарашда, матн бирликларини тайин этиш, белгилаш у қадар ҳам қийин иш эмасдатуялади. Аммо аслида ундай эмас, шунинг учун ҳам б масалада матн лингвистикаси тадқиқотчилари орасида жуда кўп ва фарқли қарашлар мавжуд.

Биз матнга таъриф берганда, икки асосий белгига, яъни боғланишлилик ва яхлитликка алоҳида эътибор берди. Боғланишлилик ва яхлитлик гаплар ўртасида ва гапларнинг мазмуний-грамматик бирлиги асосида юзага келади. Деярли барча матн тадқиқотчилари бу икки белгини ҳеч ва назардан қочирган эмас. Айниқса, ғарб тилшунослари теоронидан матнга берилган таърифларда гапларнинг кетма кет боғланиши, гаплар занжири матнда асосий жиҳат эканлиги, бусиз матн юзага кела олмаслиги мунтазам таъкидланади. Масалан, голланд тилшуноси С.Дик “гапларнинг матний занжирида координациянинг олий шакли”ни кўрсатди.¹⁴¹ Бошқача қилиб айтганда, мустақил гапларнинг олий даражадаги координацияси (албатта, муайян ахборотни ифода далаш мақсади билан) маҳсули ўлароқ матн шаклланади. Олий даражадаги координация, аниқки, айни матн дейилдиган бутунлик, яхлитликни пайдо қиладиган гаплар ўртасидаги барча жиҳатлардан, яъни семантик, синтактик, коммуникатив, эстетик ва яна бошқа барча жиҳатлардан унликдир, мувофиқлашувдир. Гапларнинг ана шундай ўзауиғунлиги, мувофиқлашувининг натижаси сифатида мавжуд бўлади. Ана шу бир-икки мулоҳазадан келиб ч

¹⁴¹ Бу ҳақда қар.: Дресслер В. Синтаксис текста // Новое зарубежной лингвистике. Вып.8. -М.: Прогресс, 1978. С.119.

қиб, матннинг асосий бирлиги гапдир деган хулосага келиш мумкин. Аммо гапни матн бирлиги сифатида баҳолаш тилшуносликда у қадар кенг тарқалган эмас. Аксинча, бу борада баҳсли ёндашувлар анчагина.

Аксарият тилшунослар гапни матн бирлиги эмас деб ҳисоблайдилар. Масалан, И.Р. Гальперин гап эмас, балки бир қатор гапларни бирлаштирадиган нисбатан йирик бутунлик — фразадан катта бутунлик (“сверхфразовое единство”) матн бирлиги бўла олишини айтади. У гап ана шундай бутунликда конституэнт сифатида иштирок этишини, фразадан катта бутунликнинг таркибий қисми бўлган гап бир пайтнинг ўзида яхлит матннинг ҳам таркибий қисми бўла олмаслигини таъкидлайди.¹⁴²

Айни шу фразадан катта бутунлик (“сверхфразовое единство”) ни матннинг асосий бирлиги сифатида баҳолаш деярли барча тилшуносликларда кенг тарқалганлигини таъкидлаш мумкин. Бу термин орқали ифодаланган тушунча турли тилшунослар томонидан турлича номланади, яъни мазкур терминнинг бир қанча синонимлари мавжуд. Масалан: “фразадан катта бутунлик” - “сверхфразовое единство” (О.С.Ахманова), “мураккаб синтактик бутунлик” - “сложное синтаксическое целое” (А.М.Пешковский, Н.С.Поспелов), “матн компоненти” - “компонент текста” (И.А.Фигуровский), “прозаик строфа” — “прозаическая строфа” (Г.Я.Солганик), “синтактик комплекс” - “синтаксический комплекс” (А.И. Овсянникова), “монологик жумла” - “монологическое высказывание”, “коммуникатив блок” - “коммуникативный блок” ва бошқалар.¹⁴³

Ўзбек тилшунослигида ҳам мазкур тушунчани ифодалаш учун бир қатор фарқли терминлар қўлланмоқда. Масалан, А. Мамажонов дастлаб “йирик синтактик бирлик”¹⁴⁴ терминини қўллаган бўлса, кейинроқ мунтазам равишда “суперфразали синтактик бирлик”¹⁴⁵ терминидан фойдалана-

¹⁴² Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар. 67-68-бет.

¹⁴³ Бу ҳақда қар.: Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар. 69-бет; Тураева З.Я. Кўрсатилган асар. 114-бет.

¹⁴⁴ Мамажонов А. Йирик синтактик бирликлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1980, № 5. 62-бет.

¹⁴⁵ Мамажонов А. Текст лингвистикаси. —Тошкент, 1989. 27-бет.

ди. Матннинг стилистик муаммоларига алоҳида эътибор билан қараган И.Расулов ва Ҳ.Рустамовлар эса “мураккаб синтактик бутунлик” терминини маъқул кўрадилар.¹⁴⁶ Ўзбек матнидаги ана шундай бирликларни монографик тарзда тадқиқ этган М.Абдупаттоев “суперсинтактик бутунликлар” терминини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.¹⁴⁷ Биз ҳам ҳодиса моҳиятини анча тўғри ва холис акс эттирадиган атама сифатида ана шу “суперсинтактик бутунлик” терминини маъқул кўраемиз.

М. Абдупаттоев мазкур номзодлик диссертациясида ўзбек тилидаги матнда суперсинтактик бутунликларнинг моҳияти, синтагматик ва семантик-услубий хусусиятларини илмий асосли равишда кўрсатиб берган. Шунинг ҳам айтиш керакки, тадқиқотчи суперсинтактик бутунликларнинг матн таркибидаги чегараларини белгилаш, уларни ажратиш принципларини (семантик, грамматик ва композицион-стилистика) ишлаб чиққан. Шу асосда матндаги бир кичик мавзунинг тугалланиб, янги бир мавзуга ўтилиши суперсинтактик бутунликнинг структурасини белгиловчи омилларда бири эканлигини, бу бутунликни ташкил этувчи нисбий мустақил гаплар орасида мустаҳкам семантик-грамматик алоқа мавжудлигини, аynи шу алоқа суперсинтактик бутунликнинг семантик-структурал яхлитлигини таъминлашини жуда тўғри таъкидлаган.¹⁴⁸

Суперсинтактик бутунликнинг шаклланишида гаплар иштирок этади, буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин икки ёки ундан ортиқ гапнинг ўзаро бирикиб, муайян бир бутунликни шакллантириши шунчаки бир оддий жараён эмас балки бениҳоя мураккаб ва серқатлам ҳодисадир. Ана шундай гаплар йиғиндисини яхлитлаштирадиган бир қатор омиллар мавжуд. Аynи шу масала борасида фикр юритиш тадқиқотчиларнинг аксарияти (И.Р. Гальперин, О.И. Ме

¹⁴⁶ Расулов И. Мураккаб синтактик бутунлик // Ўзбек тили ва адабиёти. 1983, №1. 22-бет; Шомақсудов А., Расулов И. бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 223-227-бетлар.

¹⁴⁷ Абдупаттоев М.Т. Ўзбек матнида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1998.

¹⁴⁸ Абдупаттоев М.Т. Кўрсатилган автореферат. 19-бет.

кальская, З.Я. Тураева, Л.М. Лосева, А. Мамажонов, М. Тўхсанов, М. Абдупаттоев ва кўплаб яна бошқалар) ягона кичик мавзунинг мавжудлиги, шу асосда гаплар мазмуни-нинг умумийлиги ва ўзаро уйғунлиги, семантик-грамматик ва коммуникатив яхлитлик каби жиҳатларни ана шундай омиллар сифатида қайд этадилар. Масалан, қуйидаги парчада мазкур омилларнинг барчаси мавжуд, шунинг учун ҳам уни алоҳида суперсинтактик бутунлик дейиш мумкин: *Киши ортиқча кўрққанда гангиб аззоси ҳаракатсиз ва оғриқ ҳолга тушадирким, албатта, буни биз қаттиқ кўрққандан деб биламиз. Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизга йўлбарс чиқса, биз қаттиқ кўрқамиз, чунки бизни ўлим кутади, инсон учун дунёда ўлимдан кўрқинч нарса йўқ. Биноан алайҳи биз бунда-ви кўрқувни табиий ҳисоблаймиз. Аммо қизиги шундаким, бизни дунё бахти кутганда, бизга саодат башорати берилганда нега биз ўлим кутгандаги ҳолга тушамиз ва узвий ташкилотимиз биринчидаги ҳолатни кечиради (А. Қодирий, “Ўтган кунлар”).*

Айтиш мумкинки, суперсинтактик бутунликларнинг матн бирлиги эканлиги ҳақида ҳеч бир мунозара йўқ. Улар, шубҳасиз, матнинг асосий бирлигидир.

Айрим тилшунослар матнда суперсинтактик бутунликлар таркибига кирмайдиган якка гаплар ҳам мавжудлигини айтадилар ва уларни “эркин” (“свободное”) гаплар сифатида баҳолайдилар, шу асосда эркин гапларни суперсинтактик бутунликлар қаторида матн бирликлари деб ҳисоблайдилар.¹⁴⁹ А.Мамажонов ва М.Абдупаттоевлар ҳам бу фикрни кўллаб-қувватлайдилар ва ўзбек тили матнидаги ана шундай эркин гапларни таҳлил қиладилар, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидан олинган шундай мисол берадилар:

Дала тошни куйдирган саратон ҳароратини бағрига яширган ўша машҳум тутзор, азамат йигитнинг паҳлавон кўксига бош қўйган қоқ туш палласи...

У дамлар Дилдорга катта бахт, туш каби ширин ҳаёт вағда қилганди. Алданган қиз ҳамон туш палласи ўзини унутган дақиқаларнинг дардини тортарди.

Аёл кишига вафо деган нарса қанчалар қимматга тушини кўплар ҳали билмайди.

¹⁴⁹ Лосева Л.М. Кўрсатилган асар. 69-70-бетлар.

Дилдор ҳеч кимни қоралаёлмасди. Фақат биргина ўзи айблиман деб биларди. Агар у Низомжонга бевафолик қилмаганда, бу кунлар бошига тушмасди.

Муаллифлар остига чизилган гапни иккита абзацда иборат биринчи суперсинтактик бутунликка ҳам, охириги абзац шаклидаги иккинчи суперсинтактик бутунликка ҳам кирмаслигини, шунинг учун ҳам эркин гап эканлигини таъкидлайдилар.¹⁵⁰ Айтиш мумкинки, матндаги бундай эркин гаплар мазмунига кўра кўпроқ муаллиф изоҳи, муайян яқин мавзунини эслатиши, лирик чекиниши кабиларни ифода далашга хизмат қилади.

Баъзи тилшунослар гапни узил-кесил “матннинг минимал бирлиги” деб ҳисоблайдилар.¹⁵¹

Бу муносабат билан М.Я. Блохнинг мулоҳазалари алоҳида эътиборга молик. Унинг фикрича, яхлит текст структурасининг бевосита элементи фақат фразадан катта бирлик (бизнингча, суперсинтактик бутунлик), яъни гапларнинг қўшилмасигина эмас, балки айни пайтда матн тузувчи томонидан мазмунан муҳим мақомга қўйилган алоҳида гаплар ҳамдир. Бундай гапларнинг айни мақоми монологий ёзма нутқда уларни алоҳида абзац сифатида ажратишни тақозо этади.¹⁵² Бу фикрида у юқорида айтилган эркин гапларни назарда тутгандай туюлади. Аммо М. Я. Блох қандай гапнинг матн таркибидаги фавқуллодда аҳамиятига эътиборни қаратади. У айнан матн қурилиши нуқта назаридан гап ифодалашнинг энг муҳим (кардинал) унсурини эканлигини турли шакл ва мақсадлардаги нутқ (оғзаки, ёзма, кундалик, профессионал, сокин, эмоционал ва ш.к.)ни кузатиш асосидаги тадқиқотлар тасдиқлашини айтилади. У шундай деб ёзади: “Гап предикациянинг, яъни нутқнинг номинатив мазмунини реал воқеликка нисбатлашнинг ифодачиси эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни эси

¹⁵⁰ Мамажонов А., Абдупаттоев М. Кўрсатилган асар. 82-84 бетлар.

¹⁵¹ Баранов М.Т., Костяева Т.А., Прудникова А.В. Русский язык. —М.: Просвещение, 1989. С. 263. Яна қар.: Абрамова С.И. Выражение связного текста в научной литературе на испанском языке // Лингвостилистические особенности научного текста. —М.: Наука, 1981. С. 67-68.

¹⁵² Блох М.Я. Кўрсатилган асар. 48-бет.

олишимиз билан бу нарса ойдин бўлади-қўяди. Матннинг гапга альтернативалар сифатида кўрсатилаётган “ҳақиқий” бирликларидан биронтаси предикацияни ифодаловчи ўз воситаларига эга эмас. Бу шуни билдирадики, матн гапдан ташқарида ҳукм ва хулосаларни ифодалай олмайди, яъни матн оламни англаган ҳолда акс эттиришнинг тўлақонли воситаси бўлиб хизмат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлади.”¹⁵³

Бунга ўхшаш фикрни бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам кўриш мумкин. Масалан, рус тилшуноси Г.В.Колшанский гап субъект-предикат муносабатини ифодалаши билан матнда мазмуннинг мантиқий фикр сифатида шаклланишига имкон берувчи мазмуний-структур бирлик бўлишини, гап “матннинг асосий (базис) оператив унсури” эканлигини алоҳида таъкидлайди.¹⁵⁴ Айтиш мумкинки, матннинг мазмуний таркибини, бу мазмуннинг объектив олам билан нисбатланишини, демакки, тўғри англанишини гапсиз тасаввур этиш мушкул.

Кўринадики, гапнинг матн системасидаги ўрнини, аynиқса, унинг матн ҳосил қилиш қобилиятини асло инкор этиб бўлмайди. Гапнинг матн ҳосил қилиш хусусияти ҳақида гапирганда, мутахассислар рус риторикаси намояндаларидан бири И.Давидовнинг “Гап дондир, ундан бутун асар униб чиқади” тарзидаги жуда образли қилиб айтган (1838 йилда) гапини эслашади.¹⁵⁵ Умуман айтганда, гап матн ҳосил бўлишида ўзига хос материалдир. Ана шулар ҳисобга олинса, матн бирликлари сифатида суперсинтактик бутунликлар билан бир қаторда эркин гапларни тан олган ҳолда ҳар қандай гапни ҳам ана шундай бирликлар ичида қараш мақсадга мувофиқ.

Матн лингвистикаси, хусусан, матн бирликларини белгилашдаги энг мунозарали ва беҳад кўп тадқиқ этилган масалалардан бири абзацнинг моҳияти, табиати ва матн таркибидаги мақоми масаласидир. Бу борада рус ва Европа филологиясида жуда катта миқдордаги илмий ишлар яра-

¹⁵³ Блох М.Я. Кўрсатилган асар. 114-115-бетлар.

¹⁵⁴ Колшанский Г.В. От предложения к тексту // Сущность, развитие и функции языка. — М.: Наука, 1987. С. 40.

¹⁵⁵ Одинцов В.В. Стилистика текста. — М.: 1980. С. 122.

тилган, уларнинг сони бир неча юзлардан ҳам ошади. Уларнинг аксариятида абзац ва суперсинтактик бутунликлар (“сверхфразовое единство”, “сложное синтаксическое целое” ва ҳ.) ўртасидаги муносабат, умумий ва фарқли жиҳатлар, уларнинг матндаги аҳамиятлилик даражаси каби масалалар борасида баҳс юритилади. Аммо олдинданок алоҳида таъкидлаш зарурки, бизнингча, абзацни суперсинтактик бутунликлар билан қиёслаш, уларни бир-бири билан солиштириш илмий мантиқ нуқтаи назаридан унчалик асоссиз эмас.

Тилшуносликда абзац ва унинг моҳияти талқини масаласида бир-биридан фарқли бир неча нуқтаи назарни кўриш мумкин. Уларнинг баъзиларини қараб чиқайлик.

О.И.Москальская суперсинтактик бутунлик (“сверхфразовое единство”) ва абзацни солиштирар экан, суперсинтактик бутунликнинг синтактик моҳиятга эга ҳодисалигини, абзац эса композицион сатҳ бирлиги эканлигини таъкидлайди.¹⁵⁶ Абзацнинг матнда композицион-стилистика бирлик мақомида бўлишига бошқа тадқиқотчилар ҳам эътиборни қаратадилар.¹⁵⁷

Бир қатор тадқиқотчилар абзацнинг синтактик структура бирлиги бўла олмаслигини айтадилар. Уларнинг фикрича, абзац тил системасининг бирлиги эмас, шунинг учун унда бошқа синтактик бирликлардан фарқланишга ҳизма қиладиган грамматик белгилар йўқ, демакки, у алоҳида синтактик бирлик эмас. Ана шундан келиб чиқиб, улар абзацни синтактик категория деб ҳисобламайдилар ва шундай таъкидлайдилар: “Матннинг синтактик структурасида сўз бирикмаси, сўзлар қўшилмаси, гаплар, мураккаб синтактик бутунликлардан бошқа ҳеч қандай бирлик йўқ.”¹⁵⁸ Айн

¹⁵⁶ Москальская О.И. Кўрсатилган асар. 14, 30, 83-бетлар.

¹⁵⁷ Масалан, қар.: Сильман Т.И. Структура абзаца и принципы его развертывания в художественном тексте // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. — Л.: Наука, 1975. С. 208-216.

¹⁵⁸ Лосева Л.М. Межфразовая связь в тексте монологической речи. — Одесса, 1969. С. 24; Свотина М.Г. Абзац как единица речевой практики // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. — Л.: Наука, 1975. С. 205-208.

лайтда улар абзацнинг ёзма нутқ амалиётида фикр идрокни қулайлаштириш мақсадида ёзувчи томонидан онгли равишда ажратилувчи бирлик эканлигига алоҳида урғу бердилар.

Яна айрим тилшунослар суперсинтактик бутунлик (“сложное синтаксическое целое”)ни матнда синтактик бирлик сифатида қараш мумкин эмаслигини, фақат абзацгина матнда ана шундай мақом ола билишини исботлашга уринадилар. Масалан, айти масалани немис тили материалида ўрганган Л.Г.Фридман мураккаб синтактик бутунлик ўзининг синтактик бирлик мақомини тайин этадиган тегишли кўрсаткичларга эга эмас деб ҳисоблайди, шунинг учун уни грамматик бирлик тарзида эмас, балки бир қатор мустақил гапларнинг мазмуний умумийлиги асосида шаклланадиган мантикий-семантик бутунлик тарзида талқин қилиш тўғри бўлишини айтади. Муаллиф абзац стилистик, адабий-композицион бирлик сифатида тадқиқ этилган ишларда уни синтактик бирлик мақомини тайин этадиган белгилар ё иккинчи планга суриб қўйилишини, ёки умуман эътибордан четда қолишини танқид қилади. У абзацнинг моҳияти ва мақоми ҳақида қуйидагича анчайин кескин фикрни илгари суради: “Нисбатан қуйи сатҳ бирлиги бўлмиш гапдан фарқловчи релевант белгилар туркумига эга бўлган фразадан катта синтактик бирлик абзацдир деб ҳисоблаймиз... Абзацнинг композицион бирлик сифатидаги ролини инкор этмаган ҳолда биз ўйлаймизки, у энг аввало синтактик бирликдир, чунки абзацнинг айнан синтактик табиати унинг адабий-композицион бирлик сифатида қўлланиши учун имконият яратадиган базис, асосдир.”¹⁵⁹ Кўринадикки, тадқиқотчи абзацни худди гап каби синтактик ҳодиса сифатида талқин қилади ва матннинг асосий бирлиги абзацдир деган фикрни қатъий асослашга ҳаракат қилади.

Бундай қараш, бу қадар кескин бўлмаса-да, бошқа тилшуносларда, айтиқса, хорижий тилларни ўқитиш методикаси билан шуғулланган мутахассисларда ҳам бор. Масалан, ана шундай йўналишдаги ишлардан бирида матн яратиш-

¹⁵⁹ Фридман Л.Г. К вопросу о сверхфразовых единицах // Теоретические проблемы синтаксиса современных индоевропейских языков. — Л.: Наука, 1975. С. 216-217.

нинг мажбурий унсури сифатида абзац алоҳида ажрати кўрсатилади, унинг матн лингвистикасида ўзига хос структурага эга бўлган тўлақонли бирлик эканлиги таъкидланди ва шунга асосланган ҳолда абзац “катта матн” ичида “кичик матн” деган хулосага келинади, унинг “абзац-талл”, “абзац-тавсиф”, “абзац-контраст”, “абзац-аналог “абзац-таъриф” каби мазмуний турлари ажратилади.¹⁶⁰

Абзацни синтактик ҳодиса сифатида тушуниш ёки абзац ва суперсинтактик бутунлик тушунчаларини қориштириш турли тилшуносликларда анча-мунча учрайди. Ҳатта муайян бир асарда абзацнинг бир неча фарқли талқинларини ҳам учратиш мумкин. Масалан, И.В. Арнольднинг “Ҳозирги инглиз тили стилистикаси” китобидаги “Матний сатҳ абзац” номли параграф шундай бошланади: “Ёзма нутқнинг бир хатбошидан иккинчи хатбошигача бўлган, мураккаб синтактик бутунлик сифатида реаллашган ва адаби матннинг нисбий тугалланган қисмини ташкил этувчи бўлган абзац дейилади.”¹⁶¹ Абзац назариясининг ибтидоси А.М. Пешковский ишларига бориб тақалишини, кейинчалик эса Н.С. Поспелов, Т.И. Сильман ва бошқа кўплаб тилшунослар томонидан тадқиқ этилганлигини таъкидлар экаммуаллиф мазкур таърифидagi фикрларини янада ойдинлаштиради: “Абзац гапга нисбатан юқори даражадаги синтактик-интонацион бутунликдир.” Аммо бир саҳифадан кейинроқ бу фикридан қайтгандай бўлади. У абзац таркибидаги гапларнинг грамматик ва мазмуний мустақиллиги турли ёзувчиларда, ҳатто бир ёзувчининг турли жанрдаги асарларида ҳам турлича бўлишини ва шунинг учун “абзацнинг типик структураси учун мисол келтириш умуман мумкин эмаслиги”ни таъкидлайди.¹⁶² Бир-икки саҳифалик мисоллар таҳлили асосида дастлабки фикрига зид бўлган мана бундай хулосага келади: “Шундай қилиб, абзац жумла (“выс

¹⁶⁰ Малевич В.Г., Скалабан В.Ф. Анализ иноязычного текста с методических позиций // Вопросы семантики и методики преподавания иностранных языков. — Минск: Наука и техника 1982. С. 155-163.

¹⁶¹ Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. — Л.: Просвещение, 1973. С. 244.

¹⁶² Арнольд И.В. Кўрсатилган асар. 244-245-бетлар.

называние”)нинг (фикр ифодасининг) мантиқий ва эмоционал структурасини график акс эттирганлиги учун уни фикр ифодасининг китобхон томонидан идрок қилинишини енгиллаштирувчи композицион усул сифатида талқин қилиш мумкин.”¹⁶³ Албатта, абзац бир пайтнинг ўзида ҳам “гапдан катга синтактик-интонацион бутунлик”, ҳам “график-композицион усул” бўлиши мумкин эмас, яъни бутунлик-бирлик билан усул бошқа-бошқа тушунча ва ҳодисалардир.

Ҳозиргача қараб чиқилган абзац ҳақидаги мулоҳазалардаги асосий нуқталарни шундай гуруҳлаштириш мумкин: 1) абзац - синтактик бирлик, 2) абзац синтактик бирлик эмас, балки 3) абзац – композицион-стилистик бирлик, 4) абзац – композицион-график усул. Кўриниб турганидай, бу қарашларнинг ҳар бири бошқасини инкор этади ёки тўла эътироф этмайди. Абзацнинг синтактик (умуман лингвистик) ҳодиса эмаслигини, у ўз моҳиятига кўра бундай бўла олмаслигини аксар тилшунослар таъкидлайдилар.¹⁶⁴ Аммо шунга қарамадан, абзац ва суперсинтактик бирлик (мураккаб синтактик бутунлик) муносабати масаласида баҳс-мунозараларнинг интиҳоси кўринмайди.

Бу ўринда суперсинтактик бирлик (рус тилшунослигида кенг тарқалган муқобили “сверхфразовое единство”) ва абзацнинг фарқли моҳиятга эгаллигини кўрсатиб беришга бағишланган илмий изланишлар турли тилшуносликларда анча-мунча бор. Аммо улар орасида икки мақола алоҳида диққатга сазовор. Хусусан, Н.А.Левковскаянинг рус тили материали ва Е.В.Реферовскаянинг француз тили материали

¹⁶³ Арнольд И.В. Кўрсатилган асар. 247-бет. Шунингдек, абзацни ҳам синтактик бирлик, айти пайтда ҳам стилистик восита сифатида талқин этиш бошқа тадқиқотчиларда ҳам кузатилади. Қар.: Талмацкая Л.М. Экспрессивно-стилистическая функция членения на абзацы в предисловии к роману О.Уайльда “Портрет Дориана Грея” // Прагматико-функциональное исследование языков. – Кишинев: Штиинца, 1987. С. 131-138.

¹⁶⁴ Яна қар.: Мухин А.М. Структура предложения и их модели. – Л.: Наука. С. 211; Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1973. С. 380; Лосева Л.М. Как строится текст. – М.: Просвещение, 1980. С. 85.

ли асосидаги мақолаларида бу муаммога ўзига хос тарзда ёндашилган ва масаланинг моҳиятига дахлдор конкрет фарқларни бирма-бир белгилашга ҳаракат қилинган.¹⁶⁵

Н.А.Левковскаянинг кўрсатишича, матнни бўлаклари ажратиш - кўп аспектли мураккаб жараён, бу жараён, умуман, икки томонлама характерга эга, яъни, биринчидан, матннинг функционал йўналиши – матннинг прагматик мақсади билан боғлиқ бўлган объектив жараён. Иккинчидан, у матн ижодкорининг нияти – муаллифнинг прагматик мақсадига боғлиқ бўлган субъектив жараён. Матнни бўлаклашда ана шундай, яъни матннинг прагматик мақсади – муаллифнинг прагматик мақсади тарзидаги ўзига хос диалектиза хотомия мавжуд бўлади. Матнни айнан матннинг прагматик мақсадига мувофиқ бўлаклаш маҳсули сифатида суперсинтактик бирлик (“сверхфразовое единство”) юзага келади. Матнни муаллифнинг прагматик мақсадига кўра бўлаклаш маҳсули сифатида эса абзац юзага келади. Ан шунга кўра, тадқиқотчи суперсинтактик бирлик матнни объектив бўлаклаш бирлиги эканлигини, унинг фикрий тугалликка, мантиқий бутунликка эгаллигини айтади. Абзац эса матнни субъектив бўлаклаш бирлиги бўлганлигида ҳам ҳамиша ҳам фикрий тугалликка соҳиб бўлолмаслигига, абзац аксар ҳолларда китобхонга таъсир қилиш самарадорлигини оширишнинг соф эмфатик воситаси сифатида намоён бўлишига алоҳида урғу беради. Мақола муаллифи абзац илмий матнда структур, семантик ва коммуникатив бутунлик мақомида бўлса-да, бадиий матнда, асосан, эмфатик вазифа бажарувчи восита сифатида иштирок этишини таъкидлайди. Албатта, бу бадиий матннинг ўзига хос мақсади ва вазифалари, хусусиятлари, умуман, ёзувчининг китобхонга эстетик таъсир қилишдан иборат прагматик мақсади билан боғлиқ эканлиги маълум. Бадиий матнда, табиийки, ёзувчининг эстетик нияти ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир.

¹⁶⁵ Левковская И.А. В чем различие между сверхфразовым единством и абзацем // Филологические науки, 1980, №1. С. 75-78; Реферовская Е.А. Сверхфразовое единство и абзац // Теория языка. Методы его исследования и преподавания. – Л.: Наука, 1981. С. 225-228.

Е.А.Реферовскаянинг илмий кузатишларида ҳам абзац моҳиятидаги субъективликка асосий эътибор қаратилган, унингча, “абзац муаллифнинг индивидуал манерасига мувофиқ тарзда мавзунинг мазмуний ривожига, суперсинтактик бирлик эса фикр ифодасининг структурал шаклланишига қаратилган”¹⁶⁶дир.

Кўринадики, суперсинтактик бирлик ва абзац ўртасидаги фарқни тайин этишда матнни бўлаклашнинг объектив ва субъектив омилларидан келиб чиқилса, муаммонинг ҳолис ечимига келиш мумкин. Чиндан ҳам, матнни абзацларга бўлишда муаллифнинг субъектив мақсади, фикр таркибидаги нимани, қандай, қай тарзда таъкидлаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тўғри, илмий матнда фикрнинг мантиқий оқимини табиий ифодалаш муҳим, шунинг учун суперсинтактик бирлик ва абзац, асосан, мос келади. Аммо ҳатто илмий матнда ҳам муайян ҳолатларда тадқиқотчининг фикрни битта-битта, “ҳижжалаб”, таъкидлаб кўрсатиш мақсади билан бир суперсинтактик бирлик бир неча абзацларга бўлинган ҳолда ифода қилиниши ҳам мумкинки, бу ҳолат муаллиф фикрининг англианишини асло қийинлаштирмайди, аксинча, янада қулайлаштиради, холос. Масалан, тилшуносликка оид куйидаги илмий матн парчасига эътибор берайлик:

Семантик майдон нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, зид маъноли сўзларнинг функционал-семантик хусусиятлари бўйича қизиқарли маълумотларга дуч келамиз.

Семантик майдон узвлари ўртасидаги зидланишлар кўлами антонимлар доирасига қараганда кенг ва кўп қирралидир.

Шу маънода антонимларга майдон узвлари ўртасидаги зидланишнинг бир кўриниши сифатида қараш мумкин. Семантик майдонда лексемалараро зидланишдан ташқари гуруҳлар, микромайдонлар, ҳатто йирик қурилмалараро зиддиятларнинг ҳам мавжудлиги кузатилади (Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамоийли асосида тадқиқ этиш. Тошкент: Маънавият, 2004, 152-бет).

Парча уч абзацдан иборат, аммо битта суперсинтактик бирлик мавжуд. Буни ҳар уч абзацдаги гапларнинг бир-

¹⁶⁶ Реферовская Е.А. Кўрсатилган мақола. 228-бет.

бирига ҳам мазмуний-синтактик, ҳам мантиқий боғланишни таъминлаган муштарак сўзлар ва боғловчи воситалар ҳамда фикрий тугалланганлик кўрсатиб турибди.

Расмий матнларда, масалан, қонун ҳужжатларида бир суперсинтактик бирликкина эмас, ҳатто айрим гап ҳам бир неча абзацларга бўлинган ҳолда берилиши мумкин. Бу ҳам албатта, тегишли таъкид, фикр бўлақларини ажратиб кўрсатиш мақсади билан боғлиқ бўлади. Масалан:

186-модда. Сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки сотиш

Товар бозорига сифатсиз маҳсулот чиқариш ёки уни сотиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараварида икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, - уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, - етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001, 99-бет)

Кўриниб турганидай, матнда учта гапдан иборат битта суперсинтактик бирлик мавжуд, аммо улар саккизта абзацга ажратилган ҳолда берилган.

Бадний матнда эса абзацларнинг бундай тузилиши, бир суперсинтактик бирликнинг бир неча абзацларда ифодаланиши ёзувчининг бадний-эстетик нияти билан боғлиқ ҳолда жуда кўп кузатилади. Мана бу мисолларда буни кўриш мумкин:

Отақўзи миллионер раисларга хос виқор ва дабдаба билан қўққисдан “бостириб” келди. Домла Шомуродав машина овозини эшитиб кўчага чиққанида дарвоза олдида бири оқ, бири ҳаворанг иккита “Волга” қатор турарди. Кетма-кет “Газик” келиб тўхтади.

Оқ “Волга”дан олдин Отақўзи, унинг кетидан сипоги-на кийинган, хушбичим бир одам, ҳаворанг “Волга”дан эса Отақўзининг қизи Тоҳира тушди (О. Ёқубов, “Диёнат” романи).

... Ҳозир Маҳкам Гавҳарнинг интилишларини ўз интилишларидай тушуниб, кўксидида бир эмас, икки юрак уриб тургандай куч, ишонч сезаётган бир пайтда кўнгли ҳам ғубордан тез тозаланади.

Гавҳарда эса Маҳкамнинг севган ишига ҳурмат ўтган йиллик пайдо бўлганди. У Маҳкамнинг келажагига қараб, болаларга тарбия берувчи олижаноб бир ўқитувчини кўз олдига келтирарди (П.Қодиров, “Уч илдиз” романи).

Келтирилган ҳар икки парчада биттадан суперсинтактик бирлик мавжуд, аммо бу бирликлар икки абзац тарзида ифода қилинган. Шубҳасизки, бу ёзувчининг бадиий-эстетик ниятига уйғун ҳолатда тегишли фикр бўлакларини таъкидлашга, кучайтиришга хизмат қилган. Ана шу бир-икки мисолнинг ўзиёқ абзацни суперсинтактик бирлик билан солиштириш мақсадга мувофиқ эмаслигини яна бир марта кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида матн тадқиқига бағишланган ишларнинг аксариятида матн бирликлари ҳақида гап борганда, шундай бирликлар сифатида, ақосан, жумла, мураккаб синтактик бутунлик ва абзац санаб ўтилади.¹⁶⁷

Айрим тадқиқотчилар, масалан, немис тилининг йирик тадқиқотчиси В.Г.Адмони абзацнинг энг аввало график бутунлик эканлигини таъкидлайди, чунки ёзма матнда абзацни ажратиб кўрсатиш учун унинг ҳар икки томонидан бир оз очик жой қолдирилади, бу унинг график чегараси ҳисобланади. Олим кейинги йиллардаги немис нашрларида абзацни ажратиб кўрсатувчи мазкур очик жой ўрнига абзацлар ўртасида (вертикал) бир қатор ташлаб кетиш усулидан фойдаланиш ҳам кузатилаётганини айтади.¹⁶⁸

Рус тилшунослигида абзацни пунктуацион воситалар системаси ичида қараш аънанаси ҳам мавжуд. Масалан, А.Н. Гвоздев тиниш белгиларини шарҳлар экан, шундай ёзади: “Вазифасига кўра абзац тиниш белгилари сирасига киради... Абзац янги фикрлар қаторининг кўрсаткичи сифатида хизмат қилади; абзац ичида мустақил гаплар билан

¹⁶⁷ Масалан: Ҳакимов М. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. 67-бет.

¹⁶⁸ Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка. — Л.: Наука, 1973. С. 356.

ифодаланган фикрлар барибир мазмунан бирлашган бўлад ва муайян кичик мавзуни ривожлантиради... Бир неча га ёки ҳатто битта гапни алоҳида абзац сифатида ажратиш б гапларга муайян салмоқ бахш этади, бундай ажратиш муал лиф томонидан ўз мақсадига боғлиқ тарзда амалга ошири лади.”¹⁶⁹

Матн лингвистикасининг йирик тадқиқотчиларидан бир: И.Р.Гальперин ҳам бир китобида абзац худди тиниш бел гилари каби матндаги мантиқий ва эмоционал жиҳатларни алоҳида таъкидлаб кўрсатиш учун хизмат қиладиган воси та, композицион-график усул эканлигини асослаган.¹⁷⁰ Таъ кидлаш жоизки, И.Р.Гальперин ҳам, И.В.Арнольд каби (унинг фикрини юқорида келтирдик) абзацни матнда (ал батта, ёзма матнда) бирлик эмас, балки муайян фикрни таъкидлаш, эмоционалликни кучайтириш, муҳим жиҳатни ажратиб кўрсатиш усули эканлигини таъкидлайди.

Бизнингча, абзацни матн бирлиги сифатида талқин қилиш тегишли мантиқий асосга эга эмас. Бундай талқин аслида матннинг моҳиятини белгилашдаги бир ёқламали билан боғлиқ бўлса керак. Юқорида кўриб ўтганимиздек бир қатор мутахассислар ёзма шаклдаги нутқнигина матн деб ҳисоблайдилар. Ана шунга кўра, ёзма нутққагина хоҳ бўлган абзац тушунчаси матн бирликлари доирасига олиб ўтилган бўлиши табиий. Ҳолбуки, матн оғзаки кўринишга ҳам эга бўлавериши мумкин. Шунинг учун ҳам абзацнинг лингвистик белгиларини излашга уринишлар бор, аммо олдинроқ кўриб ўтилганидай, илмий асосли натижалар ҳали қўлга киритилгани йўқ.

Ҳатто ёзма нутқда ҳам абзац мутлақо объектив ҳодиса эмас, балки кўпроқ субъектив муносабат маҳсули эканлиги бу соҳадаги адабиётларнинг юқоридаги анча батафсил шарҳидан маълум бўлиб турибди.

¹⁶⁹ Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Ч. II. Синтаксис. — М.: Просвещение, 1968. С. 331. Яна қар.: Современный русский литературный язык. Ч. 2. Синтаксис. Под ред. Д.Э. Розенталя. — М.: Высшая школа, 1976. С. 218; Бабайцева В.В. Русский язык. Синтаксис и пунктуация. — М.: Просвещение, 1979. С.260.

¹⁷⁰ Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. — М., 1958. С. 226-230.

Ана шулардан келиб чиқилса, абзацни матн бирлиги сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аён бўлади. Аммо ёзма матнда абзац деган ҳодиса бор, уни ўрганиш керак. Фақат абзацни ёзма нутқдаги матн бирлиги сифатида эмас, балки ёзма матндаги ўзига хос композицион-стилистик усул (айнан усул, бирлик эмас) тарзида тадқиқ этиш холис илмий хулосалар чиқариш имконини беради.

Мазкур мулоҳазаларга асосланиб айтиш мумкинки, су-персинтактик бирлик ва гапни матннинг асосий бирликлари деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ.

Матн типлари

Кишилар ўртасида тил воситасида амалга ошадиган коммуникация жараёнлари бениҳоя мураккаб, кўп аспектли ва ўзига хосдир. Маълумки, ҳар қандай коммуникатив жараённинг бош мақсади муайян информацияни, ахборотни коммуникация иштирокчилари томонидан берилиши ва олинишини, яъни ахборот олди-бердисини кўзда тутати. Бу олди-берди эса, таъкидлаб ўтганимиздек, энг йирик коммуникатив бирлик бўлмиш матн шаклида воқе бўлади. Албатта, матннинг қандай шаклланиши, турли фарқли шакллардаги типлар тарзида намоён бўлиши мазкур коммуникация жараёнларидаги бир қатор омилларга боғлиқдир.

Айтайлик, баъзан бошимиздан ўтган ёки ўзимиз гувоҳ бўлган воқеаларни кимгадир айтиб берамиз. Тингловчига нотаниш бўлган бирор киши ёки жойни атрофлича тасвирлаб беришга ҳаракат қиламиз. Баъзан фикримизни турли далиллар ёрдамида исботлашга, изоҳлашга эҳтиёж сезамиз. Ёхуд кимгадир панд-насиҳат қиламиз. Уни турли ҳаётий воқеалар воситасида тарбиялаш ёки айтилганлардан хулоса чиқаришини истаймиз. Мулоқот мақсадимиз баъзан қандайдир ахоротни тингловчига шунчаки етказишга ёки бу ахборотни бутун икир-чикирлари билан унга билдиришга қаратилган бўлади. Шу билан бирга бирор ишни қандай бажариш кераклиги ҳақида тавсиялар берамиз ёки бирор ишни қилмаслик ҳақида буйруқ берамиз. Мақсадимизга эришиш учун турли кўрсатма, тақиқ ва хитоб жумлаларидан фойдаланамиз. Инсонлар ўртасидаги мулоқот мақсади шулар билангина чегараланиб қолмайди. Инсон ҳиссиётла-

рини, туйғуларини, ҳаяжонларини, азоб ва қайғуларини ифодалаш, шу орқали тингловчи ёки китобхонни таъси лантиришни истайди. Албатта, тегишли ахборотни бери учун мақсадга бевосита мос келадиган нутқ кўриниши топиш зарур бўлади.

Сўзловчининг мақсадига тилнинг қайси вазифаси (коммуникатив ёки эстетик) кўпроқ уйғун эканлиги назар тутилиши лозим. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, берилаётган ахборот кимга қаратилган, бир кишига ёки кўп кишига, эркакка ёки аёлга, каттагами ёки кичикка, жамиятдаги ижтимоий мавқеи сўзловчи билан тегишли кишигами ёки фарқли одамга ва ҳ.к. каби жиҳатлар ҳам мулоқот жараёнида нутқ шаклини танлашда жуда-жуда муҳимдир. Шунингдек, берилмоқчи бўлган ахборотнинг хараكتери, ижтимоий-мазмуний моҳияти ва салмоғи ҳам фақат қулолда аҳамиятга молик эканлигини ёдда тутмоқ зарур. Айтиш керакки, ахборотни бериш ва олишда восита бўладиган шаклнинг қандайлигини ҳам инобатга олмаслик мумкин эмас. Н.Маҳмудов бу муносабат билан шундай ёзади: “Одатда, коммуникатив вазиятнинг уч асосий унсури маълум жуд бўлади, яъни сўзловчи, тингловчи ва мавзу ёки ахборот. Сўзловчи муайян ахборотни тингловчига етказиш учун албатта, восита — тегишли канални танлайди. Табиийки, асосий канал тилнинг ўзидир. Аммо ахборотни тўла етказишда умумий вазият ва мақсадга мувофиқ бошқа каналлар ҳам ишга туширилади. Бу ўринда паралингвистик ва экстралингвистик воситалар назарда тутилади. Чиндан ҳам турли жестлар, юз ифодаси, бошни қимирлатиш, гавд ҳаракатлари, макон яқинлиги, овоз табиати, кийимлар сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий ёки бошқа мақом каби хилма-хил омиллар коммуникация жараёнида алоҳида қимматга эга. Узатилмоқчи бўлган ахборотнинг мазмуни, мақсади ва табиатига уйғун тарзда коммуникация канали танланади.”¹⁷¹ Мулоқот кечаётган фаолият соҳаси (фан, адабиёт, сиёсат, кундалик турмуш каби) ҳам мулоқот ҳал қилувчи мақомга эга. Матн типларини белгилашда ана

¹⁷¹ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. -Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси н-ти, 2007. 40-бет.

шу ва бошқа шу каби омиллар асос вазифасини бажариши лозим. Рус тилшуноси Г.А.Золотова замонавий матн лингвистикаси фани матннинг глобал назариясига эртароқ интилаётганини, ҳолбуки, матннинг интеграл конструктини яратиш эмас, балки матн типларини дифференциация қилиш, уларнинг лисоний хусусиятлари-ҳақидаги билимларни жамлаш ва шу асосда матнлар типологиясини яратиш долзарб вазифа эканлигини жиддий таъкидлаган эди.¹⁷²

Матнлар типологиясида ахборотни узатиш канали алоҳида ўрин тутади. Айтилганидай, бундай асосий канал, албатта, тилдир, аммо унинг икки асосий шакли мавжуд, яъни: оғзаки ва ёзма. Ана шунга кўра, матнларнинг 1)оғзаки ва 2)ёзма типларини фарқлаш мақсадга мувофиқ. Бу икки матн типининг ўзига хос жиҳатлари равшан, уларни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Коммуникация жараёнида берилаётган ахборотнинг ҳажми ҳам матнлар типологияси учун яна бир асос бўлади. Кичик ҳажмдаги ахборот ихчам шаклдаги ифодани, катта ҳажмдаги ахборот эса йирик шаклдаги ифодани тақозо этади. Ўз-ўзидан равшанки, матнда ифодаланган ахборотнинг ҳажм белгисига кўра 1)минимал (ёки миниматн) ва 2)максимал (ёки максиматн) матн типларини ажратиш ўринли бўлади. Масалан, яхлит бир мустақил бутунлик сифатидаги мақол, матал, тўртлик, фард, ихчам хабар, мактуб, маълумотнома, ариза, тилхат кабиларни минимал матн дейиш мумкин. Роман, қисса, монография, диссертация, дарслик, йирик муаммо баёнига бағишланган нутқ, маъруза кабиларни эса максимал матнлар сифатида талқин қилиш мантиқийдир. Баъзи тадқиқотчилар мақол, матал, ҳикматли сўзлар каби бутунликларни минимал матн деб эмас, балки уларнинг ҳажман ва тузилишига кўра кўпинча гапга яқинлигидан келиб чиққан ҳолда, “кичик форматли матнлар” (“малоформатные тексты”) деб ҳам атайдилар.¹⁷³

Минимал матн ҳақида гап кетганда, унинг таркиби, айниқса, бир сўздан иборат матн масаласи мунозара маркази-

¹⁷² Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. — М.: Наука, 1982. С.319

¹⁷³ Адмони В.Г. Грамматический строй как система построения и общая теория грамматики. — Л.: Наука, 1988. С. 210.

га айланади. Айрим тадқиқотчилар матн бир сўздан ҳа
иборат бўлиши мумкинлигини таъкидлайдилар. Масала
матн лингвистикаси муаммолари бўйича жиддий изланиш
лар олиб борган олим М.Ҳакимов “Ўзбек илмий матн
нинг синтагматик ва прагматик хусусиятлари” мавзусида
номзодлик диссертациясида шундай фикрни илгари сура
ди: “Баҳор... Бу жумлани кичик матн ҳисоблаш мумкин
ми? Бизнингча, юқоридаги жумлани тўла маънода кичи
матн деб ҳисоблаш мумкин. Чунки тугал бир оҳанг билан
айтилган *Баҳор* жумласида “табиатнинг жонланиши”, “ҳам
маёқнинг кўклар тусига кириши”, “атроф-муҳитнинг гўза
тусга бурканиши” каби яширин мазмун мавжуддир. Шу
нинг учун кичик матнда бир тугал мазмуний фикр ўз ифо
дасини топади.”¹⁷⁴ Кўриниб турганидай, мазкур атов га
нинг матн дейилишига тугал оҳанг, яширин маъно ва тугал
мазмуннинг мавжудлиги асос қилиб кўрсатилмоқда. Лекин
келтирилган далилларни фақатгина матнни белгиловчи ху
сусият деб қабул қилиб бўлмайди. Сўз алоҳида оҳанг билан
айтилганда мавҳумлик хусусиятини йўқотиб, муайянлик кас
этади. Бу ғоят табиий ҳол.

Шу кунгача атов гап доирасида ўрганиб келинган б
типдаги гапларни матн сифатида талқин қилишга урини
бошқа ишларда ҳам кузатилади. Тилшунос олим Н.Турни
зов ўзининг «Матн лингвистикаси» деб номланган маъру
залар матнида бу ҳақда батафсил тўхталган: “...Матн би
сўздан, сўз бирикмасидан ва бир гапдан иборат бўлиш
мумкин. Бундай матнларнинг биринчиси бир компонентли
бўлади. Бунга махсус қўлланишли сўзлар мисол бўла олади
“*Соҳил*”, “*Ўқитувчи*”, “*Она*” - санъат асарларининг номла
ри. “*Тошкент*”, “*Ўзбекистон*”, “*Лондон*” - хариталарнинг
номлари ва ҳ.к. Сўз бирикмаси орқали ифодаланган мат
ҳам кўпроқ бирор санъат асарининг номи сифатида воқе
нади: “*Бизнинг қишлоқ*”, “*Механизатор қиз*”. Айни пайт
матн икки компонентли саналади ва бу орқали бир сўз
матндан фарқланади. Бироқ сўз бирикмаси билан ифода
ланган матн фақат икки компонентли эмас, балки кўп ко
мпонентли бўлиши ҳам мумкин. “*Чимён тоғи бағрида*” (санъ

¹⁷⁴ Ҳакимов М.Х. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. 24
бет.

асари номи).¹⁷⁵ Буларни матн деб аташ қай даражада ўзини оқлайди? Улар шунчаки бир асарнинг номи холос, матн ўз номи билан гапдан йирик бўлган ҳодиса. Бу, аслида, матннинг маълум бир тугал фикрни ифодалаши ҳақидаги рус тилшунослигида анчадан бери айтиб келинаётган тасаввур билан боғлиқ. Ҳақиқатан ҳам, матннинг ҳар қандай тури тугал фикр ифодасини бериши шарт ва бу унинг энг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Лекин бу хусусият гапнинг ҳам характерли белгиларидан саналади. Боғланишли матнларда эса гап орқали англашиладиган тугаллик нисбий бўлади, шунинг учун ҳам матнга эҳтиёж сезилади.

Таъкидлаш жоизки, матнни бир сўздан ёки сўз бирикмасидан иборат бўлади деб ўйлаш назарий жиҳатдан ҳам тўғри эмас, чунки мазкур ҳолатлардаги сўз ёки сўз бирикмасининг мақоми гапдир. Яъни, атов гапдир. Аммо атов гап ҳеч вақт ўзидан кейинги гап//матнсиз маънога эга эмас. Айтайлик, *Баҳор* атов гапи ундан кейин келадиган асосий гап, масалан, *Ҳамма ёқда гуллар очилган* тарзидаги гапсиз маънога эга бўлмайди. Зотан, атов гап онтологик жиҳатдан, яъни моҳиятан муайян гапдаги тема (гапнинг актуал бўлаканиши бирлиги)ни актуаллаштириш, таъкидлашга ингилишнинг маҳсули сифатида мавжуддир. Ҳар қандай атов гап асосий гап (ундан кейин келадиган)нинг таъкидланган темасидир, яъни бу теманинг ифодаси айтиш таъкид мақсади билан асосий гапнинг олдида чиқарилган. Шунинг учун ҳам у ҳаммиша асосий гапдаги у ёки бу бўлак билан узвий семантик боғлиқдир. Қиёсданг: *Баҳор. (Бу пайтда) ҳамма ёқда гуллар очилган; Баҳор. Бу фасл нақадар гўзал; Баҳор. Бизни севинтирган палла* каби. Ана шунга кўра бемалол айтиш мумкинки, атов гаплар ҳеч қачон автосемантик, яъни мазмунан мустақил бўла олмайди. Демак, атов гапни коммуникациянинг энг йирик ва мустақил бирлиги бўлмиш матн деб талқин қилиш, бизнингча, назарий жиҳатдан янглишдир. Бинобарин, атов гап минимал матн тушунчасидан ташқаридадир.

Матн лингвистикасига оид ишларда “микроматн” ва “макронатн” терминлари қўлланади. Суперсинтактик бирликка нисбатан микроматн, яхлит матн – муайян бир асарга нисбатан эса макроматн ишлатилади. Бошқача қилиб айт-

¹⁷⁵ Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд. 2004, 21-бет.

ганда, макроматн бутун нутқий асар, унинг энг кичик қисми эса микроматндир. Аммо шунга қарамасдан, айрим тадқиқотчилар бу терминларни “миниматн” ва “максиматн” терминлари ўрнида, ҳатто бир қадар чалкашроқдай ишлатадилар. Масалан, бир диссертацияда шундай деб таъкидланади: “Хуллас, матн атамаси учун “икки ёки ундан ортиқ тил (нутқ) бирликларининг синтагматик бутунлиги” каби умумий асос меъёрни (маънони) қабул қиладиган бўлсак, сўз бирикмаси ва гап учун “микроматн” ва гапдан катта нутқий бирликлар бутунлиги учун “макроматн” атамаларини қўллаш ўринлидек кўринади.”¹⁷⁶ Бу фикр бир қадар эҳтиёткорлик билан юмшоқроқ айтилганлиги кўриниб турибди, аммо бундай қараш, айниқса, сўз бирикмаси ва гапни микроматн деб аташ умуман матн тушунчасининг моҳиятига зиддир. Сўз бирикмасининг ҳеч қачон коммуникатив бирлик бўлолмаслиги, демакки, уни моҳиятан йирик коммуникатив бирлик ҳисобланувчи матнга тенглаштириш мумкин эмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Айни пайтда тадқиқотчи иш давомида “катта матн” терминидан фойдаланади, аммо унинг бундай матннинг шаклланиши билан боғлиқ фаразлари ишончли эмас. У ёзади: “Кўп вақт давомийлигини билдирувчи лексемаларнинг матн шакллантириш имкониятлари катта бўлади, яъни улар кўп вақтда содир бўлувчи воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи кўпроқ гапларни бириктира олади ва аксинча. Вақт ўлчов бирликларидан энг катта матн шакллантириш имкониятига вақт миқдори катта бўлган *аср*, *йил* сўзларини келтириш мумкин. *Аср* лексемаси асосида трилогия; *йил* лексемаси семантикаси кўламида роман; *ой*, *йил*, *фасл*, *ҳафта* лексемалари асосида қисса; *ҳафта*, *сутка*, *кун*, *тун*, *соат* лексемалари мазмуни асосида ҳикоя яратиш мумкин. Энг кичик вақт ҳажмига эга *он*, *лаҳза* лексемалари эса икки ёки уч гап воқелигини боғлай олиши мумкин, холос.”¹⁷⁷ Бу фикрга қўшилиш мумкин эмас. Жаҳон адабиётидаги баъзи асарларни эсга олишнинг ўзи кифоя. Масалан, америка ёзувчиси Жон Риднинг

¹⁷⁶ Ҳақимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. — Фарғона, 2004. 12-бет.

¹⁷⁷ Ҳақимова М.К. Кўрсатилган автореферат. 15-16-бетлар.

“Дунёни титратган ўн кун” романида (1919 йил) Русиядаги давлат тўнтариши воқеаларининг ўн куни тасвирланган, француз ёзувчиси Жорж Сименоннинг “Бир қашшоқ ҳаётининг тўрт куни” романи (1949 йил) тўрт кун воқеаларини ўз ичига олади, рус ёзувчиси А. Солженициннинг “Иван Денисовичнинг бир куни” қиссасида қамоқда ўтирган кишининг бир куни тафсилотлари қаламга олинган. Атоқли ўзбек шоирлари А. Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри, Э. Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси ҳажман унчалик катта эмас, трилогия ҳам, роман ҳам, дoston ҳам эмас. Аммо ўзбекнинг неча асрлик тарихи ва бугунини бетақдор бадиият билан акс эттирган. Демак, матн ҳажмини муайян сўзлар семантикаси билан тамоман боғлаб қўйиш илмий жиҳатдан асло асосга эга бўлмайди.

Қисқаси, ҳажмига кўра матн типларини миниматн ва максиматн тарзида иккига ажратиш мақсадга мувофиқ. Макроматн ва микроатн тушунчалари эса матн типлари сифатида қаралмаслиги мақсадга мувофиқ, чунки улар бутун — қисм муносабатидадир. Масалан, А. Қаҳҳорнинг “Бемор” ҳикояси макроматн, ундаги суперсинтактик бирликлар эса микроатндир. Аммо уни максимал матн дейиш қийин, чунки бу ҳикоя ҳажман жуда кичик. Ёзувчининг “Қўшчинор чиролари” романини максимал матн дейиш мумкин.

Мазкур тушунчалар (миниматн, максиматн, микроатн, макроматн) тегишли тўрт термин воситасида ана шундай фарқлаб ифодаланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай қилиш, аввало, тушунчаларни қориштиришдан асрайди, қолаверса, бир тушунча учун икки терминни қўллаш ҳолатидан қутқаради. Матнларни типлаштиришда уларнинг лисоний структураси ҳам назарда тутилиши керак. Айниқса, уларнинг тузилишида қолиплашув, трафаретлашувнинг, яъни мунтазам лексик-синтактик тузилмаларнинг бор-йўқлиги ҳам матнларни типологик жиҳатдан кескин фарқловчи белгилардан биридир. Масалан, маълумотномани олиб кўрайлик. Унда муайян синтактик конструкциялар мунтазам равишда қолиплашган ҳолда қўлланади. Мисол:

Маълумотнома Аҳмад Раҳматович Олимов 2000 йилдан буён Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлайди. Маълумотнома Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига кўрсатиш учун берилди.

(Тегишли раҳбарлар фамилияси ва уларнинг имзоси)

Кўриниб турганидай, ҳар икки жумладаги синтактик структура қолиплашган, яъни шу тип маълумотномаларнинг деярли барчасида бир хил сақланаверади. Фақат ундаги шахс, лавозим, жой ва ҳ.к.ни билдирувчи лексик бирликлар ўзгариши мумкин. Ахборотни беришдаги тартиблашувга мувофиқ лисоний ифода ҳам турғунлашган. Аммо мақола ёки ҳикояда бундай структурал қолиплашув кузатилмайди, агар бундай қолиплашув учраса, мазкур асарлар ўз моҳиятини тамоман йўқотади. Уларда ахборотни бериш қатъий тартибга моҳиятан бўйсундирилмаган, шунинг учун лисоний ифода танлаш ихтиёрий, эркиндир. Кўринадики, бу белги, яъни матн структурасининг қолиплашганлиги ёки қолиплашмаганлиги матнларни типлаштириш учун яна бир асос бўла олади. Шунга кўра, типологик жиҳатдан 1) турғун структурали матнлар (маълумотнома, далолатнома, аннотация, патент кабилар) ва 2) эркин структурали матнлар (мақола, ҳикоя, шеър, роман кабилар)ни фарқлаш мумкин.¹⁷⁸

Матнлар мазмуни ва ифода мақсадига кўра ҳам муайян ўзига хос фарқли типларга бирлашади. Бунда берилмоқчи бўлган ахборотнинг характери ва уни ифодалашдан кўзланган мақсад асосий ўлчов вазифасини бажаради. Бу нуқтаи назардан матнларни нутқий-мулоқотнинг асосий шаклларига уйғун равишда 1) ҳикоя, 2) тасвирий ва 3) муҳокама матнларига ажратиш тилшуносликда анъанага кирган.¹⁷⁹ Матн тузувчининг муайян воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиш, уни тасвирлаш ёки у ҳақда муҳокама юритиш мақсадлари билан мазкур матн типлари шаклланади. Ҳикоя типидagi матнлар кўпроқ сўзлашув ва бадий услубларда, тасвирий типдаги матнлар ҳар қандай услубда, муҳокама типидagi матнлар эса кўпроқ илмий услубда кузатилади. Ҳикоя матн типини учун бир мисол:

¹⁷⁸ Рус тилидаги баъзи ишларда “турғун структурали матнлар” “тексты жесткого типа”, “эркин структурали матнлар” эса “тексты нежесткого типа” деб номланади. Қар.: Разинкина Н.М. Функциональная стилистика. — М.: Высшая школа, 1989. С. 125.

¹⁷⁹ Масалан, қар.: О.И.Москальская. Кўрсатилган асар, 58-60-бетлар; Баранов М.Т., Костяева Т.А., Прудникова А.В. Кўрсатилган асар, 263-265-бетлар.

Ҳикматилло бошини буқадай эгиб, ўзини унга отди. Ҳикматиллоям бўш келадигандан эмас, қишлоқда ўз тенгқуралри билан куч синашиб даврага тушиб юрган йигитлардан эди, лекин Бегимқул ҳам самбочиларга хос услуб билан бир силтаида бошидан ошириб каравотга босди-да, худди ҳазиллашаётгандай кулиб туриб, ўйнаб туриб пийпалай кетди... У кулган сайин ғазаби ортган Ҳикматилло пойлаб туриб унинг япалоғроқ катта бурнига бир мушт туширди. Бегимқул “хап сеними” деб, бурнини босганича қолди. Ҳикматилло эшикни бир тепиб, ташқарига чиқиб кетди... (О. Ёқубов, “Биллур қандиллар” қиссаси).

Қуйидаги парча тасвирий матн типи учун мисол бўла олади:

Темурбек қадди-қомати расо, баланд бўйли, кенг пешонали, қошлари қуюқ, кўзлари катта-катта бир йигит эди. Кўз қараши майин, мулойим бўлиб, кучли ўктам овоз билан гапирар, шошилмас, овозида кишини ўзига тортувчи қандайдир жозоба, сеҳр яширинганди. Қуръон туширганда, овози номдор қориларники сингари ширали ва ёқимли эшитиларди. Сеистонда захмдор бўлган ўнг қўли битиб кетган, аммо вақти-вақти билан, айниқса, ёмғирли кунларда оғриб қўяр, азоб берар эди. Ўнг оёғи эса букимлайдиган бўлиб қолган, юрганда оқсоқланганини билдирмаслик учун шошилмай битта-битта қадам ташлаб юрарди.

Шунда унинг оқсоқлангани бироз сезилиб қоларди, холос. Темурбек кўпроқ отда юришни ёқтирарди, ўлтирганда, табиийки, парқув ёстиқларга суяниб ёнбошлаб оларди. У, одатда супада ёки сўрида бўлсин, энг юқорида ўлтирар, қолганлар ҳилол шаклида қуйироқда жойлашар эдилар (М.Али, “Улуғ салтанат” романи).

Илмий-оммабоп нутқ услубига хос қуйидаги парча эса муҳокама матни типи тарзида намоён бўлган:

Баъзан “миришкор” сўзини “миришкор” тарзида ўринсиз ишлатадилар. Ҳолбуки, бунинг тўғри шакли “миришкор” бўлиб, “мир” ва “шикор” сўзларидан ясалгандир. “Шикор” ов дегани, “мир” эса “мироб”, “миршаб” сўзларидаги “мир” бўлиб, “амир” каби бошлиқ маъносини билдиради. Аслида “мир” “амир” сўзининг қисқарган шакли. “Амир”нинг луғавий маъноси “буйруғувчи”дир. “Миршаб” деб тунги қоровулларнинг, “мироб” деб сувчиларнинг, “миришкор” деб овчиларнинг бошлиғига айтилади. “Миришкор” сўзини деҳқонларга нисбатан “миришкор

деҳқон” деб ишлатиш тўғри эмас. Баъзи кишиларнинг нутқида “миришкор деҳқон” деган иборанинг пайдо бўлишига “миришкор” сўзининг иккинчи қисмини нотўғри тушуниш сабаб бўлган (А. Рустамов, “Сўз хусусида сўз” китоби).

Айтиш лозимки, бадиий адабиётда матннинг бу ҳар уч мазмуний типи аралаш ҳолда учраши мумкинки, бу бадиий услубнинг бошқа услублардан мутлақо фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

Матн типларини белгилашдаги яна бир омил - асос нутқнинг функционал услубларидир. Бу ўринда матн лингвистикасининг асосчиларидан бири немис тилшуноси Р.Харвегнинг “Услуб – бу матнларни тузиш усулидир”¹⁸⁰ деган гапини эсга олиш мумкин. Айни пайтда И.Р.Гальперин ҳам стилистик воситалар билан бир қаторда матнларнинг типологик тавсифи лингвостилистиканинг предмети бўлиши зарур эканлигини таъкидлайди.¹⁸¹ Бунда у, албатта, ҳар қандай матннинг у ёки бу функционал услубга хос бўлишини назарда тутган. Табиийки, услуб матннинг яшаш тарзи, мавжудлик шаклидир. Ҳар бир услуб ўзига хос система бўлиб, тегишли лисоний бирликлар ва грамматик шакллар, барқарорлашган меъёрлар жами сифатида яхлитликни ташкил этади. Матнни ҳам ана шундай услубий яхлитликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, ўзбек тилидаги мавжуд услубларга мувофиқ ҳолда матнларнинг типологик таснифини амалга ошириш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида функционал услублар масаласи анча жиддий тадқиқ этилган. Бу услубларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларини ўрганишда проф. Р.Қўнғуров ва унинг шогирдлари, шунингдек, проф. М.Мукаррамов ва бошқалар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг тилшунослигимиздаги салмоқли ўрнини эътироф этмаслик мумкин эмас. Бугун ўзбек тилшунослигида сўзлашув услуби, расмий-ҳужжат услуби, илмий услуб, публицистик услуб ва бадиий услубдан иборат бешта фу-

¹⁸⁰ Харвег Р. Стилистика и грамматика текста // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 8. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1980. С. 213.

¹⁸¹ Гальперин И.Р. Проблемы лингвостилистики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.8. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1980. С.5.

нкционал услубнинг мавжудлиги қайд этилади.¹⁸² Ана шунга кўра матнларни қуйидагича типологик тасниф қилиш мақсадга мувофиқ: 1) спонтан-сўзлашув матни (олдиндан тайёргарликсиз амалга оширилган оғзаки суҳбат), 2) расмий-ҳужжат матни (қонун, фармон, қарор, буйруқ, маълумотнома, таржимаи ҳол каби), 3) илмий матн (монография, диссертация, илмий мақола, дарслик, ўқув қўлланмаси, тезис, маъруза, каби), 4) публицистик матн (ижтимоий-сиёсий мавзудаги мақолалар, очерк, газета материаллари каби), 5) бадиий матн (роман, ҳикоя, шеър, достон, пьеса каби).

Аслида, бадиий услуб, демакки, бадиий матн бошқа барча услуб — матн типларидан кескин фарқ қилади. Чунки бадиий услубда кўрсатиб ўтилган ҳамма услубларнинг унсурлари ёзувчи ниятига уйғун равишда иштирок этаверади. Бошқача айтганда, бадиий матн шундай ўзига хос бир системадирки, у бошқа матн типларидаги сифат ва хоссаларни ҳам ўзида жамлаши мумкин. Бадиий матн таркибида спонтан-сўзлашув матнининг ҳам, илмий матннинг ҳам, расмий матннинг ҳам муайян кўринишлари жой ола билади. Яна ҳам тўғрироғи, бадиий матн адабий ва умумхалқ миллий тилида мавжуд бўлган аниқ ва гўзал ифода имкониятларининг барчасини максимал даражада ишга солиш учун қодир ўзига хос майдондир. Бу мулоҳазалардан мурод матнлар типологиясида бу жиҳатни ҳам инобатта олиш фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлашдир.

Матннинг мақсад-моҳиятида тилнинг икки муҳим вазифасидан қайси бирининг — коммуникатив вазифанингми ёки эстетик вазифанингми — етакчилик қилишига асосланган ҳолда матнларнинг икки оппозитив типини фарқлаш зарур, яъни 1) бадиий матн ва 2) нобадиий матн. Асосий мақсад-моҳиятида коммуникатив вазифа етакчилик қилган матнни **нобадиий матн** деб, асосий мақсад-моҳиятида эстетик вазифа етакчилик қилган матнни эса **бадиий матн** дейиш маъқул.

¹⁸² Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. —Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 13-бет; Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. — Тошкент: Фан, 1984. 15-бет; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. —Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 77-97-бетлар.

БАДИЙ МАТН ВА УНГА ЛИНГВОПОЭТИК ЁНДАШУВ

Бадиий матн ва тилнинг эстетик вазифаси

Матннинг тузилиши ва шаклланишида матн тузувчининг мақсади фавқулодда ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Ана шу ниятига боғлиқ ҳолда матн тузувчи тегишли тил воситалари ва лисоний қолипларни, тегишли матн типини танлайди. Аввалро, айтиш керакки, бадиий ёки нобадиий матн типини танлаш матн тузувчининг асосий мақсади асосида рўй беради.

Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, фўнкционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллифнинг бадиий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган гоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадиий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантиқ, соддалик, тушунарлилик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади. Оҳангдор, жозибадор бирликлар кўп қўлланади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир гармония сезилиб туради. Инсонни руҳан тўлқинлантириш, йиғлатиш, кулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўмдириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган бўлади.

Бадиий матнда муаллифнинг ўқувчи ёки китобхонга эстетик таъсир қилиш мақсади биринчи планда турса, нобадиий матнда муаллифнинг асосий мақсади ўқувчи ёки китобхонга коммуникатив таъсир қилишдан иборат бўлади. Бошқача қилиб айтганда, нобадиий матнда муайян ахборотнинг мазмуни ва унинг ифодаси бирламчи бўлса,

бадий матнда бундай ахборот бирламчи эмас, балки шу ахборот воситасида айтилмоқчи бўлган¹⁸³ фикр — гоёнинг эстетик таъсирли ифодаси мутлақо ҳал қилувчидир.

Бадий ва нобадий матн типлари бир-биридан, энг аввало, уларда тилнинг эстетик вазифасининг салмоғига кўра фарқланади.

Бу ўринда, аввало, тилнинг вазифалари ҳақида тўхталмоқ жоиз. Зотан, вазифасиз тил йўқ, материя ҳаракатсиз мавжуд бўла олмаганидек, тил ҳам вазифадан ташқарида яшай олмайди, демакки, вазифа тилнинг мавжудлик омилдир¹⁸⁴. Бу тилшуносликда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Аммо тил вазифаларининг миқдори ҳақида тилшуносликда ягона фикр шаклланиб бўлгани йўқ. Аксарият тилшунослар тилнинг полифункционаллигини этгироф этсалар-да, айрим олимлар тилнинг монофункционаллиги ҳақида гапирадилар. Масалан, рус тилшуноси Р.В. Пазухин тилда фақатгина коммуникатив вазифанинг мавжудлигини иддао қилади.¹⁸⁵ Аммо бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди.

Ўз илмий ижодининг асосий қисмини бадий асар тилини ўрганишга бағишлаган Г.О. Винокур тилшуносликда анча эскидан тилнинг коммуникатив ва экспрессив вазифалари фарқлана бошлаганини таъкидлар экан, фикрининг далили сифатида олмон тилшуноси Г. фон дер Габеленцнинг 1891 йилда нашр этилган китобидаги куйидаги қарашини келтиради: «Тил фикрнинг бўлакларга бўлинган ҳолдаги ифодаси, фикр эса тушунчаларнинг боғланишидир.

Лекин инсон тили фақат боғланаётган тушунчалар ва уларнинг мантиқий муносабатларинигина эмас, балки сўзловчининг ўз фикрига муносабатини ҳам ифодалашни истайди; мен фақат ниманидир айтишнигина эмас, балки ўзимни ҳам ифодалашни хоҳлайман ва шу тарзда мантиқий омилга уни ҳар жиҳатдан тўйинтирган ҳолда психологик

¹⁸³ Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка. —Л., 1975. С. 34.

¹⁸⁴ Бу ҳақда қар.: Фирсова Н.М. Введение в грамматическую стилистику современного испанского языка. —М.: Высшая школа, 1981. С. 8-9.

омил кўшилади».¹⁸⁵ Тилшуносликка оид замонавий адабиётларда тилнинг, асосан, тўрт-беш вазифаси қайд этилади. Масалан, В.А.Аврорин тилнинг коммуникатив (алоқа қуроли, воситаси), экспрессив (фикрларни ифодалаш), конструктив (фикрларни шакллантириш), аккумулятив (ижтимоий тажриба ва билимларни тўплаш, сақлаш) вазифаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлайди.¹⁸⁶

Бадиий асар тили тадқиқига бағишланган ишларда тилнинг айти «экспрессив вазифаси» термини билан бир қаторда «тилнинг поэтик вазифаси», «тилнинг бадиий вазифаси», «тилнинг стилистик вазифаси», «тилнинг риторик вазифаси», «тилнинг эстетик вазифаси» каби атамалар ҳам қўлланади. Тилнинг «поэтик вазифа»си тушунчаси ва термини дастлаб машҳур рус-америка филологи Р. Якобсоннинг «Лингвистика ва поэтика» асарида ишлатилган ва у бадиий адабиётда нимани ифодалаш эмас, балки қандай ифодалаш муҳим деган тезисдан келиб чиқилган ҳолда таърифланган («Бадиий адабиёт поэтик вазифадаги тилдир»)¹⁸⁷ Ўтган аср бошларида яшаган атоқли рус филологи Г.О.Винокур «поэтик вазифа» термини билан бир қаторда тилнинг «бадиий вазифа»си терминини ҳам қўллаган («Поэтик тил» ифодаси айти пайтда бадиий вазифадаги тилни, масалан, фан, мантикий фикр материали сифатидаги тилдан фарқли ўлароқ санъат материали бўлган тилни ҳам англатиши мумкин»)¹⁸⁸

Р.Якобсоннинг тилнинг поэтик вазифаси ҳақидаги қарашларини француз тилшунослари ҳам давом эттирганлар, аммо айримлари, масалан, М.Риффатер мазкур термин ўрнида «стилистик вазифа» терминини қўллашни маъқул кўради.¹⁸⁹ Бир гуруҳ француз тилшунослари («μ (юнонча

¹⁸⁵ Винокур Г.О. О языке художественной литературы. —М.: Высшая школа, 1991. С.44.

¹⁸⁶ Аврорин В.А. Кўрсатилган асар. 44-бет.

¹⁸⁷ Бу ҳақда қар.: Будагов Р.А. Портреты языковедов XIX — XX вв. Из истории лингвистических учений. —М.: Наука, 1988. С. 280.

¹⁸⁸ Винокур Г.О. О языке художественной литературы. —М.: Высшая школа, 1991. С. 51.

¹⁸⁹ Қар.: Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. —М.: Высшая школа, 1980. С. 185-186.

метафора сўзидан) гуруҳи” томонидан яратилган “Умумий риторика” асарида ҳам Ғ.Якобсоннинг “поэтик вазифа” термини ўрнида психологиядаги тилнинг “ўйин вазифаси” терминини ҳам қўллаш мумкинлиги, аммо энг мақбули “риторик вазифа” термини эканлиги айтилган.¹⁹⁰

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, «тилнинг эстетик вазифаси» атамаси филологик адабиётларда нисбатан кўп ишлатилади. Бундай бўлиши ҳам табиий, чунки эстетик вазифа тушунчаси экспрессивлик, бадийлик, поэтиклик каби бир қатор тушунчаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларни умумлаштира олади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунчаларга қараганда эстетик вазифа тушунчасининг қамрови анча кенг.

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дунё тилшунослиги тарихида айрим олимлар тилнинг эстетик вазифасини керагидан ортиқ абсолютлаштириб талқин этган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, итальян файласуфи ва сиёсат арбоби Бенедетто Кроче 1902 йилда нашр эттирган, 1920 йилда рус тилида босилиб чиққан «Эстетика как наука о выражении и как общая лингвистика» номли китобида тилшуносликни эстетика билан айнан тенглаштирган. Б. Кроче ғояларини давом эттирган немис филологи Карл Фосслер эса сўз ва гапнинг эстетик бўёғи бетақдорлигига ва айни шу бўёқнинг тилда етакчи вазифани бажаришига ишонган.¹⁹¹ Албатта, тил вазифалари орасида эстетик вазифани асосий, етакчи вазифа деб қараш, яъни тилни тамомила эстетик моҳият сифатида талқин этиш тўғри эмас. Аммо бу олимларни ана шундай мутлақ фикрга олиб келган нарса тилдаги эстетик вазифа ҳам ўзини ҳар қадамда, айниқса, бадий матнда намоён этиб туриши билан боғлиқ эканлигидир. Мазкур тилшуносларнинг қарашларида субъективлик қанчалик устун бўлмасин, улар турли халқларга тегишли турли жанрлардаги бадий матнлардаги тилнинг эстетик вазифаси бўйича

¹⁹⁰ Дюбуа Ж., Эделин Ф., Клиненберг Ж.М. и др. Общая риторика. —М.: Прогресс, 1986. С. 45.

¹⁹¹ Бу ҳақда қар.: Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. Тошкент: Фан, 1981.

нозик ва сермулоҳаза таҳлил намуналарини ярата билганлар.¹⁹²

Швейцар тилшуноси Ш.Балли ўзининг “Француз стилистикаси” китобида тилнинг аффектив ва эстетик вазифаларини қатъий равишда фарқлаш лозимлигини таъкидлаб, фақат аффектив вазифани ўрганиш тилшунос ва тилшунослик ваколатига киришини, тилнинг эстетик вазифаси эса эстетика ва бадиий адабиёт соҳаларининг ўрганиш объекти эканлигини принципиал равишда айтади. Рус филолог Р.А.Будагов Ш.Баллининг бу қатъий фикри унчалик тўғри эмаслигини, “сўз, сўз бирикмаси ёки гапдаги экспрессив шуурий ёки гайришуурий тарзда эстетик вазифа олиши”ни, демак, аффектив вазифа ҳам эстетик вазифанинг ичида бўлишини асосли равишда кўрсатиб берган.¹⁹³

Прага лингвистик тўгараги аъзолари томонидан тилни вазифаларига кўра фарқлаш концепцияси ишлаб чиқилган. «Прага лингвистик тўгараги тезислари»да биринчи марта тил вазифалари билан уларнинг реаллашиш шакллари ўртасидаги алоқа ҳақидаги қоидалар аниқ таърифлаб берилган. «Тезислар» муаллифлари мана бундай деб ёзганлар: «Тилни ўрганиш ҳар бир хусусий ҳолатда тилнинг вазифалари ва бу вазифаларнинг реаллашиш шаклларининг хилма-хиллигини қатъий тарзда ҳисобга олишни тақозо этади. Акс ҳолда ҳар қандай тилнинг, хоҳ синхрон, хоҳ диахрон бўлсин, тавсифи муқаррар равишда янглиш ва маълум даражада сохта бўлиб қолаверади». Бу фикр шу жойда яна қуйидагича давом эттирилган: «Нутқий фаолият ижтимоий роль бажарар экан, у гайрилисоний борлиқ билан алоқасига кўра фарқланади. Бунда нутқий фаолият ё алоқа-аралашув вазифасига эга бўлади, яъни ифодаланмишга йўналтирилган бўлади, ёки поэтик вазифага эга бўлади, яъни белгининг ўзига йўналтирилган бўлади»¹⁹⁴.

Табиийки, тил ўзининг ҳар бир вазифасини ўзига хос шаклларда ифода этади, шунинг учун ҳам «Тезислар» му-

¹⁹² Бу ҳақда қар.: Будагов Р.А. Писатели о языке и язык писателей. —М.: МГУ, 1984. С. 253-254; Ахунзянов Э.М. Общее языкознание. —Казань: КУ, 1981. С. 40-44.

¹⁹³ Будагов Р.А. Кўрсатилган асар, 255-бет.

¹⁹⁴ Пражский лингвистический кружок. — М., 1967. С. 24, 25.

аллифлари таъкидлаганларидек, тил тавсифида ана шу реаллашиш, ифодаланиш шакллари ҳисобга олиш шарт. Аммо тилнинг у ёки бу вазифаси бир-биридан мутлақо ажратилган, тамомила мустақил ҳолда реаллашади дейиш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. Зотан, коммуникатив (алоқаралашув) вазифа тилнинг вазифалари орасида энг марказий, етакчи вазифа эканлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Бу ўринда Н.Маҳмудовнинг тил бажарадиган вазифалар ҳақидаги қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодаларга етказиш, миллий-руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бениҳоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас... Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалбдаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соф коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди... Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади.”¹⁹⁵

Тилнинг бу икки муҳим вазифаси, айтиш жоизки, ана шундай бир-бири билан боғлиқ ва айна пайтда бир-биридан фарқ қиладиган вазифалардир.

Машҳур америка ёзувчиси Марк Твеннинг “Миссисипида кечган эски чоғлар” номли мемуар асарида (1875 йил) тилнинг бу икки вазифасига қиёс қилса бўладиган нозик бир тасвир бор. Муаллиф ўз бошидан кечирган лоцманлик

¹⁹⁵ Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. 2006, N2(11). 47, 48,51-бетлар.

(кемани бошқарувчи)ни ўрганиш машаққатларини шундай баён қилади: “Вақтлар ўтиши билан сув юзи ғаройиб китобга айланди; бу китоб кемадаги денгизчиликдан бе-хабар йўловчи учун ўлик тилда ёзилганди, аммо у мен билан ҳеч нарсани яширмасдан, ўзининг энг махфий сирларини ҳам баралла ошкор этиб, тирик овоз билан гапиргандай очиқ-ойдин сўзлашарди. Бир марта ўқиб чиқиб, ташлаб қўядиган эмасди бу китоб, йўқ, унда ҳар куни нимадир янги бир нарса топиларди... Уни ўқий олмайдиган йўловчи сув юзининг бошқача, энгил жимирлашига мафтун бўлиши мумкин эди; аммо лоцман учун бу курсив билан ёзилган сатрлар эди; шугина эмас, бу йирик ҳарфлар билан ёзилган ва бир қатор ҳайқирган ундов белгилари қўйилган устёзув эди, чунки ўша энгил жимирлаш шу ерда сув остида чўкиб кетган кема ёки сув ости қояси борлиги ва улар дунёдаги энг мустаҳкам кемани ҳам ҳалок қилиши мумкинлигининг белгиси эди. Сувда бундай жимирлаш шунчаки ялт этади, лекин лоцман кўзида у энг таҳликали аломатдир. Ҳақиқатан, бу китобни ўқий олмайдиган йўловчи айна жимирлашда қуёш ва булутлар саъй-ҳаракати ила чизилган гўзал суратлардан бошқа нарсани кўрмайди, лекин тажрибали лоцман кўзида бу илло безак-суратлар эмас, балки тенгсиз даражадаги жиддий ва таҳликали матндир.”¹⁹⁶ (Русчадан биз таржима қилдик. - М.Й.). Лоцманнинг сув юзининг жимирлашидан оладиган ахборотини тилнинг коммуникатив вазифаси (бу вазифанинг намоён бўлиши)га, йўловчи (сайёҳ)нинг айна шу сув юзининг жимирлашидан оладиган завқи, мафтунлик туйғуларини эса тилнинг эстетик вазифаси (бу вазифанинг намоён бўлиши)га ўхшатиш мумкин. Айрим тадқиқотчилар лоцман ва йўловчини оддий сўзловчи ва адибга ҳам қиёслайдилар.¹⁹⁷

Тилнинг эстетик вазифаси, умуман айтганда, тингловчида ҳис-туйғуларни қўзғатишга хизмат қиладиган вазифадир. Рус тилшуноси Ю.В.Рожественский риторик, поэтик ва логик фикр-нутқ шаклларини фарқлаб кўрсатаркан, ритори-

¹⁹⁶ Твен М. Собрание сочинений. В 8 томах. Том 4. —М.: Правда, 1980. С. 35-36.

¹⁹⁷ Будагов Р.А. Кўрсатилган китоб, 264-265-бетлар.

рик ва поэтик фикр-нутқ шаклларининг ҳис-туйғу қўзғатиш хусусиятига эга эканлигини таъкидлайди.¹⁹⁸ Айни шу риторик ва поэтик фикр-нутқ шакллари тилнинг эстетик вазифасининг бевосита намоён бўлиш кўринишларидир.

Албатта, ҳар қандай бадиий асарда тилнинг коммуникатив вазифаси ҳам реаллашади, аммо эстетик вазифа биринчи планда туради, етакчилик қияди. Шунинг учун ҳам лингвистик адабиётларда бу ҳолатга мана бу тарзда алоҳида урғу берилади: «Бадиий матн ҳар қандай нобадиий матндан фарқли ўлароқ алоҳида вазифани — коммуникатив вазифа билан мураккаб ўзаро алоқадорликда намоён бўлувчи ва матннинг ўзига хос қурилишида ҳал қилувчи омил ҳисобланувчи эстетик вазифани бажаради»¹⁹⁹.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, тилнинг бу ўзига хос эстетик вазифаси намоён бўладиган соҳа фақат бадиий асар матnidир, ундан бошқа бирон бир нутқ кўринишида тил ўзининг бу вазифасини реаллаштира олмайди деб қараш ҳам асосли эмас. Бу маънода тилшунос Д. Н. Шмелевнинг мана бу фикрлари диққатга сазовор: «Тилнинг бу вазифаси (эстетик вазифаси) фақат бадиий асарлардагина намоён бўлмайди. Бизнинг диққатимиз жумланинг шаклига, фикр қай тарзда ифодаланганлигига қаратилган ҳар онда биз айнан шу вазифанинг ҳаракати доирасига кирамиз». Олимнинг алоҳида таъкидлашича, сўзловчи ўз нутқининг ташқи шаклига эътибор бера бошлаши, лисоний ифода имкониятларини баҳолашга ўтиши билан тилнинг эстетик вазифаси ўзининг бошланғич кўринишида намоён бўлади, яъни сўзловчи нимани ифодалашнигина эмас, балки айни шу «нима»ни қандай ифодалашни ҳам муҳим деб ҳисоблашидан бошлабоқ тилнинг бу вазифаси ишга тушади. Жонли сўзлашув, кундалик мулоқот жараёнидаги кўпдан-кўп ўткир ҳазиллар, латифаю кулгилар, чуқур маъноли сўз ўйинлари, кимларгадир тақлид қилишлар ва ҳоказо ҳолатларда ҳам тил белгисига, унинг бадиий ифода им-

¹⁹⁸ Рождественский Ю.В. Лекции по общему языкознанию. —М.: Высшая школа, 1990. С. 70-72.

¹⁹⁹ Гореликова М.И., Магомедова Д.М. Лингвистический анализ художественного текста. —М.: Русский язык, 1989. С. 5.

кониятларига ўз-ўзидан диққат қилинадик, бунда тилнинг эстетик вазифаси яққол намоён бўлади.

Бу муносабат билан Д. Н. Шмелев қуйидагиларни ёзди: «Тилнинг эстетик вазифаси, албатта, сўзлашув нутқида ҳам доимий равишда намоён бўлади. Лекин барибир бу вазифани сўзлашув нутқида етакчи деб бўлмайди, бадиий матнларда эса тил ҳамиша айна шу алоҳида вазифаси билан иштирок этади (бу вазифа, албатта, тилга, унинг барча кўри-нишларига ҳамиша хос бўлган коммуникатив вазифасини чекламайди, балки уни ўзига хос бир шаклда трансформация қилади)».²⁰⁰

Тилнинг эстетик вазифаси ҳақида гап кетганда, кўпроқ бадиий асарлар тилига эътибор қилиниши филологияда кенг тарқалган ҳолат. Бу табиий, албатта. Аммо тилнинг эстетик вазифаси фақат ва фақат бадиий адабиётдагина намоён бўлади деб қаралса, маълум маънода бу вазифанинг ҳаракат доираси чекланган бўлади. Ҳолбуки, айна вазифанинг ҳаракат кўлами жуда кенг. Тилдаги коммуникатив вазифа асосий, марказий, онтологик вазифа эканлиги шубҳасиз. Аммо ҳар қандай ривожланган адабий тилда кишилар ўртасидаги мулоқот амалга ошар экан, бу марказий вазифа мутлақо алоҳида, якка ҳолда иштирок этмайди, яъни мулоқот иштирокчилари томонидан ифоданинг қандайлиги — дуруст-нодурустлиги, чиройли-хунуклиги, таъсирли-таъсирсизлиги каби сифатлар тамоман эътибордан соқит қилинмайди, балки муайян даражада нутқий ифода сифатини таъминлашга саъй-ҳаракат кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, тилнинг эстетик вазифаси минимал даражада бўлса-да, бирон-бир тарзда иштирок этади. Р.Будагов “Тилнинг эстетик имкониятлари” номли мақоласида тилга нисбатан “эстетиклик”ни сўзловчи ёки ёзувчининг ўзининг қандай сўзлаши ва қандай ёзишига онгли муносабати тарзида тушуниш лозимлигини айтади ва қуйидагича таъкидлайди: “Албатта, бундай онгли муносабатнинг даражаси турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун ривожланган адабий тил ўзида потенциал равишда, таъбир жоиз бўлса, биринчи даражали эстетик вазифани мужассам этади, бадиий адабиёт (катта санъаткорлар-

²⁰⁰ Шмелев Д.Н. Русский язык в его функциональных разновидностях. — М.: Наука, 1977. С. 34, 35, 36.

нинг) тилида эса иккинчи, олий даражали эстетик вазифа намоён бўлади... Шунинг учун эстетикани фақат ёзувчилар тилидан излаш мумкин, адабий тилга эса эстетиканинг алоқаси йўқ қабилидаги кенг тарқалган қараш асоссиздир.”²⁰¹

Тилда умуман эстетик вазифа мавжуд, аммо унинг намоён бўлиш даражаси матн тузувчининг мақсади билан боғлиқ ҳолда фарқли бўлади. Масалан, илмий ва бадиий матндаги муаллифнинг мақсади бир-биридан тамоман фарқ қилади. Илмий матн муаллифининг асосий эътибори ахборот бериш, билдириш, тегишли қоидаларни ишлаб чиқиш ва умумлаштириш, илмий янгиликларни исботлаш, далиллаш, муайян қонуниятлардан тингловчи ёки ўқувчини хабардор қилишга қаратилган бўлса, бадиий матн ижодкорининг мақсади тингловчи ёки ўқувчининг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш, унинг руҳий оламини забт этишдан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам илмий матнда фикрнинг мантикий, аниқ ва икки хил талқинга йўл бермайдиган ифодаси тақозо этилса, бадиий матнда фикрнинг образли, кўп маъноли ифодаси биринчи планда туради.²⁰² Атоқли рус филологи В.В. Виноградов “Стилистика. Поэтик нутқ назарияси. Поэтика” китобида таъкидлаганидек, бу илмий ва бадиий тафаккурнинг ўзига хослиги билан алоқадордир, яъни илмий тафаккурда ижодий фантазия маҳсули сифатидаги фикрлар ҳаракати абстракт, умумий формулаларда ифода топган тушунчаларни юзага келтиради. Бадиий тафаккурда эса ижодий фантазия бадиий бутунлик яралиши жараёнининг қудратли ҳаракатлантирувчи кучига айланади, бу фантазия конкрет ва айни пайтда кўп маъноли образлар ва рамзларнинг туғилишига олиб келади. Илмий матн индивидуал экспрессиядан холиликка интилади, бадиий матн эса айни шу индивидуал экспрессия ва бошқа тасвир воситаларисиз мавжуд бўла олмайди.²⁰³

Аммо илмий матн эстетикликдан бутунлай маҳрум дейиш ҳам мумкин эмас, чунки ҳеч бир олим айтмоқчи бўлган

²¹⁰ Будагов Р.А. Кўрсатилган китоб. 259-бет.

²⁰² Яна қар.: Федоров А.И. Образня речь. –Новосибирск: Наука, 1985. С. 11.

²⁰³ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. – М.: Высшая школа, 1981. С. 120.

фикрининг қандай ифодаланишига мутлақо бефарқ қарамайди. Зотан, “илмий нутқ автори ўз ғоясини матн мазмунига сингдирар экан, албатта, уни қандай ифодалаш, нима дейиш кераклигини олдиндан ўйлайди, ўзича пиштади. Шу асосда унинг ўз ва ўзга фикри таъсири остида юзага келган эмоционал ҳолат ва субъектив муносабатининг вербал намоён бўлиши унинг нутқий стилини ифода этади”.²⁰⁴ Шунинг учун илмий матнни, умуман, нобадий матнни эстетик қимматга эга бўлмаган ҳодиса сифатида баҳолаш унчалик ҳам тўғри бўлмайди. “Аммо, - деб ёзади Н.М. Разинкина, - фандаги (илмий матнлардаги тил материалига нисбатан) ва санъатдаги (бадий наср ва назм) эстетиклик ўлчовларининг айнан бир хил эмаслигини ҳамиша назарда тутиш лозим. Илмий ижоддаги эстетика — бу тушунча ва абстракциялар эстетикаси, бу бевосита туйғуларга йўналтирилмаган “бош-ақл” эстетикасидир.”²⁰⁵ Бундай матнлардаги эстетиклик, юқорида ҳам таъкидланганидек, бадий матнлардаги олий даражадаги эстетикликдан фарқ қилади, шунинг учун ҳам уни оддий даражадаги умумий эстетиклик тарзида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Бадий матнда тилнинг айна шу эстетик вазифасининг салмоғи катта бўлади,²⁰⁶ у олий даражадаги эстетиклик сифатида биринчи планда туради, эстетик таъсир қуролига айланади. А.И.Горшков ўринли равишда таъкидлаганидек, эстетик вазифани тилнинг бошқа “амалий” вазифаларидан фарқлайдиган (аммо ажратиб қўймайдиган) нарса — бу нутқий ифода шаклининг у ёки бу мазмунни беришгагина эмас, балки шу ифоданинг ўзига, тилнинг ўзидаги гўзалликни сезиш, ундан ҳузурланишга имкон берувчи мукамалликка йўналтирилганлигидир. Агар тилнинг “амалий” вазифалари ахборотни аниқ, равшан ва тушунарли ифодалаш мақсади билан сўз устида ишлашни тақозо этса, тил-

²⁰⁴ Ҳакимов М. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. 121-бет.

²⁰⁵ Разинкина Н.М. Кўрсатилган асар. 35-бет.

²⁰⁶ Яна қар.: Кожин А.Н. Язык художественной литературы как эстетически стимулируемая форма существования литературного языка // Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. —М.: Наука, 1985. С.12.

нинг эстетик вазифаси бундан ташқари ўқувчи ва тингловчига ифоданинг ўзидаги гўзалликни очиб бериш мақсади билан сўз устида ишлашни талаб этади.²⁰⁷ Атоқли ўзбек тилшуноси А.Рустамий ибораси билан айтганда, “тилнинг ўзи гўзалликни вужудга келтиради” ва шоир ва ёзувчилар ана шу хусусиятдан фойдаланган ҳолда “ўқувчи ёки тинловчига роҳат бағишлайдилар”.²⁰⁸

Бадиий матн эстетик бутунлик сифатида қаралар экан, бу бутунликни фақат шаклдан иборатдир деб ўйлаш янглиш талқинларга олиб келиши мумкин. Бундай матнларда тилнинг эстетик вазифаси биринчи планда турса-да, ифодаланаётган фикр, яъни коммуникатив вазифа ҳам эътибордан бутунлай соқит қилинмайди. Таъбир жоиз бўлса, тилнинг эстетик вазифаси бадиий матнда коммуникатив вазифанинг устида “ўтиради”, шунинг учун эстетик вазифа яққол кўриниб туради, коммуникатив вазифа эса унинг остида кўзга ташланмасдан иштирок этади. Муайян фикрнинг илмий ва бадиий ифода топиши механизмлари ва бадиий матнда фикрнинг очиқ ва яширин усулларини тадқиқ этган турк филологи Жаъфар Ғарибёрнинг қуйидаги фикрлари бу ўринда диққатга моликдир: “...Муаммо фикрнинг эстетик жиҳат билан қай тарзда бир бутунлик ҳосил қилиши, тилга қандай кўчиши масаласидир. Санъат асари илмий асардан, адабиёт тадқиқотчисининг ёндашуви бошқа илмий ёндашувлардан ана шу нуқтада фарқ қилади. Адабиёт тадқиқотчиси бадиий асардаги фикрни ҳам эстетик узвнинг бир қисми сифатида баҳолашга мажбурдир.”²⁰⁹

Бадиий матндаги эстетик қимматни ундаги бирликларнинг синтагматик муносабати ёки яна ҳам кенгроқ қараладиган бўлса, бирликларнинг горизонтал кетма-кетлиги (тилшуносликда “линеар” — чизиқли муносабат ҳам дейилади) асосида баҳолаш мушкул. Нобадиий матнни эса ундаги бир-

²⁰⁷ Горшков А.И. Русская стилистика. — М.: Астрель — АСТ, 2001. С. 324.

²⁰⁸ Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. Тошкент: Маънавият, 2003. 17-бет.

²⁰⁹ Gariper C. Nazim Hikmet'in Örtülü İdeolojik Dili // Kültür Tarihimizde Gizli Diller ve Şifreler. İstanbul, 2008. S. 159.

ликларнинг айни синтагматик муносабати ёки горизонтал кетма-кетлигининг ўзидан келиб чиқиб, бемалол идрок этиш, тушуниш мумкин. Масалан А.Ориповнинг “Кўриқхона” шеърини олиб кўрайлик. Шеър шундай бошланади:

*Асраймиз ўсимлик хилларин тайин,
Асраймиз ҳайвонлар камёб зотини.
Ҳатто атрофларин ўраб атайин,
Кўриқхона деймиз сўнгра отини.*

Бандда кўриқхона сўзининг маъноси аниқ, бу маъно айни сўзнинг *асрамоқ, ўсимлик, ҳайвон, камёб, атрофини ўрамоқ* каби бирликлар билан муносабатида очиқ ифода-ланган. Кўриқхонанинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (II том. -М.: Русский язык, 1981)даги маъноси ҳам шундай тавсифланган: “Ноёб ҳайвонлар, ўсимлик ва дарахтларни сақлаш ва кўпайтириш учун ажратилган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган территория (бундай жойларда ов қилиш, дарахт кесиш ман қилинади)”. Аммо мазкур жами ўн банддан, яъни қирқ сатрдан иборат шеърдаги кўриқхона сўзининг эстетик қиммати, поэтик маъноси бу эмас, балки у “қалб кўриқхонаси” тарзидаги образли маънодир. Бу поэтик салмоқли маъно эса кўриқхона сўзининг кейинги бандлардаги *не-не туйғулар камёб; соф қалбни учратган сафар дарҳол ўраб олинг атрофин; эзгуликни асранг... тождор турна каби бўлмасин камёб; оқибатни асранг; ҳаёни асрангиз; имонни асрангиз; виждонни асрангиз* каби бирликлар ва сўнгги

*Тўқайга ўт кетса ёнғай бус-бутун,
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун
Ёвузликдан зада Кўриқхонадир*

тарзидаги банд билан горизонтал кетма-кетликдаги муносабатига кўра эмас, балки кўндаланг (тилшуносликда “спациал” — маконий муносабат ҳам дейилади) муносабати, бир текисликдаги эмас, бир макондаги муносабатига кўра англашилади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур шеър шаклан ва мазмунан яхлит бир макон, шеър ўқиладиганда ўрни би-

лан олдинги қисмларга қайтиб, тегишли сўзлар бир-бири билан алоқалантирилади, яхлитлик бузилмайди. Шундай бир қиёс қилайлик. Бирор киши янги бир алифбони, айтайлик, лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини энди ўрганган бўлса, бу ёзувдаги сўзларни яхлит эмас, ҳарфлаб, ҳарфларни уриштириб ўқийди ва бу жуда зерикарли иш. Мазкур ёзувни ўқишда автоматизм, кўникма ҳосил бўлгач, сўзлар энди бутунича, яхлитлигича ўқилади ва ўқиш мароқли бир ишга айланади. Бадиий матннинг спациал ўқиши ва анг-ланишини ана шу кейинги ҳолатга ўхшатиш мумкин.

Нормал нутқдаги тил белгиси ва поэтик белгининг структур-реляцион дифференциациясини тадқиқ этган Н.И.Балашов санъат асари соф горизонтал кетма-кетлик сифатида ўқилса, у одатдаги нобадиий нутқ тарзида идрок этилишини, чунки поэтик белги ўзининг бутун моҳиятини фикрий макондаги горизонтал ўлчовлардагина эмас, балки вертикал ўлчовларда тугал намоён қила олишини, ана шу ўлчовларда эстетик мазмуннинг очилиш даражаси юқори бўлишини алоҳида таъкидлайди.²¹⁰

Шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, нобадиий матндаги бирликлар билан бадиий матндаги бирликлар ўртасидаги структур-реляцион дифференциацияни матн таҳлилида эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ. Бундай дифференциациянинг реаллиги моддий-физиологик жиҳатдан ҳам тасдиқланган. Хусусан, 1970-йилларнинг ўрталарида дунё фанида қўлга киритилган илмий хулосаларга кўра, бош мия ярим шарларининг функцияларида асимметрия ва фарқлар мавжуд, яъни линейар (горизонтал, чизикли), нутқий, математик, аналитик функциялар бош миянинг чап ярим шарида, спациал (маконий), бадиий, синтетик функциялар эса бош миянинг ўнг ярим шарида жойлашган экан.²¹¹

Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқилса, сўз ёки бошқа бирликнинг бадиий матндаги поэтик, эстетик қимматини баҳолаш учун матндан узиб олинган кичик бир парча етар-

²¹⁰ Балашов Н.И. Структурно-реляционная дифференциация знака языкового и знака поэтического // Известия АН СССР. Серия литературы и языка. 1982, т.41, N2. С. 127-128.

²¹¹ Бу ҳақда қар.: Балашов Н.И. Кўрсатилган мақола, 128-бет.

ли эмаслиги янада ойдин бўлади. Эстетик белгининг моҳияти синтагматик ёки кенгроқ горизонтал муносабатларди тўла намоён бўла олмас экан, вертикал муносабатлар ифодаси учун етарли бўлган яхлит бадиий матн ёки матннинг йирикроқ парчаси билан иш кўриш зарурийдир.

Бу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Тилдаги эстетик вазифани ишга солиш учун ижодкор ўз бадиий ниятига мувофиқ равишда тилдаги битмас-туганмас ифода имкониятларидан истаганини танлайди. Бундай имконият эса тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик ва яна юқори сатҳларининг барчасида мавжуд. Ҳар бир сатҳ бирликларининг ва сатҳлараро бирликларнинг турли комбинациялари асосида бадиий-эстетик бутунлик сари боради. Ижодкор ҳеч қачон муайян бир сатҳга оид эстетик имконият билан чегараланиб қолмайди. Зотан, фақат бир йўналишдаги ифода усули билан чекланган ҳолда яратилган бадиий матн бадиий-эстетик мукаммаликка даъво қилолмаслиги аниқ. Бадиий матнда ифода имкониятлари ва усулларининг ранг-баранглиги, ўзига хослиги ва бетакрорлиги ҳам бундай матннинг ижобий ва мақбул сифатлари тарзида баҳоланади. Бадиий матнда тилнинг нафақат замонавий, балки заруриятга кўра тарихий унсурлари ҳам эстетик вазифанинг хизматида бўлади. Аммо буларга қарамасдан, айрим тадқиқотчилар символ (рамз)ни бадиий матннинг асосий бирлиги деб ҳисоблайдилар ва, ҳатто “бадиий матн семантикасини тадқиқ этишнинг мазмуни символларни таҳлил қилишдан иборат, чунки бадиий матн нобадиий матндан символизмга кўра фарқланади” деган тезисни асослашга ҳаракат қиладилар, бугина эмас, ҳатто кўчимлар (метафора, метонимия, синекдоха каби) символ бўлмаганлиги учун уларнинг бадиий матндаги ўрнини шубҳа остига оладилар.²¹²

Табиийки, бундай фикрга кўшилиш қийин. Бадиий матнда тилнинг эстетик вазифаси фақат рамзлар воситасидагина намоён бўлмайди. Рус адабиётшуноси М.В. Храпченко санъатни тамоман символик талқин қилиш тарафдори бўлган француз семиотиғи Ролан Бартнинг қарашлари-

²¹² Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. –Ташкент, 1993. С. 9.

ни танқид қилар экан, унинг санъатнинг турли ҳодисаларига символик маъно бериши янглишлигини, символ дунёни бадиий идрок этиш усулларидан бири эканлигини таъкидлайди. Айни пайтда ҳар қандай эстетик белгига, у жонлантириш, символ, аллегория бўладими ёки яна бошқа нарса бўладими, барибир, муайян эмоционал моҳият хос бўлишига алоҳида урғу беради.²¹³

“Символ - кўчимлар (троплар) назариясидаги алоҳида муаммо”²¹⁴ эканлиги назарда тутилса, фақат символнинг мавжудлигинигина бадиий матнни нобадиий матндан фарқловчи мезон сифатида баҳолаш, кўчим ва бошқа жуда кўплаб эстетик белгиларни ҳисобга олмаслик бадиий матн таҳлилини ғариблаштириши билан бир қаторда алоқадор тушунчаларни ҳам бегоналштиришга олиб келади. Ўзбек адабиётшунослигида символ — рамзга қуйидагича таъриф берилган: “Символ (*гр.* *symbolon* — шартли белги сўзидан) — рамз, символ — образли тафаккур маҳсули. Рамз ўхшатиш, истиора (*қ.* *Метафора*)нинг ўта барқарорликка, ҳамма томонидан бир хил тушунилишга эришиши оқибатида юзага келади... Демак, символ образли ифоданинг бир кўриниши бўлиб, бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмасидир...”²¹⁵ Кўринадики, символ бадиий матндаги эстетик белгиларнинг фақатгина бир кўриниши, холос.

Демак, тилнинг эстетик вазифаси бутун ўзига хослиги ва мураккаблиги билан, албатта, коммуникатив вазифага ҳам асосланган, уни трансформация қилган, бадиият манфаатларига хизмат қилдирган ҳолда бевосита бадиий матнда намоён бўлади. Умумхалқ тилидаги барча сатҳ бирликлари бадиий матнда у ёки бу даражада эстетик қиммат касб этади.

²¹³ Храпченко М.Б. Природа эстетического знака // Семиотика и художественное творчество. —М.: Наука, 1977. С.15, 22.

²¹⁴ Шульская О.В. О символе в поэзии А.Межирова и Е.Винокурова // Лингвистика и поэтика. —М.: Наука, 1979. С. 256.

²¹⁵ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг рксча-ўзбекча изоҳли луғати. —Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 293-294 бетлар.

Бадий матннинг мазмуний турлари ва интертекстуаллик

Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлилида ёзувчининг матндаги мазмунни ифодалашдан кўзлаган мақсадини ҳам назарда тутиш фойдадан холи бўлмайди. Айти пайтда бадий матннинг яхлит структурасидаги муайян қисмлар ўртасидаги муносабат масаласи ҳам алоҳида диққатга моликдир.

Маълумки, ёзувчи ёки сўзловчининг бадий матн тузишдан бош мақсади ўқувчи ёки китобхонга эстетик таъсир қилишдан иборат бўлади. Аммо айти пайтда ёзувчи ёки сўзловчи мазкур мақсади доирасида ифоданинг мазмунини шакллантиришда қуйидаги ниятларни ҳам кўзда тутиши мумкин: 1) ўзининг ёки қаҳрамоннинг бошидан ўтган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиш, хотиралари ҳақида сўзлаш; 2) қаҳрамон қиёфаси ва ички дунёси ёки воқеалар бўлиб ўтаётган жой, муҳитни батафсил тасвирлаш; 3) бирор воқеа-ҳодисанинг ишонарлилигини таъминлаш учун турли далил ва изоҳлар келтириш, айрим ҳодисалар моҳиятини изоҳлаш; 4) кимгадир панд-насиҳат қилиш, ҳаётий воқеа-ҳодисалар орқали тарбиялаш, йўл кўрсатиш, турли тавсиялар бериш; 5) бирор бир воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш, огоҳлантириш, эслатиш; 6) буйруқ ва турли кўрсатмалар бериш, ният-истак билдириш; 7) қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, эмоционал ҳолатини, воқеликка ҳиссий муносабатини акс эттириш ва ҳ.к.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, бадий матннинг қуйидаги мазмуний турларини белгилаш мумкин: 1. Ҳикоя мазмунли матн. 2. Тасвирий матн. 3. Изоҳ мазмунли матн. 4. Дидактик матн. 5. Хабар мазмунли матн. 6. Буйруқ – истак мазмунли матн. 7. Ҳиссий ифода мазмунли матн.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ушбу турларнинг фақат биттаси асосида шакллантирилган бадий матнни камдан-кам ҳолларда учратиш мумкин бўлади. Бадий асар таркибланиш жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ўта мураккаб тузилишга эга бўлганлиги боис, унда матннинг барча мазмуний турларини ёки маълум бир турининг айрим хусусиятларинигина учратиш мумкин. Шунинг учун бирор асарнинг матн турини аниқлашда асарнинг умумий

руҳига ва ёзувчининг асл мақсадига эътибор қаратиш лозим. Ёзувчи ушбу матн орқали нима демоқчи эканлиги, қандай фикрни илгари сурмоқчи эканлиги ва мақсадига эришиш учун қандай ифода тарзини танлаганлигини аниқлаш ҳамда қандай матн турларидан фойдаланганлигини ўрганиш зарур ҳисобланади.

Ҳикоя мазмунли матнда муаллиф ёки асар қаҳрамони ўзи бошидан ўтказган, эшитган, ўқиган ёки гувоҳ бўлган бирор бир воқеани ҳикоя қилиб беради. Хотиралар, эсдаликлар, эртак ва ривоятларни ҳикоя мазмунли матн сифатида баҳолаш мумкин. Ҳикоя тарзи, асосан, ўтган замон шаклида, биринчи шахс бирлик ёки кўпликда ифодаланади. Ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодиса тор ёки кенг қамровли бўлиши мумкин. Секин-аста ривожланиб борувчи изчил баён ва яхлитловчи оҳанг кузатилади. Асосан, бирёқлама ифода услубидан фойдаланилади, яъни матн шаклланишида, асосан, ҳикоя қилувчи (ровий) етакчи фактор ҳисобланади. Монологик нутқ кўриниши бундай матнлар учун жуда мос ва қулай бўлади. Албатта, ўрни билан диалогик нутқ кўринишларига мурожаат қилинганлиги ҳам кузатилади. Шунда ҳам ҳикоя матнининг мотивацион бутунлиги ровийга боғлиқ бўлади. Бу тип матнларда ҳикоя мазмуни етакчилик қилса-да, тасвирий, изоҳ, хабар, ҳиссий ифода мазмунли матнга хос хусусиятлар ҳам бирданига иштирок этиши мумкин. Бир-икки мисол:

«Дуогўй». Саид Аҳмад ака бошчилигида бир гуруҳ адиблар олис тоғ қишлоғига етиб бордик. Меҳмонга чақиринди. Уй тўла одам. Давра бошида тўрвадек соқоли кўксига тушган қария ўтирибди. Ҳамма унга таъзим бажо қилади. Даврага ким келиб қўшилмасин чол узундан-узоқ дуо ўқийди. «Сен ҳам менинг ёшимга етиб юргин, бачам», деб фотиҳа тортади.

Бир хил дуо такрорланавергач, Саид Аҳмад ака сўради:

— Неча ёшга чиқдингиз, тақсир?

— Менба? — деди чол салмоқлаб. — Иккам жетмишга бордим.

— Вой бў-ў-ў! — деди Саид Аҳмад ака бош чайқаб. — Агар сенинг дуонинг мустажоб бўлса, мен саккиз йил аввал ўлиб кетишим керак экан-да, укам? Мен етмиш олтига чиқдим! Турақол энди, жой алмашамиз! (Ў. Ҳошимов)

Йўли топилди. Эркин Воҳидов университетни энди битирган пайтидаёқ таниқли шоир эди. Ўзингиз биласиз, олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси кўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин ака Саид Аҳмад акага маслаҳат солибди.

— Оқсақол, — дебди. — Хабарингиз бор, бир-иккита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор (У пайтда уч минг катта пул эди). Лекин қайси бирига етказишни билмаяпман. Машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй солалмайман, уй солсам, уйланомайман, уйлансам, машинага пул қолмайди... Нима қилай?

Саид Аҳмад ака пешанасини Рашид абзининг гармонидай тириштириб, чуқур ва узоқ уйга толибди. Охири чехраси ёришиб бундай дебди:

— Болам, мен хўп ўйладим. Ҳисоблаб кўрсам, уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сотиб олгин! Автобус дегани машина бўлади. Рулини қаёққа бурсанг кетаверади. Бу - биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл бўлади. Кўч-кўронингени олиб кирсанг тайёр уй бўлади. Бу — иккинчидан. Учунчидан, ростки автобус бўлгандан кейин ичида кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб олиб қўя қоласан!.. (Ў. Ҳошимов)

Берилган матнларда икки хил ҳолатни кузатиш мумкин. Биринчи матнда ёзувчи ўзи бевосита гувоҳ бўлган воқеани ҳикоя қиляпти, иккинчи матнда муаллиф эшитиб таъсирланган воқеасини сўзляпти. Ҳикоя мазмунли матн бошқаларига қараганда мураккаб таркибланган бўлади.

Тасвирий матн тингловчига номаълум бўлган бирор киши, жой, ҳайвонот ва наботот оламига мансуб мавжудот ёки қандайдир нарса-буюм ҳамда воқеа-ҳодисани батафсил тасвирлаб бериш мақсадида тузилган бўлади. Тасвирий матнда ҳам монологик нутқ кўриниши етакчилик қилади. Партонимик тасвир бундай матннинг энг характерли хусусияти ҳисобланади. Яъни тасвирланаётган объектнинг дастлаб бирламчи хусусияти тилга олинади. Кейин унга алоқадор хусусиятлар ва қисмлардан сўз юритилади. Масалан:

Якан деган ўсимлик бўлади. Нима учундир санъаткорлар, аниқроғи, отарчилар пулни «якан» дейишади. Аслида эса якан — қамишзорда ўсувчи ўсимлик. Яканни ўриб олиб, қуриштиб узум осадилар ёки сават қалпоқ тўқийдилар. Маълумки, қамиш

узун, якан эса, аксинча, настак ўсимлик. Шундай бўлибдики, бир куни якан қамишга қараб:

-Ў, биродар, ҳадеб гўддаяверма, салгина эгил. Оллоҳнинг қуёши нуридан биз ҳам баҳраманд бўлайлик, — дебди.

Қамиш унга қарагиси ҳам келмабди, жавоб ҳам бермай бурнини жийириб қўя қолибди. Вақти-соати келиб аввал қамишни, сўнг яканни ўрибдилар. Тасодифни қарангки, ўша қамишдан ясалган бўйрани бир ўйга тўшабдилар. Тасодифни қарангки, шу уй тўсинларига узумларни осибдилар, якандан тўқилган сават қалпоқларни эса девордаги қозиқларга илибдилар. Орадан кунлар ўтаверибди. Қамиш настда, оёқ остида, якан эса тепада экан. Оёқости бўлавериб хорланган қамиш ахийри яканга қараб зорланибди:

— Мени ўриб олиб қурутдилар, тепкилаб қовурғаларимни синдирдилар, сўнг сувга буктирдилар. Сўнг қайириб-букиб мана шу бўйра ҳолига келтирдилар. Энди эса тинимсиз, ҳар куни тепкилайдилар. Бу ҳам етмагандай сал қайириб, остимга носларини тупурадилар.

Бу зорланишни эшитиб якан дебдиким:

— Сиз бекорга гўддайдингиз. Гўддаиб ўсавердингиз. Ичингиз ғовак эканини унутдингиз. Ғовак бўлганингиз учун ҳам тепкилашдан бўлак нарсага ярамадингиз. Ҳали ҳам кеч эмас, сиз ўсган ерда илдизингиз қолган. Сиз ўсажак қамишларга етказинг. Сизнинг ҳолингизга тушмасинлар.

Қамишни баъзан томга ҳам тўшайдилар. Лекин барибир унинг башарасига лой чапланади... (Т. Малик.)

Келтирилган матнда якан деб номланадиган бир ўсимлик тасвирланган. Буни тасвир объекти деймиз. Унинг ўсимлик эканлиги ҳақидаги ахборот бирламчи хусусият ҳисобланади. Унинг қандай ўсимлик эканлиги ҳақидаги ахборот алоқадор хусусият ҳисобланади. Бу матнда алоқадор хусусият деб аталувчи қисм бошқа бир ўсимлик билан боғлиқ тасвир фонидан янада равшан ифодаланган.

Ёки Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романининг бошланишида мана бундай бир сарой тасвири бор:

Дарбозаси шарқи-жанубийга қаратиб қурилган бу донғдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгаллаганлар, саройдаги бир-икки хужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила тўла. Сарой аҳли кундузги иш кучларидан бўшаб хужраларига қайтқанлар, кўб хужралар кечлик

ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қарағанда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хоҳолаб кулишишлари саройни кўкка кўтаргудек.

Саройнинг тўрида бошқаларға қарағанда кўркамрак бир хужра, анови хужраларға кийгиз тўшалгани ҳолда бу хужрада кип-қизил гилам, уттларда бўз кўрпалар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адас кўрпалар, наригиларда қора чароғ сасиғанда, бу хужрада шамъ ёнадир, ўзга хужраларда енгил табиатлик, серчақчақ кишилар бўлганида бу хужранинг эгаси бошқача яратилишда.

Оғир табиатлик, улуғ гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндигина мурти сабз урган бир йигит.

Бу парчада тасвир объекти — сарой, бугунги тил билан айтадиган бўлсак, меҳмонхона. Унинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари орасида машҳурлиги ҳақидаги ахборот бирламчи хусусият бўлса, хужра ва жиҳозлар ҳақидаги ахборот алоқадор хусусият ҳисобланади. Бу матнда ҳам объектнинг алоқадор хусусияти у ердаги инсонлар тасвири фонида янада аниқ ва тушунарли қилиб тасвирланыпти. Буни ўз навбатида иккиламчи хусусият у билан боғлиқ тасвирни эса иккиламчи алоқадор хусусият деб атасак бўлади. Яқан ҳақидаги матнда қамиш иккиламчи хусусият, у билан боғлиқ тасвир иккиламчи алоқадор хусусият ҳисобланади. Мазкур матн ўша хусусиятлар тасвирига асосланиб шакллантирилган. Матнда бундай алоқадорлик битта ёки бир неча бўлиши мумкин.

Бадий асарда инсон маълум бир муҳит ва уни қуршаб турган олам билан биргаликда тасвирланади. Қаҳрамон фаолият кўрсатадиган муҳит, шарт-шароит ёзувчилар томонидан имкон қадар батафсил, деталлаштирилган ҳолда тасвирланади. Лекин «нарсалар тасвири бадий асарда декоративлик вазифасинигина бажармаслиги лозим. Баъзи ёзувчилар нарсаларнинг узундан-узун баёни орқали гўё тасвирни жонлантирмоқчи бўладилар, аслида эса асарнинг ожизлигини яширгандай бўлиб, вазнини оғирлаштирадилар, холос».²¹⁶

²¹⁶ Каримова С. Композицион мукамаллик учун // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №3, 51-55-бетлар.

Қаҳрамон портрети бадиий асарнинг ўзига хос мунтазам унсурларидан ҳисобланади. Портрет тасвири, асосан, тўлиқ ва нотўлиқ тарзда ифодаланиши мумкин. Масалан, Отабек портрети тасвири бир неча рассомга ўқиб эшиттирилса, улар тасвирлаган Отабек, ҳар ҳолда, бир-биридан кўп фарқ қилмаса керак. Чунки қаҳрамон кўриниши билан боғлиқ деталлар ипидан-игнасигача батафсил тасвирланади.

Публицистикада блиц-портрет деб аталувчи тушунча бор. Унда мақола қаҳрамони ҳақидаги энг муҳим маълумотлар қисқа ифодаланган бўлади. Бадиий нутқда эса у ёки бу қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси, ички дунёси, аҳволи-руҳияси, қизиқишлари, касби ва мавқеи билан алоқадор маълумотлар воқеа ривожига уйғун тарзда йўл-йўлакай бериб борилишига нисбатан ишлатилади. Масалан:

Мастон кулди.

— *Калтакесак тушган овқат еганмисан?*

— *Йўқ, эшитганман. Амманнинг қизи Абдураззоқ дўппифурушга тушган эди... Бунга ўн йилча бўлди. Дўппифуруш эликка бориб қолган одам. Қиз — гунчадаккина. У вақтда ҳамма ихтиёр ота-онада эди-да... Ҳеч иложини қилолмагандан кейин «нес бўлсам қўйиб юборади» деб атайлаб овқатига калтакесак солиб еган экан. Калтакесак еса одам нес бўлади деб эшитган экан... (А. Қаҳҳор, “Мастон” ҳикояси)*

Мулла Норқўзи ҳар куни бозордан қайтиб самоварга чиқади ва кўнгли тортган одамларни атрофига тўплаб, ярим кечагача шариятдан юз ўгирган хотинлар тўғрисида шундай вайсаб ўтиради, баъзан панжасини ёзиб, ўзи билган оилаларни санаб чиқади:

— *Сотиболдиннинг хотини дорихонада ишлайди, ҳар куни мингта одам билан жавоб-муомала қилади (...) Меликўзининг хотини автобусда кондуктор, баъзан ярим кечада келади. (...) Иззатилланинг синглиси бўлса артист — халойиққа қараб муқом қилади. Норбўтанинг қизи докторликка ўқийди, мингта ошнаси бор десангчи! (А. Қаҳҳор, “Майиз емаган хотин” ҳикояси)*

Келтирилган парчалардаги ажратиб кўрсатилган ифодалар ана шундай блиц-портрет тасвиридир.

Изоҳ мазмунли матнда айтилаётган фикрнинг ишонарлилигини таъминлаш учун турли далил ва изоҳлар келти-

рилади. Асослаш, исботлаш, ўзини оқлашга уриниш ёки ҳимоя мақсадида ҳар хил далил ёки важларни келтириш изоҳ мазмунли ёки аргументли матн турининг ўзига хос жиҳатларидан ҳисобланади. Фикр билан келтирилган далил ўртасида мантиқий боғлиқликнинг бўлиши муҳим саналади. Бундай матнда чунки, зеро, аслида, шунинг учун, тўғриси (очиғини, ростини) айтганда, эшитишимга қараганда, билишимча, тахминимча каби бирликлар қўлланилганлигини кўрамиз. Китобхонни ёки тингловчини ишонтириш асосий мақсад бўлганлиги учун шунга мос риторик услуб танланади. Бадиий тасвир воситаларидан фойдаланилади. Гапларнинг, тўғрироғи, микроматнларнинг ўзаро зич боғланганлиги ва таъкид оҳанги сезилиб туради. Масалан, қуйидаги парчанинг иккинчи абзаци ана шундай изоҳ мазмунли матндир:

Мен унинг бошлиғига содиқлиги учун беш кетдим. Аммо бир андиша гаҳимни келтирди: илгари, ҳув илгари шунақа дейишса, эътироз билдирмас эдим.

Чунки райком котиби — ҳоким, хоқон эди! Панада билганини қилиб, очикда одамларнинг тирноқча “нуқсон”ини ҳам туюдек қилиб кўрсатар эди: умуман, хўжалик раҳбарларининг ресторанга кириши истисно ҳол эди. Аммо хилват гўшаларда улар қилган ишни ўша хонлар ҳам қилолмаган-ов... (Ш.Холмирзаев, “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикояси)

Дидактик матн ўқувчи ёки тингловчига панд-насихат қилиш, уни турли ҳаётий воқеалар воситасида тарбиялаш ёки айтилганлардан ҳулоса чиқаришга ўргатиш нияти билан тузилади. Шарқ адабиётшунослигида алоҳида дидактик адабиёт тушунчаси ҳам мавжуд.

Масалан, А.Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридаги қуйидаги шеърни ана шундай матн дейиш мумкин:

*Ғазаблик бўлмағил, бўлғил мулойим,
Бўлурсан шоду хуррамликда доим.
Ғазаб ўтдур, ёқадур жисму жонинг,
Ғазаб барбод этадур хонумонинг.
Ғазаблик ўтни бўш сув паст қилғай,
Ғазабни жинни ёки маст қилғай.*

Мана бу шеърда ҳам дидактик мазмун устивор, шунинг учун у бадий дидактик матндир:

Эй дўст!

Эътиқод эскидир, оқибат эски,

Менга кўп мақбулдир шу эски-туски.

Эсинг бўлса, эски дўстингдан қолма,

Дўст дегани ахир либос эмаски. (А.Суюн, “Эй дўст” туркумидан)

Мақол, афоризм, масал, ривоятлар, турли ҳаётий воқеалар асосидаги дидактик ҳикоятларни ҳам дидактик матн деб қараш мумкин, зотан, улардан мазмуннинг моҳиятида тарбия, панд-насиҳат, дидактика ётади. Шунинг учун ҳам уларни дидактемалар тарзида умумлаштириш мумкин.

Бадий матнда муайян мақсад билан қўлланилган дидактемаларнинг матн ичига сингдирилиш тарзи ҳам турлича бўлади. Муаллиф бундай дидактемаларни матнга тўғридан-тўғри олиб киради ва унинг қайси жанрга тааллуқли эканлигини айтиб ўтади. Дидактемалар матн ташқарисида аввалдан тайёр ҳолда мавжуд бўлади. Муаллиф ёки қаҳрамон нутқида қуйидаги ифода шакллари ишлатилади: *шундай мақол бор, машойихлар демишларки, улуглар(эскилар)да шундай гап бор, дерларким, шундай ривоят (ўғит, воқеа, масал) эшитганман* ва ҳоказо. Масалан:

Ҳадиси-шарифда таъкидланишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтган эканлар: “Қайси ота-она уч қизни тарбиялаб, вояга етказса, шулар жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Агар иккита қизни тарбиялаб, вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади. Башарти битта қизни тарбиялаб, вояга етказса ҳам жаннатда менинг ёнимдан жой олади...” (Ў. Ҳошимов)

Бадий матн таркибида дидактемаларни келтиришдан асосий мақсад улар орқали панд-насиҳат бериш, муаммоли масалани ечишга кўмаклашиш, қандайдир мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини кўрсатиш, тўғри йўлни топишда келтирилган мисолдан ибрат олишга даъват қилиш ёки бўлиб ўтган воқеага муносабат билдиришдан иборат бўлади. Бадий матннинг лисоний таҳлилида дидактемаларнинг асарга нима мақсадда олиб кирилганлиги, кимнинг

нутқида ишлатилганлиги, матн мазмунига қай даражада сингдирилганлиги, уни ишлатган қаҳрамоннинг тафаккур тарзи ҳамда дидактеманинг эстетик моҳияти муҳим ҳисобланади.

Хабар мазмунли матн бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш мақсадида тузилади. Табиийки, бадиий матндаги хабар мазмуни ўзига хос тарзда бўлади, у оддий хабардан, оддий информативликдан фарқ қилади. Эстетик мақсад юкланган бўлади. Бошқа матн турлари билан қоришган ҳолда келади. Масалан, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романи якунида шундай бир хабарни келтиради:

Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғриси суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўғулларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлуктириги маълум эмас, дейдилар.

Бу хабар мазмунли матн ҳисобланади. Лекин асар ичида эмас, балки асарга илова сифатида келтирилган. Асар қаҳрамонларининг ҳаётдан олинганлигини таъкидлаш, бунга китобхонни ишонтириш истаги билан киритилган. Бу ҳақда асар аввалида ҳам ёзувчи алоҳида таъкидлаган: «*Халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухра»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромғўр»лари билан танишидиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз*». Балки, ёзувчи ушбу қаҳрамонлар тақдири қандай кечганлиги ҳақида китобхонларга хабар беришни хоҳлагандир, балки, романни давом эттиражани, агар давом этирилса, воқеалар шу мазмунда бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар бераётгандир. Бу бизга қоронғу, лекин келтирилган матн хабар мазмунига эга. Асар ичида ёзувчи томонидан келтирилган турли ҳаволалар ҳам информатив характерда бўлиши мумкин. «Ўткан кунлар»да муаллиф Мусулмонқулнинг довжураклиги ҳақида шундай ҳаволани келтиради:

Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулудда юраклик эди. 1853 м. тарихида Мусулмонқул кўқонлиларга асир тушиб, уни тўндан отиб ўлдирish учун дордек бир нарсанинг устига ўтқузурлар. Иккинчи томондан тўпка ўт бериш кутиладир. Шу вақтда кишилар Мусулмонқулдан сўрайдилар: «Энди қалай-

сан, чўлоқ?» Мусулмонқул кулибкина жавоб берадир: «Алҳамдулиллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юқори бир ерда ўлтирибман!»

Хабар тасдиқ (бўлишли) ёки инкор (бўлишсиз) гаплар шаклида ифодаланади. Гапнинг тасдиқ ва инкор формада бўлиши унинг ҳамма турига хос бўлиб, фикрнинг воқеликка модал муносабатини кўрсатади.²¹⁷

Буйруқ-истак мазмунли матнда буйруқ, истак, даъват, ундаш ёки маслаҳат мазмуни етакчилик қилади, грамматик жиҳатдан буйруқ майлидаги феъллар кўпроқ қўлланади. Асосан, қахрамонлар нутқида кузатилади. Лекин муаллиф нутқида истак, маслаҳат ёки тавсия маъносида қўлланилиши ҳам мумкин. Масалан:

Бир нарсани орзу қиламан. Бу дунёда мен қилган яхши ишлардан ақалли битта кўпроқ яхшилик қилсанг... Бу дунёда мен қилган хатолардан ақалли битта камроқ хато қилсанг... (Ў.Ҳошимов)

Қуш бўлиб осмонда учма. Тошбақа бўлиб, ерда судралма. Дарахт бўл! Бошинг —осмонда, оёғинг ерда бўлсин! (Ў.Ҳошимов)

Бандасининг боши — Оллоҳнинг тоши дейдилар. Бошингга кўргулик тушса, ноумид бўлма: булут ўткинчи, қуёш эса абадийдир... (Ў. Ҳошимов)

Ҳиссий ифода мазмунли матн инсоннинг ички кечинмаларини, воқеликка муносабатини, ўзига хос пафос билан ифодалаш мақсадида тузилади. Масалан:

Эрта баҳор — чексиз соғинчнинг уфқи. Музга айланишдан бош тортган исёнкор томчилар ёмғир бўлиб тўкилмоқда. Ёмғирнинг дарахтга, куртакнинг томчига айтадиган «шивири» йиғилганей-йиғилган. Хўнграб-хўнграб, бўзлаб-бўзлаб дил розини айтаётган эрта баҳор булут аслида осмон дардидан сўз очишга ботинган асов ғалаён. Ниш урмиш куртакка насиб этган ёмғир томчиси кўкнинг беқиёс эҳтироси парчаси. Ёмғир «шивири» умидларга тўла дарахт таъзимига кутилмаганда дуч келса, бу ажиб бир шоёнлик таваллуди. Аслида бу «шивир-шивирлар» ришта холос. Аслида улкан осмоннинг жажжжи заминга айтадиган дарди кўп-ей... Замин эса дил изҳорини миннатдор тинг-

²¹⁷ Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. — Т.: Ўқитувчи, 1987. 48-бет.

лар экан, жажжи дарахтлари, энди унажак ўт-ўлани-ю, чамбар гуллари-ла таъзим этади.

Еру-осмон, дарахту ёмғир, ниш уриш орзусидаги куртагу, унга лаб тегизган томчи, кўкдаги булутдан барқини кутган майсалар, чечаклар ямоқчи соғинч дардида бутун бўладилар энди. Билаган, замин-у фалак висоли хаёлий уфқдагина намоён. Билаган... Аммо... Қалбим зулфларига урилган шивир-шивирларни сезмасликни элай олмаган. Соғинч — умрим ямоғи... (Ё. Акрам)

Бадий матннинг мазмуний турларини биз бир қадар умумлаштирган ҳолда тавсифладик. Айтиб ўтилганидек, бу турлар яхлит матнда аксар ҳолларда қоришиқ, синтезлашган тарзда намоён бўлади. Бу мазмуний турларнинг барчаси бадийятдаги ягона бош мақсад — эстетик таъсир қилиш мақсадига бўйсундирилган бўлади.

Бадий матннинг таркибланишини тадқиқ этишдаги муҳим нуқталардан бири интертекстуаллик масаласидир. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, интертекстуаллик тушунчасининг филология илмида пайдо бўлишига рус олими М.М.Бахтиннинг 1924 йилда нашр этилган “Бадий сўз ижодиётида мазмун, материал ва шакл муаммоси” номли иши туртки берган, олим бу тадқиқотида адабиётнинг мавжудлик диалектикасини тавсифлар экан, ижодкор тасвирланаётган воқеликдан ташқари ўтмиш адабиёти ва ўзига замондош бўлган адабиёт билан ҳам иш кўришини, бу адабиётлар билан у доимий “мулоқот”да бўлишини қайд этади. Ана шу ишга асосланган ва ундаги фикрларни янгича талқин этган ҳолда постструктурализм назарийчиси француз Юлия Кристева 1967 йилда бу тушунчани фанга олиб кирган.²¹⁸

Аммо, бу ўринда таъкидлаш керакки, интертекстуалликнинг постструктурализмдаги талқини бир қадар бошқача ва, айтиш мумкин бўлса, ҳатто янглишидир. Бу оқим вакиллариининг фикрича, ҳар бир бадий матн бошқа бадий матнлар билан у ёки бу тарзда алоқадор (М.Бахтин талқинидаги ўтмиш ва замондош адабиётлар, демакки, бадий

²¹⁸ Бу ҳақда қар.: Кураш С.Б. Усложнённое кодирование об-разной информации как аспект филологического анализа худо-жественного текста. — Мозырь: УО «МГПУ», 2003. С. 40.

матнлар “мулоқоти”) эмас, балки ҳар бир бадиий матн бошқа матнларнинг муайян қисмларидан таркиб топган бутунликдир. Гўёки интертекстуаллик ҳар қандай матнга хос бўлган хусусият, бундай хусусиятга эга бўлмаган матн мавжуд эмас, чунки янги бирон-бир гап айтишнинг имконияти йўқ, барча гаплар қачонлардир кимлардир томонидан айтиб бўлинган, мабодо матнда нимадир янги нарса юзага келган бўлса, у ҳам эски, аввалдан маълум нарсаларнинг янгича комбинациясидан бошқа нарса эмас. Ҳатто француз филологи Ролан Бартнинг фикрича, “матн — бу қўштирноқлардан холи қилинган иқтибос (цитата)”.²¹⁹ Интертекстуаллиكنинг бундай талқини, табиийки, ҳар қандай бадиий матннинг янгиллигини, умуман, бадиий матн яратиш имкониятини, бадиий матнга муаллифлик мақомини инкор этади, яъни ҳеч бир бадиий матн янги эмас, бадиий матн яратилмайди, балки тузилади, бадиий матннинг эгаси муаллиф эмас, балки оддий тузувчидир қабилидаги ҳақиқатдан йироқ хулосаларга олиб келиши мумкин.

А.И. Горшков интертекстуаллиكنинг мазкур талқинини танқид қилади, унинг нотўғри эканлигини асослайди ва айни тушунчадан ҳам, айни терминдан ҳам воз кечиш лозимлигини айтади. Аммо у бадиий матн таркибида бошқа матнларга дахлдор унсурларнинг бўлиши мумкинлиги ва бу ҳолат бадиий матнни филологик ўрганишда алоҳида аҳамиятга моликлигини эътироф этади. Бу ҳолатни эса интертекстуаллик деб эмас (немис тилшунослигида ҳам “intertextualität”, яъни “интертекстуаллик” термини қўлланганини қайд этади), балки “текстлараро алоқалар” (“межтекстовые связи”) деб номлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Унинг кўрсатишича, текстлараро алоқалар у ёки бу конкрет матнга муайян усуллар билан олиб кирилган бошқа матн ёки матнлар билан асосий матн ўртасидаги алоқалардир.²²⁰

Бизнинг назаримизда, барибир “интертекстуаллик” термини ҳодиса моҳиятини, яъни матн ичидаги бошқа матн ёки матн унсурлари тушунчасини аниқроқ ва тўлиқроқ акс

²¹⁹ Булар ҳақида қар.: Горшков А.И. Русская стилистика. - М.: Астрель - АСТ, 2001. С. 74-75.

²²⁰ Горшков А.И. Кўрсатилган асар. 72, 76-77-бетлар.

этиради. “Матнлараро алоқалар” термини эса, аввало, бир матн ичидаги матнлар алоқасига эмас, балки алоҳида-алоҳида матнлар ўртасидаги алоқага ишора қилади, қолаверса, термин таркибидаги *алоқа* сўзи ҳам бутунлик сифатидаги матн ҳодисаси моҳиятини хиралаштиради. Шунинг учун ҳам немис тилшунослигида айни термин қўлланган. И.В.Арнольд ҳам муайян матнда айнан ёки қисман ўзгартирилиб, қайта ишланиб киритилган бошқа матнлар ёки уларнинг қисмларининг мавжудлигини “интертекстуаллик” деб номлайди.²²¹

Умуман айтиш мумкинки, муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир. Таъкидлаб ўтилганидай, ҳар қандай бадиий матн интертекстуал бўлиши шарт эмас, бу ёзувчининг бадиий мақсади, услуби билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бадиий матнга олиб кириладиган ҳар қандай бошқа матн ёки унинг унсури асосий матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғунлашиб, ёзувчининг эстетик нияти рўёби учун хизмат қилади.

Бадиий матннинг интертекстуаллиги хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Асосий матнга олиб кириладиган ўзга матн ёки унинг муайян унсури ёзувчи ниятига кўра асосий матн структурасининг турли қисмларидан жой олиши мумкин.

Маълумки, матннинг яхлитлиги ва бутунлигини таъминлашда сарлавҳанинг бениҳоя муҳим ўрни бор. У матнда алоҳида, кучли синтактик позицияда турувчи, матннинг мазмуний-эстетик моҳиятига ишора қилувчи ўзига хос унсурдир. Сарлавҳа лингвистик жиҳатдан матннинг номи бўлса, семиотик нуқтаи назардан матннинг биринчи белгиси мақомида туради.²²² С.Крижановский таъбири билан айтганда, сарлавҳа — бу “шапка эмас, балки бошдир”.²²³ Гарчи муайян ҳиссий ҳолат ифодаланган айрим шеърларда сарлав-

²²¹ Бу ҳақда қар.: Кураш С.Б. Кўрсатилган асар. 40-41-бетлар.

²²² Қар.: Тураева З.Я. Лингвистика текста. —М.: Просвещение, 1986. С. 53.

²²³ Иқтибос шу манбадан олинди: Джанджакова Е.В. О поэтике заглавий // Лингвистика и поэтика. —М.: Наука, 1979. С.207.

ҳа бўлмаса-да, аксар ҳолатларда сарлавҳа матннинг доимий бир узвидир дейиш мумкин. Ҳатто баъзан ана шундай ҳиссий ҳолат тасвирларида ҳам агар сарлавҳа бўлмаса, матнни тўғри тушуниш нисбатан қийинлашади. Масалан, Ойбекнинг тўрт сатрдан иборат шундай шеъри бор:

*Бехосдан узилган шода дур каби
Тўкилди умиднинг рангли барглари.
Осилди бир онда қўллар мадорсиз,
Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...*

Бу шеърдан сарлавҳасиз ҳолатда умуман бирор шум хабар эшитган одамнинг руҳий аҳволини англаш мумкин, бироқ қандай шум хабарлиги билинмайди, аммо шеърга қўйилган “Қорахат” деган сарлавҳани ўқигач, бу руҳий ҳолатнинг ўқувчи томонидан идроки осонлашади.

Бадиий матннинг ана шундай жуда муҳим узви ҳисобланмиш сарлавҳа позициясида ҳам ўзга матн унсури қўлланиши мумкин, бунда, табиийки, интертекстуаллик юзага келади. Масалан, улкан қирғиз адиби Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” тарзида ўзбекчалаштирилган “И дольше века длится день” романининг номи атоқли рус шоири Б.Пастернакнинг “Единственные дни” номли шеъридан олинган бир сатрдир, яъни:

*...И полусонным стрелкам лень
Ворочаться на циферблате,
И дольше века длится день,
И не кончается объятие.²²⁴*

Ш.Холмирзаев бир ҳикоясига атоқли шоир Ф.Фуломнинг машҳур “Вақт” шеъридаги *Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди* мисрасини сарлавҳа қилиб олган. Албатта, сарлавҳа позициясидаги бундай конкрет интерматннинг мазмуний-эстетик қимматини етарли англаш учун унинг манбасини ва тўлиқ шаклини ҳам тасаввур қилмоқ керак. Таъкидлаш лозимки, бундай ҳолатларда ёзувчининг яхлит эстетик мақсади учун асосий матн билан бир қаторда интерматн сифати-

²²⁴ Қар.: Тураева З.Я. Кўрсатилган асар. 93-бет.

да олиб кирилган қисмгина эмас, балки ҳатто бу қисмнинг бутун шакли ҳам ишга тушади. Шунинг учун кўпинча муаллиф асосий матн ичида у ёки бу тарзда мазкур манбани билдиришга ҳаракат қилади. Ана шунинг учун ҳам ёзувчи айна “Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди” ҳикоясида асар қаҳрамони Зумрадга ҳикоя охиrhoғида шундай дегизади: ... Сизларни... катталарни турмуш, ундаги тўполонлар хафа қилади. Отам ҳам нуқул: “Энди нима бўлади?” деб ўйлайди... Шундай пайтда мен шоир Фафур Фуломнинг мактабда ёд олган бир шеърини эслайман:

*Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди,
Умримиз боқийдир, умримиз боқий...*

Э.Воҳидов бир шеърига “Ажаб эрмас” деб сарлавҳа қўяди ва қавс ичида “Завқийёна” деган изоҳ ҳам беради. Шеър сўнгида эса (*Ки Завқий орзу этган Замон бўлса ажаб эрмас*), *Этиб етмишга Эркин Навқирон бўлса ажаб эрмас* тарзидаги мисраларни ҳам келтиради, шу тариқа Завқийнинг машҳур “Ажаб эрмас” асарига ишора қилади, ўз матн билан ўзга матнни маҳорат билан боғлайди, натижада ҳар икки матн ҳам мазмуний-эстетик ҳаракатга тушар экан, интертекстуалликка кўра матн ҳам мазмуний-мантикий, ҳам бадиий-эстетик кўлам касб этади.

Мақолларнинг бадиий матн сарлавҳаси сифатида қўлланаши ҳам интертекстуалликни юзага келтиради. Мақоллардан келиб чиқадиган образли мазмун бадиий матнда ифодаланадиган асосий фикр-ғояни яхлит ҳолатда ўзида мужассамлайди. Сарлавҳани ўқигандаёқ ўқувчи матндаги асосий ғоянинг умумий чизгиларини тасаввур қилади. Масалан, О.Ёкубовнинг “Эр бошига иш тушса” романининг номи *Эр бошига иш тушса, этик билан сув кечар* мақолининг бир қисми. Гарчи сарлавҳага мақол қисқартирилган шаклда олинган бўлса-да, уни ўқигандаёқ мақолнинг тўлиқ шакли ўқувчининг ёдига дарҳол тушаверади. Мақолдаги “Эркак, мард киши ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир” тарзидаги мазмун қиссада айтилмоқчи бўлган бадиий ғояни фавқулодда нозик бадиият билан таъкидлаган. Ҳатто агар мақол тўласича олинганда, айна нозикликка сезиларли зарар етган бўларди, чунки мақолнинг *Эр бошига*

иш тушса тарзидаги шарт қисми кейинги *этик билан сув кечар* қисмисиз мазмунан кўламлироқ, яъни эр бошига иш тушганда минг бир хил мушкулотларни ҳам писанд қилмайди қабилидаги ҳукм янада кучлироқ урғу олган. Аммо мақолнинг иккинчи қисми ўқувчи шуурида барибир туради.

Шухратнинг “Олтин зангламас” романининг номи *Асал айнимас, олтин зангламас* мақолининг қисқартирилган шакли, О.Ёқубовнинг “Айтсам тилим куюди, айтмасам дилим” драмасининг номи айни шу шаклдаги мақол эканлиги китобхон томонидан осонгина идрок этилади. Ёки Ў.Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин” романининг номи *Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин* мақолининг иккинчи қисмидир. Бунда ҳам романда ифодаланмоқчи бўлган бадиий ғояга беҳад бетакрор бир тарзда ўқувчи диққати тортилади. А.Қаҳҳорнинг бир ҳикояси “Икки ёрти —бир бутун” деб номланганки, бу сарлавҳа ҳам айни шаклдаги кенг тарқалган халқ мақолидир.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, А.Қодирийнинг бир қанча ҳажвий асарларининг сарлавҳалари ана шундай халқ мақолларидир: “Дарди йўқ — кессак, ишқи йўқ - эшшак”, “Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр”, “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас”, “Кўрққан олдин мушт кўтарар” ва ҳ.к.

Адабиётшуносликда аллюзия деган бир тушунча бор. Аллюзия - “бадиий адабиётда ва нотиклик санъатида тарихий воқеа ёки машҳур асарларга ишора қилишдан иборат стилистик фигуралардан бири”.²²⁵ Тарихий воқеалар, машҳур асарлар, диний, мифологик ривоятлар ва шу каби кенг оммага маълум бўлган нарсаларга ишора қилиш ёки улардаги турғун тушунчаларни бадиий матнга олиб кириш натижасида ҳам интертекстуаллик юзага келади. Ана шундай аллюзиялар сарлавҳа позициясида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романининг номи ана шундай аллюзиядир. Шундай бир диний ривоят бор, унга кўра, жуда узоқ умр кўрган улуғлардан биридан сўрашибди: “Сиз жуда узоқ умр кўрдингиз, бу умр деганлари нима экан?” Улуғ жавоб берибди: “Ҳе, бу умр қанча

²²⁵ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Кўрсатилган луғат. 27-бет.

бўлсаям, жуда қисқа экан, гўёки бу эшикдан кирасану дарров унисидан чиқасан”. Қанча яшаганда ҳам, барибир, умрнинг ўткинчи эканлиги, бу ҳаётнинг фонийлиги ҳақидаги бу ривоятни кўпчилик яхши билади. Шунинг учун мазкур ном сифатидаги *икки эшик ораси* ифодаси худди шу ривоятга ишора қилади, уни эсга солади, зотан романдаги асосий бадиий фикр қисқа ва ўткинчи умрда инсон яхши ишлар қилиши лозимлиги ҳақидадир.

Ш.Холмирзаевнинг “Қил кўприк” романининг номи ҳам исломий тушунчага кўра жаҳаннам устига қурилган қилдан ингичка, қиличдан ўткир кўприкка ишора қилади, бу дунёда ҳар турли гуноҳлардан тақво қилган, савобли амалларни жойига қўйишдан толмаган мусулмон ундан осонгина ўта олади, жаннат эшикларига равона бўлади, нафснинг ҳою ҳаваслари илинжида шундай амаллардан ўзини тийган мусулмон эса жаҳаннамга қулайди. Мазкур сарлавҳа ана шу тушунчаларни эсга солади ва ёзувчи ғоясини бетакрор бир бадиият билан ифода этади.

Бу ўринда яна бир жиҳатга аниқлик киритиб ўтиш зарурияти бор. Ҳозиргача таҳлил қилинган сарлавҳа позициясидаги интерматнлар бир шеъринг мисрадан, мақолдан, мақолнинг бир қисмидан ёки алоҳида сўз бирикмасидан иборат. Уларни асосий матн ичига олиб кириляётган матн сифатида баҳолаш қанчалик тўғри бўлади?

Табиийки, мақол бир мустақил суперсинтактик бирлик бўла олганлиги учун уни матн дейиш мумкин (юқорида минимал матн сифатида талқин этилди ҳам), аммо унинг бир қисми алоҳида суперсинтактик бирлик бўла олмаслиги аниқ. Шунингдек, шеърнинг бир мисраси, юқоридаги мисолимизда *Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди* гапи ёки *икки эшик ораси, қил кўприк* каби сўз бирикмалари ҳам суперсинтактик бирлик бўла олмайди, демакки, бир суперсинтактик бирлик бир микроматнни ташкил қилишини инобатга олсак, буларни ҳатто микроматн дейиш ҳам назарий жиҳатдан янглиш талқин бўлиши шубҳасиз. Аммо улар матн таркибида кучли позицияда, яъни айнан сарлавҳа вазифасида матннинг мажбурий муҳим узви сифатида келганлиги учун интерматн мақомида бўла олади. Мазкур мақол қисмлари, айрим мисра, сўз бирикмалари асосий матнга олиб кириляётган матннинг вербал кўрсаткичлари сифатида матн-

нинг тўлиқ шаклини имплицит ҳолатда ифодалайди, бунга, албатта, асосий матннинг мазмуни, шунингдек, муайян ишора ва изоҳлар ҳам кўмак беради. Зотан, сарлавҳа асосий матндан тамоман ажратилган ҳолда тасаввур қилинмайди. Масалан, айтиб ўтилганидай, *икки эшик ораси ёки қил кўприк* дейилганда, матн мазмуни билан боғлиқ тарзда тегишли диний ривоят тўлиғича идрок этилади, яъни мазкур ривоятлар асосий матн таркибида интерматн сифатида тўлиғича иштирок этади. Кўринадики, бадий матн таркибидаги бундай мураккаблашувни интертекстуаллик тарзида баҳолаш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам тўласича ўзини оқлайди.

Бадий матнда интертекстуалликни юзага келтирадиган усуллардан яна бири эпиграфдир. Маълумки, эпиграф ҳар қандай матнда, бадий матнда ҳам, нобадий матнда ҳам қўлланаверади, аммо матннинг мажбурий эмас, балки ихтиёрий узви ҳисобланади, яъни барча матнларда эпиграфнинг бўлиши шарт эмас. Бадий матнда эпиграф, албатта, бадиият учун хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш жоизки, эпиграф ёзувчининг бадий матндаги асосий ғоясини, ниятини, асарнинг асосий мазмунини ихчам тарзда таъкидлаш мақсадида ишлатилади. Эпиграф сифатида қўлланган мақол, ҳикматли сўз ёки бирор асардан олинган парча интерматн мақомини олади ва асосий матн мазмунини кучли бир тарзда таъкидлаши, таъбир жоиз бўлса, бойитиши баробарида асосий матннинг семантик структураси фонида ўзи ҳам мазмунан бойийди. З.Я. Тураева жуда ўринли таъкидлаганидек, эпиграф ва матн ўртасида ўзаро бир-бирига йўналган алоқа мавжуд бўлади: эпиграф матннинг мазмуний моҳиятини очиб беради, матн эса эпиграф позициясидаги интерматн семантикасини янада теранроқ идрок этишга кўмаклашади, керакли ассоциацияларни уйғотади, китобхоннинг тажрибалари ва тасаввурларини ҳаракатга келтиради.²²⁶ Ана шу тариқа интертекстуал бадий матннинг мазмуний сифими кенгайди, бадий-эстетик ва ҳиссий таъсир қуввати ортади.

Ўзбек бадий матнида бундай интертекстуалликнинг хилма-хил кўринишлари мавжуд. Бадий матнда кўпинча

²²⁶ Тураева З.Я. Кўрсатилган асар. 54-бет.

халқ мақоллари эпиграф сифатида қўлланади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясида *Отнинг ўлими итнинг байрами* тарзидаги мақол эпиграф қилиб олинган. Бу мақол ҳикоядаги асосий мазмун-ғояни бениҳоя ихчам ва лўнда, ёзувчининг ўткир киноясини ошкор қилувчи урғули образ тарзида ифода этган. Ёки ёзувчининг “Башорат” ҳикоясида эпиграф сифатида *Ола қарға қағ этади, Ўз вақтини чоғ этади* шаклидаги мақол қўлланган. Саид Аҳмаднинг “Муштипар” номли ҳажвий “тескари ҳикоя”сида *Қизим сенга айтаман, Келиним сен эшит* мақоли эпиграф сифатида ишлатилганки, у орқали ёзувчининг бадиий мақсади ўзининг аниқ ифодасини топган (Ҳажвияда баъзи оилаларда куёв ва қайнона томонидан келинга ўтказиладиган зуғумлар куёвга келин ва қайнона томонидан ўтказиладиган зуғумлар тарзида тасвирланган). А.Ориповнинг “Тарбия” номли шеърига *Кенга кенг дунё, Торга тор дунё* мақоли эпиграф қилиб олинган бўлиб, у матндаги асосий фикрга чиройли урғу берган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бадиий матнга эпиграф сифатида хилма-хил матнлардан олинган парчаларни киритиш натижасида ҳам интертекстуаллик юзага келади:

1) эпиграф позициясидаги шеърий парчалар: *Ўтди умрим воҳ дариғ...* Қадимги қўшиқ (А.Қаҳҳорнинг “Йиллар”-ҳикояси). *Уйлар тўла нон, оч-наҳорим болам, Ариқлар тўла сув, ташнаи зорим болам.* Ўтмишдан. (А.Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси). *Вале барча рост ҳам дегулик эмас.* Алишер Навоий (Э.Воҳидовнинг “Бизга сўз теғди кеча” газали). *Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадир, Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадир.* Алишер Навоий (С.Аҳмаднинг “Ўн саккиз ёшинг” ҳикояси). *Ўз қалбини дафн этди шунда.* Байрон (А.Ориповнинг “Альбомга” шеъри). *Шу чоқдаги юрагимни тинглангиз, ҳой ҳу.* Усмон Носир (М.Юсуфнинг “Нидо” шеъри). *Айтсам — ўлдирурлар, Айтмасам — ўлам...* “Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам” достонидан (Э.Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили” қиссаси). *Шунча қонли, файзсиз умр оқибатида Ўзни таниш тақозоси келиб туғилди.* Фафур Фулом (А.Суюннинг “Ўзбекман” шеъри). *Саҳарда қон тупурсам, майли.* Усмон Носир (Фаҳриёрнинг “Икки шеър”и) ва ҳ.к.;

2) эпиграф позициясидаги насрий парчалар: - *Нега менинг бошимни қашлайсиз? — Мен ўзимнинг бошим деб ўйлаб-*

ман. Латифа (А.Қаҳҳорнинг “Қайғулар” ҳикояси). ...*Биз олам китобини янглиш ўқиймиз-да, у бизни “алдайди” деймиз.* Р.Тагор (Чўлпоннинг “Фафлат” шеъри). *Эркакларнинг ўпишиши жуда хунук нарса-да, укагинам.* Фафур Фулом (С.Аҳмаднинг “Лаб ҳақида дoston” ҳажвияси). *Ота қарғиши мисоли ўқ — у охирадда эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади.* Бухоролик 100 йил яшаган темирчи Усто Амин бобонинг ўғитларидан (С.Аҳмаднинг “Сароб” ҳикояси). *Қуръони каримдан: “Сизларнинг қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (қилган савобли) амаллари хабата (бекор) бўлур, улар дўзах аҳлидурлар ва у ерда мангу қолурлар” (Бақара сураси, 217-оят).* *Ҳадиси шарифдан: “Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири — бу “Асҳоби қаҳф”нинг вафодор итидир” (Ал-жоме ал-Кабир)* (С.Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” ҳикояси). *Суфийлар назарида жаннат умидида тоат-ибодат қилиш ҳам таманинг бир кўринишидир.* Нажмиддин Комилов (А.Бойқўзиёвнинг “Тасалло” шеъри) ва ҳ.к.о;

3) эпиграф позициясидаги муаллифнинг ўз изоҳ матнлари: *Китоб районидаги жуғрофий ўрнига кўра дунёда бешдан бир ҳисобланган Улуғбек номидаги халқаро астрономик Кенглик нуқтаси жойлашган* (А.Ориповнинг “Кенглик нуқтаси” шеъри). *Бир танишим саъва қуш асраб, сал ўтмай қўйиб юборган экан. Шўрлик қайтиб келибди. Ўзи дон топиб еёлмаган бўлса керак* (А.Ориповнинг “Қушчага” шеъри). *Абулҳай XIV — асрда яшаган мусаввир. 1393 йилда Амир Темур уни бош рассом қилиб тайинлаган. Бизгача оз асари етиб келган. Чунки умрининг охирида кўп асарларини куйдириб ташлаган* (Х.Давроннинг “Абулҳай сўзи” шеъри) ва ҳ.к.о.

Бадий матндаги интертекстуаллик фақат сарлавҳа ёки эпиграф позициясида қўлланган ўзга матн ёки унинг қисмларига кўрагина эмас, балки матннинг бевосита ўз ичига ана шундай интерматнларни киритиш натижасида ҳам воқе бўлади. Айтиш мумкинки, бу ҳолат аввалги ҳолатга қараганда жуда кенг тарқалган.

Бадий асардан олинган қуйидаги парчага эътибор берайлик:

Кекса ишчи газетанинг муҳарририга қараб:

— Нега бунга «Читтак» деб лақаб қўйдиларинг? — деди.

Нариги столда ўтирган кимдир оғзига солган овқатини ютаётиб, палағда товуш билан жавоб берди:

— Нимагаки, шохдан-шохга сакраб юради.

Газета муҳаррири ва бу ерда ўтирган бошқалар ҳам илганни маъқуллашди. Кекса ишчи бармоғи билан мўйловини силаб кулди.

— Болалар, читтак нима учун шохдан-шохга сакрашини биласизларми?

Биров «овқат қидиради» деди, биров «унинг табиати шундай» деди, аммо ҳеч ким қушларнинг ичида энг қўнимсизни, беқарори читтакнинг бу қилиғи тўғрисида аниқ бир нарса деёлмади. Кекса ишчи қўлини кўтариб, ғовурни босди:

— Буни мен ҳам билмайман, аммо болалигимда бир афсона эшитган эдим: Сулаймон пайғамбар ҳамма жониворларнинг тилига тушунадиган, ҳамма жониворларнинг подшоҳи бўлган эмиш. Читтак унга «кавушинг эгри» деган эканми, уни ғазаб қилган эмиш: менга бир ҳасса топиб кел, ҳасса тўғри ҳам бўлмасин, эгри ҳам бўлмасин деган эмиш. Шундан бери читтак шундақа ҳасса излаб, шохдан-шохга сакрар эмиш. Унинг бир шохга қўниб «чиқ» деб бошқасига сакраши «мен излаган новда бу эмас» дегани эмиш. Агар «читтак» деб лақаб қўйган киши мана шу афсонани билса, Набигулга жуда мувофиқ лақаб қўйинти (А. Қаҳҳор, «Қанотсиз читтак» ҳикояси).

Асосий матн таркибига Сулаймон пайғамбар ва читтак ҳақидаги афсона интерматн сифатида киритилган. Бу афсонанинг матнга олиб кирилиши асосий матндаги воқеа ривожини билан бевосита боғлиқ, демак, ёзувчининг бадийий ниятига уйғун тарзда мазкур афсонага мазмуний эҳтиёж мавжуд, матнлар ўртасидаги шаклий-лисоний боғланишни эса болалигимда бир афсона эшитган эдим гапи таъминлаган. Шу тарзда бадийий матндаги интертекстуаллик мазмуний-шаклий ва бадийий-эстетик жиҳатдан мустаҳкам заминга асосланган.

Ёзувчилар бундай интерматнлардан китобхоннинг қаҳрамонга нисбатан ижобий ёки салбий муносабатини шакллантириш мақсадида ҳам фойдаланишади. Чўлпон ўзининг «Кеча ва кундуз» романида Раззоқ сўфининг «камгап, индамас, дамани ичига солган, зиқна одам» эканлигини айтиш жараёнида ўзбек урф-одатлари билан боғлиқ этнографик мазмундаги бир интерматнни келтиради:

Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини — ўз ҳалол жуфтини! — қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақириш ярамайди. Хотинининг исми *Марям*, қизининг исми *Хадича* бўлса, мўмин-мусулмон — шарму-ҳаё юзасидан бўлсамикан? — хотинини «*Хадича*» деб чақиради. Аксар она-бола баравар «*лаббай!*» дейди, шундайда оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: «*каттангни айтаман, каттангни!*» дейди. Ҳатто шунда ҳам «*Марямни*» демайди...

Бизнинг сўфи мўмин-мусулмоннинг бу урфига ҳам амал қилмайди, у ўз ҳалол жуфти Қурвонбибини ҳаммавақт «*фитна*» деб чақиради: «*Фитна, салламни бер!*», «*Фитна, қиз ўлгу-ринг қани?*», «*Фитна, пулдан узат!*» (Чўлпон, «*Кеча ва кундуз*» романи).

Ёзувчи «Раззоқ сўфи ҳаммавақт хотинини фитна деб чақиради» мазмунидаги информацияни айтишдан олдин шу ҳолатга фавқулодда мос матн-этнографизмни келтиради. Бу эса китобхон тасаввурида мавжуд бўлган қаҳрамон ҳақидаги маълумотлар фондиди янада кенгайтиради. Мазкур парчани икки абзацдан иборат матн деб атасак, биринчи абзац интерматн, иккинчи абзац эса асосий матн ҳисобланади. Демак, интерматн яхлит бир матннинг шаклланишига асос бўлган.

Бадиий матнда вазият тақазоси билан турли газета ва журналлардан иқтибослар келтирилади. Ўша иқтибослар ҳам интерматн мақомида таҳлилга тортилиши мумкин. Таҳлил жараёнида иқтибоснинг умумий матн руҳига қай даражада сингиб кетганлиги, адиб ниятнинг бадиий инъикоси учун қай даражада хизмат қилганлиги, қаҳрамонлар тақдири ва фаолият йўналишига қандай таъсир қилганлиги, уларнинг ички дунёсини, кайфиятини очишга қандай кўмак берганлиги каби хусусий ҳолатларни ҳал этишни тақазо қиладиган мураккаб вазифалар кўндаланг бўлади. Масалан:

Акбарали мингбоши, кучли панжалари орасига олиб, янги бир газетни ғижимламоқда ва қиморбозларга хос оғзи маймоқлик ила газет ёзганларни сўкмоқда эди.

Жадидлар томонидан ҳафтада икки марта зўрға чиқариладиган бир газетда мана шу беш-олти оғиз сўз бориди:

«...бўлусининг ҳокими мутлоқи ўлан Акбарали мингбоши бутун бўлусининг ягона усули жадида мактабини боғлатиб, муаллимини ҳақ бермасдан ҳайдатдирди... Уч ойгина давом

эта олмиш бу мактаб миллат болаларини оз-да бўлса оқ-қорани танитдирмоққа муваффақ бўлмиш эди. Мингбошининг ўзи эса ҳар сана бир эвланмоқдан, хотин янгиламоқдан бўшалмайду... Уч хотини устига яна тўртинчисини, ҳатто беш-олти-еттинчисини... ҳам олувга қарши эмас» (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романи).

Қаҳрамоннинг кайфиятидаги қаҳр-ғазабнинг сабаби газетадан олинган иқтибос орқали аниқ-равшан ифодаланяпти. Иккинчи абзац биринчи ва учинчи абзацларни бири-бирига боғлашга хизмат қилдирилган. Учинчи абзац тўлиғича интерматн бўлиб, махсус тиниш белгилари билан ҳар икки томонидан ажратилган.

Бадий матн ичига турли мазмун ва шаклдаги (жанрдаги) матнлар ёки уларнинг қисмлари айнан олиб кирилиши натижасида интертекстуаллик юзага келади. Юқорида кўриб ўтилгани каби ривоятлар интерматн мақомини олиши мумкин. Бундай интерматнлар ўзбек адабиётида жуда ҳам кўп учрайди. Яна бир мисол: *...Бир гал университетдаги қайсидир эътиборли шахс ҳақида кескинроқ фикр билдирганимда, “...сизда андак андишасизлик бор”, деб, подшо ва доно вазир тўғрисида нақл қилувчи машҳур ривоятни айтиб берган эди.*

Подшо бир кеча алоқ-чалоқ туш кўриб, эртаси аёёнларидан таъбир сўрабди. Аёёнлари тушни таъбирлаб: “Барча қариндош-уруғларингиз қирилиб, дунёда ёлғиз ўзингиз қоларкансиз” дейишибди. Подшо уларни ўлимга буюрибди. Шунда доно бир вазир бу машҳум тушни шарҳлаб: “Шоҳим, сиз ҳамма қариндош-уруғларингиздан узоқроқ умр кўраркансиз”, - дебди. Хурсанд бўлиб кетган подшо унга бош-оёқ сарпо тухфа қилган экан (Э.Аъзам, “Отойининг туғилган йили” қиссаси).

Кўриниб турганидай, мазмуний эҳтиёжга кўра ривоят матнга олиб кирилган, бошланғич жумла бу интерматннинг асосий матнга боғланишини лисоний жиҳатдан таъмин этган. Ёзувчи таъкидламоқчи бўлган фикр бадий иллюстратив материал билан далилланган.

Жуда кўп ҳолларда халқ мақолларининг иштирокига кўра бадий матн интертекстуаллик касб этади. Бунда мазмуний уйғунлик баробарида *дейдилар, деганларидек, шундай мақол (гап, нақл, айтим) бор* каби бир қатор лисоний ифодалар асосий ва интерматн алоқасининг зичлигини таъминлайди. Айрим мисоллар:

*Дейдилар: ит хурар — ўтади карвон,
Ранжу балоларда ёнмасин жонинг.
Лекин алам қилар бир умр гирён
Итлар орасидан ўтса карвонинг
(А.Орипов, “Тўртлик”).*

*Жонодил жонга хуш жўмардин суюр,
Бирга тош-муз ялаб, бир ўтда куюр.
Отам замонлардан қолган бу айтим:
Айғир кум чайнаса, чанг ютар уюр
(С.Ҳаким, “Тўртлик”).*

Баъзан эртақлар ёки уларнинг қисмлари бадий матнда интертекстуалликни юзага келтириш учун хизмат қилади, улар ривоят шаклида ҳам, иқтибос шаклида ҳам берилиши мумкин. Масалан, Ш.Холмирзаевнинг “Хорун ар-Рашид” номли ҳикоясида эртақ ана шундай иқтибос шаклида берилган, қаҳрамон “Минг бир кеча” китобидан бир парча ўқийди: ...*Китобни тахта ойна устига қўйиб, таваккал очди-да, кўзойнагини олиб тақди.*

Ҳарфлари йириклашиб кетган саҳифанинг илк қатори:

“Бағдод халифаси Хорун ар-Рашиднинг вақти-вақти билан тунлари дарвиш либосини эгнига олиб, қаландархоналар, такъяхоналарда юриш одати бор эди. Шу асно у фуқаронинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлар эди...”

Ҳадисларнинг интерматн сифатида бадий матнга олиб кирилиши ҳам учрайди. Бунда ҳадис аслича, яъни арабча ҳам, айна пайтда ўзбекча ҳам бўлиши мумкин. Арабча бўлса, матннинг ичида ёки саҳифа остида унинг таржимаси берилди. Масалан, Х.Дўстмуҳаммаднинг “Тўхтабойнинг бойликлари” ҳикоясидадан парча: ...*Кенжаси Абдували ўқишдан бошқа нарсани билмайди. Ў-ў, ўқиганга нима етсин! Дунё — ўқиганники!.. Утлибил илма минал маҳди, илал лаҳди...*

Саҳифа остидаги изоҳда “Ҳадис”дан: “Бешикдан қабрга-ча илм иста” маъносида тарзида мазкур ҳадиснинг ўзбекча таржимаси берилган.

Бадий матнларда кўп учрайдиган интерматнлардан бири бу — шеър ва қўшиқ парчаларидир. Улар қаҳрамон ички кечинмаларини ойдинлаштиришда, руҳиятидаги ўзгаришларни кўрсатишда ёзувчининг бадий нияти ифодасининг янда тиниқлашишида алоҳида эстетик қимматга эга. Маса-

лан, «Кеча ва кундуз» якунидаги кўшиқ – интерматн қизининг қамалиши боис ақлдан озган Курвонбиби қалбидаги исённи беҳад тиниқ акс эттиришга ёрдам берган. Агар шу кўшиқ ишлатилмаганида дард ва аламдан ўртанган аламзада она қиёфасини бу қадар аниқ тасвирлаш имкони бўлмасди:

Ҳамон ўша эшонникїдаги сингари ҳар кимга қизини мақтаб гапирар; сўнгга хўнграк отиб аччиқ-аччиқ йиғлагач, «Ёрилтош» кўйида ўзи тўқиган байтларини ўқирди:

*Зеби, Зеби, Зебона,
Мен кўйингда девона.
Сени сотди ўз отанг,
Мен бўлайин садағанг!
Заҳар қилиб ошингни,
Пирим еди бошингни!
Зеби, Зеби, Зебонам!
Қайда қолдинг, дилбарим?..*

Баъзан ижодкор бошқа бир адибнинг асаридаги машҳур мисраларни ўз асарига киритади, бу мисралар ўша адибнинг рамзидай унга, унинг ижодига ишора қилади. Масалан, А.Орипов Фафур Фулом хотирасига бағишланган “Алвидо, устоз” номли шеърини улкан шоирнинг машҳур шоҳбайтлари билан бошлаган:

*“Ўр карвон йўлида етим бўтадек
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш...”
Сарбоним, қўлингдан кетдимикин эрк,
Сарбоним, не учун кўтармайсан бош...”*

Т.Низом атоқли шоир Миртемирга бағишланган “Мажнунтол йиғиси” лирик қиссасида Миртемирнинг бир қатор гўзал мисраларини ўз асарига олиб кирган. Битта мисол:

*Мажнунтол, устодни яна эсладинг,
Мен ҳам соғинганман, сўзига қара:
“Қиприқларим кўнғирмикан ё қора,
Қиприқларим юзтамикан ёки минг”.*

Ёки Фахриёр бир шеърда ҳассос озарбайжон шоири Воқифнинг бетакрор бир мисрасини (саҳифа остида “Во-

қиф сатри” изоҳи билан) мана бу тарзда қўллаганки, бундай интертекстуаллик юқоридаги мисоллардаги каби бадиият учун хизмат қилган:

*“Кўзим гирдобида селлар айланур”,
бўғзимда сўз куяр, қалам найланур,
гул дедим, исминга жоним бойланур,
оқ гулим,*

қизил гулим,

мастона бўлди дилим...

Бадиий матнга шеърий парчаларнинг интерматн сифатида бундай ўзгаришсиз киритилиши натижасидаги интертекстуалликнинг кўринишлари жуда ҳам хилма-хил. Уларнинг барига батафсил тўхталиб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мазкур ҳолат билан бир қаторда баъзан шеърий парчалар баъзи ўзгартиришлар билан ҳам бадиий матнга интерматн сифатида киритилиши мумкин. Буни биргина мисол асосида кўриб чиқайлик. Ёзувчи Х.Дўстмуҳаммаднинг “Оқимга қарши... оққан гул” ҳикоясида шундай изоҳ-эпиграф бор: *Япон Рюноскэ Акутагаванинг “Бисейнинг садоқати” новелласи, ўзбек Ойбекнинг дилбар шеърияти. Назокат, муҳаббат, садоқат ва ҳижрон изтиробларини куйлаган бу икки буюк ижодкор асарларининг завқи яхлит асарлар яратишга ундайди...*

Ёзувчи эътироф этганидай, ҳикоя мазкур икки буюк ижодкор асарлари таъсирида яратилган. Ҳикоя матнига интерматн сифатида Ойбекнинг бир неча шеъридан парчалар ҳикоядаги бениҳоя нозик руҳий ҳолатга тамоман уйғун бир тарзда киритилган. Масалан:

*Олтин дардим, илни уздим, кўкка уч!
Севганимнинг юзларидан ўпиб, қуч!
Ўпиб қуч, ўпиб қуч, ўпиб... қуч... уч... уч...*

Бу парча Ойбекда мана бундай шаклда:

*(Кўйинг, олтин қанотларин боғламанг,
Эрка кўнгил чечаклардек яшнасин...)
Олтин қўнғиз, илни уздим, кўкка уч!
Севганингнинг юзларидан ўпиб, қуч!*

Бу ўринда, аввало, шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу икки мисра Ойбекнинг “Тилла қўнғизга” деган шеърдан олинган бўлиб, бу шеърнинг ўзи адабий таъсирнинг маҳсулидир, яъни у 1924 йилда Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” шеърига ўхшатма тарзида ёзилган.²²⁷ (Бўйнига дом солинган оху – қанотлари боғланган тилла (олтин) қўнғиз). Фурқатнинг бу шеъри эса “Лайли ва Мажнун” достони – халқ китобидаги шу мазмундаги шеърдан таъсирланиб яратилганки,²²⁸ муайян бир матндаги мазмуний мотив ўхшаш ва айрим фарқли шаклларда, айтиш мумкин бўлса, босқичли интертекстуалликни юзага келтиришда иштирок этган. Китобхон томонидан бу ҳолат англандар ёки англандар, аммо кўриниб турганидай, бундай ҳолатда “матннинг матн ичига кириши” ҳодисасининг уч босқичини кузатиш мумкин, яъни “Лайли ва Мажнун”даги матннинг муайян бир тарзда Фурқат шеърига кириши, Фурқат шеърининг Ойбек шеърига кириши, Ойбек шеърининг Х. Дўстмуҳаммад ҳикоясига интерматн сифатида кириши каби. Тўғри, олдинги иккинчи босқичда Фурқат матни Ойбек матнига айнан кираётгани йўқ, лекин тегишли мазмуний ва лисоний унсурлар (масалан, мотив, *Сайдинг қўябер, сайёд...*, *ол домини бўйнидин – Қўйинг, олтин қанотларин боғламанг...* каби) интертекстуалликни кўрсатади.

Х. Дўстмуҳаммад *олтин қўнғиз* ифодасини *олтин дардим* тарзида, *севганингнинг* сўз шаклини *севганимнинг* тарзида ўзгартирган ва ҳикоя руҳи ва мазмунига ижодий уйғунлаштирган. Айтиш мумкинки, ҳикоя қаҳрамони – Қизнинг соғинчи азобида тўлғонган Йигитнинг “олтин дарди”га эрк бериши, уни севганининг юзларидан ўпич олишга йўллашининг нозик ифодаси учун ана шундай ўзгартиришга ҳикояда бадиий эҳтиёж мавжуд эди. Ҳикояда бундай чиройли мисоллар анча бор.

Бадиий матнда интертекстуаллик яна муайян ўзга шеърий шакл ва оҳангнинг, муайян ибораларнинг киритилиши

²²⁷ Қар.: Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 1-том. Тошкент: Фан, 1975. 405-бет.

²²⁸ Қар.: Зариф Ҳ. Фурқатнинг “Сайдинг қўябер, сайёд” шеъри ҳақида // Зокиржон Фурқат (мақолалар тўплами). Тошкент: Ўзб-н давлат бадиий адабиёт н-ти, 1959. 92-95-бетлар.

натижасида ҳам юзага келади. Масалан, шоира С.Зуннуованинг “Ҳай-ҳай” ғазалига ўхшатма тарзида Э.Воҳидов ёзган “Шоира Саида Зуннуовага” деган ғазал ана шундай интертекстуалликнинг беҳад гўзал намунасидир. Уни ўқиганда С.Зуннуованинг асари ҳам яққол эшитилиб туради. Мана унинг матлаъси ва мақтаъси:

*Ҳеч оташ дил бу ёниқ
Дилча бўлурми, ҳай-ҳай,
Ҳеч бийрон тил бу жосўз
Тилча бўлурми, ҳай-ҳай.*

*Саида сўзи борлиқ
Оламни ўртаганда,
Қаноатда Саид Аҳмад
Филча бўлурми, ҳай-ҳай.*

Ўзбек мумтоз адабиётидаги тахмислар матни моҳиятан интертекстуалликнинг тугал маънодаги ўзига хос классик кўринишларидир. Унда тахмис ёзувчининг ҳар банддаги уч мисраси асосий матн, тахмис боғланаётган ғазалнинг ҳар банддаги икки мисраси эса интерматндир, улар мазмун ва қофияга кўра зич боғланган бўлади.

Адабиёт тарихида назирачилик анъанаси, адабий таъсир натижасида муайян асарга ўхшатма тарзида яратилган асарлар мавжуд. Бундай бадиий матнларда ҳам, албатта, интертекстуаллик ҳодисаси воқе бўлади, яъни таъсир этган матн мазмуни ва шакли муайян даражада интерматн сифатида уларда иштирок этади.

Ҳозирги замон адабиётида, хусусан, насрда ҳам назирачилик ўзига хос тарзда давом этаётир. Фикримиз далили сифатида бир неча мисол: Истеъдодли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўзининг «Жимжитхонага йўл» ҳикоясини италян ёзувчиси Дино Буццатининг «Етти қават» ҳикоясига назира сифатида ёзган. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи асар эпиграфида қисқа маълумот бериб ўтади: «Италиялик машҳур адиб Дино Буццатининг «Етти қават» ҳикоясини ўқидим, анча вақтгача унинг таъсирида юрдим. Ниҳоят, ушбу фавкулудда ўзига хос ҳикояни бир қадар эркин таржима қилиб, унга «назира» ўлароқ ҳикоя битдим. Тажриба қан-

дай самара берганини баҳолаш ўқувчига ҳавола...» Мутахассислар оригинал ҳикоя ва унга битилган назира ҳикояни қиёслаб ёзувчи муваффақиятини эътироф қилдилар «Х.Дўстмуҳаммад назира ҳикояда италян Дино Кортега қиёсан Зоҳид Яқин образини танлайди. Шу тариқа ёзувчи қаҳрамонлар қисматини касалхонанинг етти қаватига жабўлган рамзлар воситасида таҳлил қилади, контраст усулидан унумли фойдаланган ҳолда, ўқувчини мушоҳадага ундовчи манзаралар яратади»²²⁹. Хуршид Дўстмуҳаммад бундан ташқари «Йўлакдағи одамлар» ҳикоясининг эпиграфига «А.Райкин ва Ч.Чаплин мақомида», бошқа бир ҳикоясига эса «Э.Рязановнинг «Гараж» ва Б.Брехтнинг «Мешчанлар тўйи»га тақлид» деб ёзиш орқали асар эскизларининг бошқа бир мустақил асардан олинганлигини ошкор қилади. Демак, муайян бир бадиий асарнинг яратилишига бошқа бир асар туртки бўлмоқда. Бу ҳам интертекстуалликнинг ўзига хос кўринишидир, аниқроқ айтадиган бўлсак, янги матннинг яратилиши учун туртки бўлган матн муайян шаклларда янги матн ичига киради.

Адабиётшуносликда адабий пародия деб аталувчи асарлар матнлари ҳам интертекстуалликдан холи бўлмайди. Чунки бундай пародиялар мустақил, оригинал асар ҳисобланишига қарамай, конкрет бир бадиий ёки публицистик асар асосида юзага келади. Адабий пародияни тўлиқ англаш, мукамал идрок қилиш учун унга асос бўлган асар билан таниш бўлмоқ талаб қилинади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Бизнинг мулоҳазаларимиз», Саид Аҳмаднинг «Итбозларга қўлланма», «Чекилмасин» каби асарлари адабий пародияга мисол бўлади. «Бизнинг мулоҳазаларимиз»да сийқаси чиққан, саёз мазмунли тақризларнинг тутруқсизлиги кулгили тарзда тасвирланади. Сарлавҳа остида *баъзи тақризларга назира* деган ёзув ҳам бор. Шу асардан парча:

...Лекин, шундай бўлса ҳам, рўйхат айрим камчиликлардан холи эмас. Аввало рўйхатга тартиб рақами қўйилмаган. Бу ҳол авторнинг ўз ишига масъулиятсиз қараганидан, рақамнинг халқ хўжалигида қанчалик катта аҳамиятга эга

²²⁹ Хамроқулова Х. Бадиий адабиётда ҳаёт ва мамот тасвири. // Филологик таълим масалалари. ТДПУ, 2007.

эканини тушуниб етмаганидан далолат беради. Буни бошқача изоҳлаш мумкин эмас.

Ундан кейин автор бир қатор фамилияларни бузиб кўрсатган, масалан: Шодиев дейилади, ҳолбуки Шотиев бўлиши керак! Жуда кўп фамилияларда «ъ» тушиб қолган.

Бу матнда сийқа тақризлар матнидаги структура ва қолиплашган мазмун сақланганки, айти шу нарса интертекстуалликни юзага келтирган.

Кўпинча, адабий пародияларда танқид қилинаётган асарнинг кўпчиликка таниш бўлмаганлиги назарда тутилиб, олдин ундан парча келтирилади, сўнг асосий матн берилади, асосий матнда интерматндаги структура бир қадар сақланади. Айти шу парча интерматн сифатида матн таркибига киради ва асосий матн билан биргаликда яхлитлик ҳолатида келилади, натижада интертекстуаллик ҳосил бўлади. Мана битта мисол, Р.Нуриддиновнинг адабий пародияси:

*Мен бугун бозорга бордим,
Қуш бозорига
Ва сенга сотиб олдим қушлардан,
Менинг севгилим*

(Ҳ.Саидғаниев, “Мен бугун бозорга бордим” шеърідан).

*Мен бугун-бозорга бордим,
Товуқ бозорига
Ва сенга сотиб олдим товуқлардан,
Менинг севгилим.
Учраб қолди йўлда улфатлар,
Давра қурдик — ароқ қуйилди.
Газак топа олмай ноилож
Уртада товуқлар сўйилди.*

Аллюзиялар, яъни тарихий воқеалар, машҳур асарлар, диний, мифологик ривоятлар ва шу кабиларга ишора қилиш фақат сарлавҳаларда учрамайди. Аллюзиялар бадий матннинг асосий қисмига киритилганда ҳам интертекстуаллик юзага келади. Масалан:

М.Юсуфнинг “Меҳр қолур” шеърида “Тоҳир ва Зухра” эртагига ишора бор:

*Оқиб кетди сувларда Тоҳир,
Зухро йиғлаб қолди қон бағир.
Келганда ҳам қиёмат охир,
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Ўзбек адабиётида, айниқса, Искандарнинг шоҳи, Ҳазрати Хизр, Ҳотами Той, Юсуфу Зулайҳо ва бошқа исломий тушунчалар, шунингдек, А.Қодирий, Чўлпон, Ғ.Ғуллом каби адибларнинг машҳур асарлари билан боғлиқ аллюзиялар кўп учрайди. Биргина М.Юсуфнинг шеърлари кўздан кечирилса, Кумуш, Зайнаб, Отабек каби қаҳрамонларнинг номи воситасида “Ўтган кунлар” романига бот-бот ишора қилинганлигини кўриш мумкин.

Бадиий матнда интертекстуалликнинг юзага келишида адабиётшуносликда реминисценция²³⁰ дейиладиган усул ҳам алоҳида ўрин тутади. Бирор асардаги ибора ёки образли ифода бошқа асарга олиб кирилар экан, у интерматн мақомини олади, чунки бундай ибора ёки ифода яхлит асарни, қолаверса унинг муаллифини тамсил этади. Бугун кўпчилик томонидан жуда севиб тингланаётган “Сиз ўшамми?” қўшиғининг матни ана шундай интертекстуалликнинг ёрқин намунасидир. Ундаги интерматннинг мазмуни тингловчига таниш бўлмаса, ҳатто қўшиқни тушуниш ҳам мумкин эмас. *Сиз ўшамми?* ифодаси А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидаги жуда нозик ва дилбар ҳолат муҳри сифатидаги реплика-тасвирдир, романнинг “Кутилмаган бахт” бобида ўқиймиз: ... *Титраган ва қовжираган бир товушда:*

— *Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! — деди бек, Кумуш-биби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳаяжонланган бир товуш билан сўради:*

²³⁰ Қар.: Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Кўрсатилган луғат. 271- бет.

– Сиз ўшами?

– Мен ўша! – деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихти-
ёр термулишиб қолдилар.

Табиатнинг ҳассос куйчиси Ҳ. Олимжоннинг *Дера-
замнинг олдиди бир туп Ўрик оппоқ бўлиб гуллади* мисра-
лари билан бошланадиган “Ўрик гуллаганда” шеъри жуда
машҳур. Айни шу ўрикнинг гуллаши ифодаси бошқа матнда
қўлланаркан, реминисценция йўли билан мазкур шеър-
ни, умуман, Ҳ. Олимжонни эслатиши унинг интерматн
мақомида эканлигини кўрсатади. Мана бу бадий матн
парчаларида ана шундай интертекстуалликни кўриш мум-
кин:

*Ўрик гуллаганмиш кечаги тунда,
Баҳор муждаси бу, яйрагин, эй жон.
Йиллар ўтар экан, бугунги кунда
Олтмишга кирибсиз, устоз Олимжон*

(А.Орипов, “Ҳамид Олимжон хотирасига” шеъри).

*Қани, мен ҳам бир дарахт бўлсам...
Кўксимдаги оташ гулхандан
Сон минг ёқут чироқлар ёқиб,
Матонатли ўриклар каби
Баҳор йўлларини ёритсам ...*

(С.Ҳаким)

Шоир Фурқатнинг *Адашган ит каби, Фурқат, қаён бор-
ғум билолмасман...* мисрасидаги *адашган ит каби* образли
ифодасини Х.Даврон “Фурқат” сонетида мана бундай ре-
минисценция қилади ва интертекстуалликнинг такрорсиз
ғўзал намунасини яратади:

*Адашган ит каби заҳил тонларда
Кездим қувончларсиз, ҳасрат-аламсиз.
Ватан – қувонч эмас... Ёруғ дунёда
Яшаб бўлмас экан аммо Ватансиз.*

Бундай реминисценция асосидаги интертекстуаллик
шоирга Фурқат қисматининг фожиаси, у чеккан Ватан ҳас-

рати, Ватаннинг ҳаёт шарти эканлигини поэтик жиҳатдан кучли ифодалаш имконини берган.

Умуман, таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, бадиий матндаги интертекстуаллик бадиий ифода имкониятларига кўлам бағишлайдиган, матннинг эстетик таъсир қувватини оширадиган ва шунинг учун ҳам бадиий матн тадқиқотчи-сининг, ўрганувчининг доимий эътиборда тутиши лозим бўлган ҳодисалардан биридир.

Бадиий матнда маъно ва мазмун

Бадиий матнни тушуниш, унда айтилмоқчи бўлган фикр-ғояни тугал англаб етиш, тўласича эстетик идрок этиш у қадар ҳам осон иш эмас. Муаллифнинг айтмоқчи бўлган гапи, бадиий матнда бутунлай очиқ, яланғоч бир тарзда, икки карра икки тўрт қабилда ифодаланмайди. Бадиий матнда муаллифнинг асосий гапи яширин, турли ишоралар воситасида, образлар, кўчимлар, тағмаънолар каби бадииятнинг ўзига хос унсурлари орқали берилади. Айтиш мумкинки, асосий мазмуннинг имплицитлиги бадиий матнни нобадиий матнга зидловчи омиллардан биридир. Дунё адабиёти тарихида мустаҳкам урфга кирган ақидалардан бири шуки, муаллиф нуқтаи назари қанчалик яширин бўлса, санъат асарининг эстетик қиммати шунчалик юқори деб қаралади.

Аввалроқ ҳам бир неча бор таъкидлаб ўтилгани каби, бадиий матн эстетик мақсад билан тилдан ўзига хос тарзда фойдаланиш маҳсули сифатида юзага келадиган мураккаб нутқий бутунлик бўлганлигидан унинг маъноси-ни тушуниш ўқувчи учун анчайин мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий матндаги мазмуннинг мағзини чақиш ўқувчидан каттагина меҳнат ва тажрибани талаб этади, чунки у том маънодаги ақлий-ҳиссий фаолиятдир.

Ҳар қандай нобадиий матнни тушуниш учун тегишли тил қонуниятларини билишнинг ўзи етарли бўлса, бадиий матн маъносининг тагига етиш учун айна пайтда бадиий матннинг ўзига хос лисоний хусусиятлари, қонуниятларини, шунингдек, матн оид бўлган давр, матн ижодкорининг шахсияти, қарашлари, у мансуб бўлган адабий оқимнинг асосий хусусиятлари, устивор миллий-маданий

қоидалар ва ш.к. бошқа жиҳатларни ҳам билиш лозим бўлади.

Таниқли адабиётшунос Қ. Йўлдошев ўринли таъкидлаганидек, “бадий асарнинг ўқувчи томонидан қабул қилиниши жараёнида жўнгина ахборот алмашиш эмас, балки бадий мулоқот содир бўлади. Негаки, бу жараёнда муаллиф бадий матн воситасида реципиент — истеъмолчи ўқувчига таъсир кўрсатиб қолмайди, бу орада акс таъсир ҳам амалга ошади, тескари жараён содир бўлади. Ўқувчининг матнни идрок этиши, ундаги яширин жиҳатларни топа олиши матнга кўрсатилган ижодий таъсирнинг намоён бўлишидир. Шу тариқа реципиент бадий маҳсулотнинг истеъмолчисигина бўлиб қолмай, унинг яратувчисига айланади... Реципиентнинг бадий асарга маъно юклай олиш даражаси унинг матндан эстетик таъсирланиши даражасига тенг бўлади.”²³¹ Табиийки, барча ўқувчининг бадий матнга маъно юклай билиш, унинг яратувчисига айлана олиш даражаси, демак, бадий матндан эстетик таъсирланиш даражаси ҳаммиса ҳам бир хил бўлмайди. Бу, шубҳасиз, ўқувчининг ҳаётий тажрибаси, филологик тайёргалиги, эстетик диди ва савиясига боғлиқ.

Саид Аҳмаднинг “Сароб” номли ҳикоясида асар қаҳрамони Домланинг Фузулий қаламига мансуб бир ғазал матнига маъно юклашдаги билимдонлиги мана бундай тасвирланган:

— *Домла, Фузулийнинг бир ғазали бор, маъзини сира чақа олмадим. Кўп билимдонлардан сўраганимда тайинли бир жавоб бера олмадилар. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим...*

— *Хўш, қайси жойига тушунмадингиз? — деб сўради дўстидан.*

— *Фузулий шундай деб ёзади: “Ғамларим шунча кўпки, туянинг устига ортсам, зиндонга ташланган кофирлар озод бўлади”. Хўш, нима учун озод бўлади? Тушунмадим.*

Домла ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, туянинг устига ғам юкини ортса, нега кофирлар озод бўлади? Домла кўп ўйлади. Кейин бошини кўтариб, меҳмонларга қаради.

²³¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 455-бет.

— Гап бундоқ. Бу сирнинг маънисига етиш учун Фузулий яшаган даврг^а мурожаат қилиш керак. Уша даврдаги ривоятларни, мақолу маталларни, ҳатто кўшиқларни ҳам билмоқ керак. Бир ривоятда одамлар Аллоҳдан, эй тангрим, зиндонда ётган кофирлар қачон озод қилинади, деб сўрабдилар. Аллоҳ туя игнанинг тешигидан ўтгандагина кофирлар озод қилинади, деб жавоб қилган экан. Фузулий ана шу ривоятни ғазалга асос қилиб олган. Яъни “Менинг ғамларим шунчалик кўпки, туянинг устига ортсам, кўтаролмай озиб, индекс бўлиб қолади”. Индекс озиб қолган туя игнанинг тешигидан бемалол ўтиши мумкин. Демак, кофирлар зиндондан озод қилинади.

Домланинг бу қадар билимдонлигига қойил қолишди, таҳсинлар ўқишди.

Кўришиб турибдқи, мазкур ривоятни билмасдан туриб, байтдаги яширин маънони англаб етишнинг имкони йўқ. Албатта, бу ўринда матннинг бадиийлик жиҳатидан савиясини ҳам унутмаслик лозим, бадиият нуқтаи назаридан баркамол бўлмаган матнни тушуниш, тегишли тарзда талқин қилиш унчалик қийин ҳам бўлмайди, уни ўқиган ўқувчиларнинг талқинидаги фарқ катта ҳам бўлмайди. Масалан, турли саргузашт асарларида воқеа биринчи планда туради, бу воқеалардан чиқариладиган хулосалар у қадар ҳам аҳамиятли бўлмайди. Шунинг учун қизиқарли воқеалар ривож китобхонни тутиб туради, айтиш мумкин бўлса, ўқувчи ундан яширин маънолар излаб ортиқча бошини оғритмайди. Аммо чинакам бадиий баркамол матн талқини тамоман бошқа нарса. Бундай матнни тушуниш, ундаги маъно-мазмунни талқин этиш осон иш эмас. Бундай матнлар талқини нафақат оддий китобхон, ҳатто филолог-мутахассисларда ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Ёзувчининг айтмоқчи бўлган гапи, ифодаламоқчи бўлган фикр-ғоясини тўғри илғаб олиш учун китобхон анча-мунча ақлий-ҳиссий меҳнат сарф қилиши лозим бўлади.

Бир мисолга эътибор берайлик. Чўлпоннинг “Ойдин кечаларда” ҳикоясидаги фикр талқини борасида фарқли қарашлар мавжуд. Адабиётшунос Ж.Худойбердиев “Сўз - ўзга, маъни ўзгадур” номли мақоласида айни ҳикоядаги фикрнинг бошқа бир талқинини беради. У шундай ёзади: “...“Ойдин кечаларда” ҳикоясининг талқинига бағишлан-

ган бошқа ишларда ҳам шунга ўхшаш, яъни асарнинг ўзбек хотин-қизларининг ўтмишдаги ночор ҳаётига бағишлангани хусусидаги фикрни учратиш мумкин... “Ойдин кечаларда” ҳикояси ҳақидаги бундай фикрларни бутунлай инкор этиш мумкин эмас. Уларда маълум бир ҳақиқат бор. Бироқ асар мазмунидан келиб чиқадиган умумий хулосаларни шулардангина иборат деб билиш асар мазмунини, моҳиятини анчагина чеклаб қўяди... “Ойдин кечаларда” ҳикоясида тасвирланган воқеалар эса моҳият-эътибори билан ёруғликдан эмас, зулматдан дарак беради. Шунга кўра асарни “Қоронғу кечаларда” ёки “Зулмат кечаларда” деб номлаш мумкин эди. Лекин Чўлпон ҳикояни айнан “Ойдин кечаларда” деб атади.

Бунда фақат кечанинг ойдинлиги назарда тутилганми ёки бошқа бир яширин, рамзий маъно ҳам борми? Балки у ойдинлик зулматга ботган ҳаётингизни чароғон қиламиз деб амалга оширилган инқилобга ишорадир? “Ойдин кечаларда” ҳикоясида фақат ўзбек хотин-қизларининг ўтмишдаги ҳаёт тарзи эмас, балки инқилобдан кейинги Она Туркистоннинг мустамлака давридаги ҳаёт тарзи ҳам тасвирлангандир?”²³²

Бадиий матн талқинида ана шундай яширин маънолар, эксплицит бирликларнинг импликацияларини, турли мазмуний ишораларини нозик ва теран идрок этиш фавқулудда муҳимдир. Турк адабиётшунослигида мумтоз шеърятдаги ана шундай яширин маънолар “мазмун” деб номланади. Мармара университетининг профессори Сабоҳат Дениз ўзининг “Шоирларнинг яширин тили: мазмун” номли мақоласида турк филологларининг мазмун тушунчаси атрофидаги талқинларини шарҳлайди ва девон адабиётидаги мазмунни тушуниш учун бу мазмунга ишора этадиган сўзлар, мақоллар, тарихий воқеалар, билим ва тажрибалардан хабардорлик зарур эканлигини таъкидлайди. Айни пайтда тадқиқотчи очиқ ифодаланган маъно ишораси билан англашиладиган маъно мазмун мақомида бўлишини, унинг шеър эстетикаси билан, хусусан, адабий санъатлар билан боғлиқ эканлигини, мазмун

²³² Худойбердиев Ж. “Сўз – ўзга, маъни ўзгадур”. Тошкент, 1997. 21-22, 25-26-бетлар.

асарда айтилмоқчи бўлган асосий фикр сифатида орқа планда туришини айтиб ўтади.²³³

Бу ўринда яна бир нарсага аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир. *Маъно* ва *мазмун* сўзлари ифодалаган маънолар бир-бирига анча яқин, ҳатто баъзан бири ўрнида иккинчиси қўлланади ҳам. Уларга термин сифатида ёндашилганда, улар орасидаги фарқни таъкидлаш жоиз. Гарчи лингвистик адабиётларда бу терминларни синонимик тарзда қўллаш баъзан учраб турса-да, “маъно”ни, асосан, сўзнинг объектив оламдаги нарса-ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъикоси билан боғлиқ тушунчага дахлдор ички томони ифодачиси, “мазмун”ни эса гап ичида шаклланган фикр шамойилидаги бирлик ифодачиси тарзида талқин этиш филология илмида анча турғунлашган. Масалан, И.Р. Гальперин бир мақоласида “маъно” (значение) ва “мазмун” (смысл) терминларининг бу жиҳатларига урғу беради ва “мазмун тилнинг лексик сатҳи категорияси эмас”лигини таъкидлайди ва шундай ёзади: “...Мазмун – фикрнинг туғилиши, маъно – миянинг аналитик қобилятининг туғилиши. Мазмун шаклланган фикрда пайдо бўлади, маъно “билиш зиналари” сифатида пайдо бўлади”.²³⁴ (Рус тилидаги “содержание” сўзининг ҳам ўзбекча муқобили ҳам *мазмун*дир, аммо биз бу ўринда бу тушунчага мурожаат қилмаймиз. “Смысл” маъносига ўзбек тилида *мазмун* сўзини эмас, балки *маъни* сўзини қўллаш ҳам мумкин эди, бу *мазмун* терминини икки маънода қўллашдан қутқарган бўларди. Аммо *маъни* ҳам, асосан, “маъно” маъносига эга, бизнинг мақсадимиз бу ўринда маъно ва мазмунни фарқлаш бўлганлиги учун айнан *мазмун* сўзини ишлатишни маъқул кўрдик).

Мазмуннинг шаклланиши фақатгина гап эмас, балки гапдан катта бирликлар доирасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ҳам борки²³⁵, улар бадиий матн линг-

²³³ Deniz S. Şairlerin Gizli Dili: Mazmun // Kültür Tarihimizde Gizli Diller ve Şifreler. İstanbul, 2008. S. 208-210.

²³⁴ Гальперин И.Р. Относительно употребления терминов “значение”, “смысл”, “содержание” в лингвистических работах // Филологические науки. 1982, №5. С. 36, 42.

²³⁵ Қар.: Петров М.К. Язык, знак, культура. –М.: Наука, 1991. С. 63.

вистикасида бу масала нечоғлик муҳим эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бадиий матндаги мазмун ҳақида гап борар экан, икки хил мазмун турини фарқлаш лозим: объектив (нейтрал) мазмун, яъни бадиий матнда бевосита ифодаланган мазмун ва бадиий (эстетик) мазмун, яъни турли усуллар ҳамда тегишли ишоралар билан ифодаланган мазмун, тўғрироғи, муаллифнинг айтмоқчи бўлган асосий гапи, фикр-ғояси. Бу ўринда яна бир илмий нуқтаи назарга эътиборни қаратиш фойдалидир. Рус тилшунослигида матни лингвистик объект сифатида ўрганишни бошлаб берганлардан бири И.Р.Гальперин матнда ифода топган информациянинг прагматик мақсадига кўра уч турли бўлишини биринчи бўлиб асослаб берган. Унинг кўрсатишича, матнда қуйидаги информация турларини фарқлаш мақсадга мувофиқ: а) мазмуний-фактуал информация (“содержательно-фактуальная информация”), б) мазмуний-концептуал информация (“содержательно-концептуальная информация”), в) мазмуний-тағмаъноли информация (“содержательно-подтекстовая информация”). Тадқиқотчи бу турларнинг ҳар бирининг аниқ-равшан тавсифини берган.²³⁶

Унингча, мазмуний-фактуал информация атрофимиздаги ҳақиқий ёки тасаввурдаги оламда бўлган, бўлаётган, бўладиган фактлар, воқеа-ҳодисалар, жараёнлар ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олади. Мазмуний-фактуал информация ўз табиатига кўра эксплицит, яъни ҳамиша вербал ифодаланган бўлади. Мазмуний-фактуал информация ифодасида тил бирликлари одатда ўзларининг тўғри, денотатив-логик, лексикографик маъноларида қўлланади.

Мазмуний-концептуал информация эса, тадқиқотчининг қаноатича, китобхонга мазмуний-фактуал информация воситалари билан тавсифланган ҳодисалар ўртасидаги муносабатларнинг муаллиф нигоҳидаги талқинлари, бу муносабатлардаги сабаб-оқибат алоқалари, уларнинг халқ ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётидаги қиммати, индивидуумлар ўртасидаги руҳий ва эстетик алоқадорлик кабиларнингмуаллиф томонидан тушунилиши ҳақида ахбо-

²³⁶ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. — М.: Наука, 1981. С. 27-29.

рот беради. Бундай информация яхлит асардан чиқарилади, у ҳамиша ҳам етарли даражадаги аниқлик билан ифодаланмайди. Мазмуний-концептуал информация турли талқинларга йўл беради, ҳатто ана шундай талқинларни тақозо этади. Мазмуний-фактуал ва мазмуний-концептуал информациялар ўртасидаги фарқни мавжудлик (реал ва тасаввурдаги) характеридаги информация ва эстетик-бадий характердаги информация тарзида тасаввур этиш мумкин. Шунинг учун ҳам мазмуний-концептуал информация, асосан, бадий матнларга хос категориядир.

Тадқиқотчининг тавсифича, мазмуний-тағмаъноли информация тил бирликларининг ассоциатив ва коннотатив маъноларни юзага чиқариш қобилияти, шунингдек, суперсинтактик бирликлар ичида гапларнинг мазмунларни кенгайтириш, “тўйинтириш” қобилиятига кўра мазмуний-фактуал информациядан чиқариб олинадиган яширин информациядир. Айни пайтда тадқиқот муаллифи мазмуний-тағмаъноли информациянинг факультатив характерда бўлишини ҳам таъкидлайди.

Бизнингча, мазмуний-фактуал ва мазмуний-концептуал информацияларни фарқлаш жуда ҳам ўринли ва матннинг семантик структурасини илмий-амалий тадқиқи учун қулайлик яратиши шубҳасиз. Аммо мазмуний-тағмаъноли информацияни алоҳида тур сифатида ажратиш мақсадга мувофиқ кўринмайди. Чунки олдинги икки информация тури информациянинг бевосита моҳиятига кўра фарқланган, охири тур, яъни мазмуний-тағмаъноли информация эса унинг юзага келиш усулига кўра ажратилмоқда. Моҳиятан бундай информация кўпроқ мазмуний-концептуал информация ичида ёки ўрни билан мазмуний-фактуал информация ичида келаверади. Шунинг учун бу турни алоҳида информация тури сифатида олдинги икки турга қарши қўйиб бўлмайди.

Кўринадики, мазмуний-фактуал информация матннинг объектив, нейтрал мазмуни, мазмуний-концептуал информация эса бадий мазмун бўлиб, у матнда муаллифнинг асосий концепти — фикри, айтмоқчи бўлган ғояси сифатида намоён бўлади. Шунинг учун И.Р.Гальперин матнни талқин қилиш айни шу концептуал информацияни очиш жараёнидан бошқа нарсга эмаслигини айтади, унинг таъби-

ри билан айтганда, “мазмуний-фактуал информация мазмуний-концептуал информацияни очиш механизмининг ишлаши учун фақат турткидир, мазмуний-фактуал информация асарнинг фақат олд планидир”.²³⁷ Юқорида С.Денизнинг яширин мазмун, яъни концептуал информация ёки бадиий мазмун матнда орқа планда туриши ҳақидаги фикрини келтириб ўтган эдик.

И.Р.Гальперин жуда тўғри таъкидлаганидек, мазмуний-концептуал информация ёки бадиий мазмун ҳар қандай бадиий матннинг зарурий унсуридир, бундай унсурсиз бадиий матн мавжуд бўлолмайди.²³⁸ Бундай информация бадиий матнда тўғридан-тўғри вербал ифодаланмаганлиги учун, юқорида ҳам таъкидланганидай, турлича тушунилиши мумкин. Айрим асарларда бу ҳолатдан чекиниш ҳам кузатилади, албатта. Табиийки, болаларга мўлжалланган баъзи асарлар, масаллар, дидактик матнлар ва шу каби матнларда китобхоннинг мазмуний-концептуал информацияни, яширин бадиий мазмунни топа олиш малакаларини ҳисобга олган ҳолда муаллиф мазкур мазмунни вербал ифодалаши ҳам мумкин. Бунда, албатта, бадиийликка бир қадар путур етади, аммо айтилган матннинг тегишли ёш китобхон томонидан тушунилиши осонлашади. Дидактик, панд-насиҳат мазмунидаги матн ҳаминша эксплицитликни, яширин эмас, балки очик, аниқ вербал ифодаларни тақозо этади. Масалан, Ҳамзанинг “Ўқиш китоби”га кирган “Тошбақа бирла чаён” масалида олдин воқеа баён қилинган (мазмуний-фактуал информация), ундан кейин матн охирида “қиссадан ҳисса” тарзида айтилмоқчи бўлган асосий фикр (мазмуний-концептуал информация) вербал ифодаланган:

*Тошбақа бирла бўлуб ўртоқ чаён,
Аҳд этишуб, дўст бўлишуб жонажон...*

*Тошбақа ҳам билдики бўлмас боқуб,
Шумғиди бир, кетди чаён ҳам оқуб.*

*Ҳисса: кими ғайрни улфат эдар,
Ўз-ўзича бошига кулфат эдар.*

²³⁷ Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар 29-бет.

²³⁸ Гальперин И.Р. Кўрсатилган асар 41-бет.

Ёки Ҳамзанинг “Қироат китоби”га кирган раҳм ҳақидаги бир дидактик ҳикояда воқеа баёнидан сўнг бадиий хулоса алоҳида берилган:

Қадим Шом деган вилоятда Нозир исмли бир раҳмдиллик киши бор эди. Шундоғ марҳаматли эдики, бир кишини устидда бир оғур юкни кўрса, кўтаруб уйига элтуб берур... Ҳисса: Бир нафсидан кечуб, бир махлуқи безабонга раҳм қилган киши бу қадар давлатга етди. Бас, маълум бўлурки, раҳмдил бўлган кишиларни, албатта, оллои таборак ва таолло ҳам раҳмини ёмоғи мундоғ равшан бир ишдур. Ҳар ҳолда раҳм бўлмоқ керакдур.

Тадқиқотчилар мазмуний-фактуал информация асарнинг сюжетини шаклантиришини айтадилар ва уни бадиий матннинг ташқи плани деб ҳисоблайдилар, матннинг ички плани эса мазмуний-контекстуал информация бўлиб, унинг асар проблематикасидан иборат бўлишини таъкидлайдилар. Айни пайтда бу икки жиҳат ягона бутунлик сифатида ўзаро чамбарчас боглиқ ҳолатда бадиий асарни юзага келтиришига урғу берадилар.²³⁹ Бу фикрга тўласича қўшилиш мумкин, чунки бу икки информация ўртасидаги диалектик бирликнинг зичлик даражаси, уларнинг ўзаро уйғунлиги, бир-бирини мунтазам бир тарзда “чақиритиш” бадиий асарнинг эстетик қимматини тайин этади. Бадиий матннинг умумий семантикасини “объектив мазмун (мазмуний-фактуал информация) + бадиий мазмун (мазмуний-концептуал информация)” тарзида тасаввур қилиш мумкин.

А. Ориповнинг “Тилла балиқча” номли мўъжазгина шеърини олиб кўрайлик:

*Тухумдан чиқдию келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Тошландиқ ушоқ еб ўтади кунни,
Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар, тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни.*

²³⁹ Қар.: Кухаренко В.А. Кўрсатилган асар. 176-бет.

Бу бадий матндаги конкрет тилла балиқчанинг табиатда яшаш тарзи ҳақидаги информация аниқ факт, яъни объектив мазмундир, кўриниб турганидай, у ўзининг тўла эксплицит ифодасига эга. Концептуал, яъни бадий мазмун эса инсон онги, дунёқарашининг чекланганлиги, торлиги унинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам мудҳиш фожаия эканлиги ҳақидаги ҳукмдан иборат. Бу мазмун, табиий, объектив мазмунга суянган ҳолда имплицит, бир қатор ишоралар билан ифодаланган.

Айтиш мумкинки, объектив мазмун таркибидаги тилла балиқча ҳали бадий образ эмас, балки конкрет табиий тилла балиқчадир, у бадий мазмун таркибига ўтар экан, яъни “тилла балиқча = дунёқарашининг тор одам” тарзидаги ассоциация туғилиши билан бадий образга айланади. Албатта, матндаги тегишли бирликлар тилла балиқчанинг ёрқин образга айланиши учун хизмат қилади, бадий мазмунга ишора қилади. Аввало, матндаги *Менга алам қилар* жумласи бу жараёнда алоҳида фаоллик кўрсатади, гўёки объектив мазмун билан бадий мазмун ўртасида кўприк вазифасини бажаради. Шу ердан тилла балиқча бадий образи бор бўйи билан кўринади. Аммо бунга қадар ҳам бу образга, бадий мазмунга айрича ишоралар матнда мавжуд. Бу ўринда, айтиш мумкин, *лойқа ҳовуз, тор ҳовузча, бир кўлмак ҳовуз, ташландиқ ушоқ, хору хас, хазонлар, мудроқ толларнинг аччиқ хазони* каби бирликларнинг бадий мазмуннинг таъкидланишидаги хизматини эътироф этмоқ жоиз. Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур сўзлар мавжуд маъноларини реаллаштирган, аммо айтиш пайтда улардан ташқари бадий мазмундаги муайян тушунчалар билан ҳам боғланган. Масалан, *ҳовуз* сўзи мавжуд маъносидан ташқари биқик бир дунёга ҳам ишора қилади, бундай ҳолатларда сўзлар маънан кенгаяди, семантик йириклашади, бир пайтда бир неча маънони зухур эттиради. Мазкур матнда объектив ва бадий мазмунлар ана шу тариқа диалектик бирликда намоён бўлган, гўзал шеърнинг туғилишига асос бўлган.

Бадий матнда ҳар қандай бирлик аҳамиятли, уларнинг барчаси ҳам объектив мазмун, ҳам бадий мазмуннинг ифодаланишида у ёки бу тарзда иштирок этади. Аммо бу ўринда сўз ва унинг маъноси, сўз маъносининг бадий матнда юзага чиқиши билан боғлиқ масалага бир қадар тўхталиб

ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки бадиий матндаги сўз ва унинг маънолари бениҳоя мураккаб ва ўзига хос ҳодисалардан биридир. Рус филологи Ю.Н.Тиньяновнинг образли таъбири билан айтганда, бадиий матндаги сўз “буқаламунга ўхшайди, унда ҳар сафар нафақат турлича нозикликлар, балки баъзан ҳатто турлича бўёқлар пайдо бўлади”.²⁴⁰ Француз адабиётшуноси Р.Бартнинг “Агар сўзларда фақат луғатда қайд этилган муайян маъногина бўлганда ва иккинчи тил (бадиий тил дейилмоқчи. — М.Й.) тилнинг бундай тўғрилигини бузмаганда ва ундан озод қилмаганда эди, адабиёт ҳам бўлмас эди” деган гапи²⁴¹ ҳам диққатга сазовор.

Сўз бадиий матнда бошқа сўзлар ва ундан катта бирликлар билан муносабатда ўз лексик маънолари билан боғлиқ ҳолатда муаллифнинг бадиий маҳорати натижаси ўлароқ семантик жиҳатдан мураккаблашади, хилма-хил кутилмаган маънолар ва мазмунларнинг ифодачисига айланади. Бошқача қилиб айтганда, сўзнинг лексик маъноси сақланиб туради, аммо бадиий матндаги муносабатларга кўра яна янги маъноларга ҳам ишора қиладиган бўлади, сўз маънан серқатламлик касб этади. Масалан, юқоридаги шеърнинг *Дунёда кўргани шу тор ҳовузча Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони* мисраларидаги *мудроқ* сўзини олиб кўрайлик. Бу сўз кўчма, метафорик маънода қўлланган, толнинг “қиёфаси”ни яхши ва аниқ тавсифлайди. Албатта, бу метафора ҳам бадиийликни таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда мазкур сўз бадиий мазмун таркибидаги ҳаракатсиз танбал дунёқарашга ҳам ишора қилади, бу тарздаги маънонинг пайдо бўлиши ва идрок механизми бадиий-контекстуал, ҳиссий-эстетик ассоциацияларга асосланади, албатта. Бу каби маъноларни ўтган асрнинг 20-йилларида Б.А.Ларин “эстетик маъно”, уларни ўрганувчи соҳани эса “поэтик семасиология” деб номлаган.²⁴² Алоҳида таъкидлаш лозимки, бун-

²⁴⁰ Иқтибос шу манбадан: Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. —М.: Наука, 1985. С. 42.

²⁴¹ Иқтибос шу манбадан: Ржевская Н.Ф. О семиотических исследованиях в современном французском литературоведении // Семиотика и художественное творчество. —М.: Наука, 1977. С.79.

²⁴² Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. —Л.: Худ. лит.-ра, 1974. С. 32, 50.

дай эстетик маъно мутлақо бўш жойда юзага келмайди, балки тилнинг ўзидаги мавжуд яширин имкониятларга кўра, ижодкорнинг бу имкониятларни ишга сола билиш истейдодининг даражасига мувофиқ тарзда юзага келади ва китобхон томонидан тасаввур этилади. Эстетик маънонинг юзага келишида сўзнинг ўз ва кўчма, денотатив ва коннотатив маънолари турли бирликлар билан муносабатда замин вази-фасини ўтайди.

Баъзи тадқиқотчилар, масалан, рус тилшуноси Л.С.Ковтун эстетик маънони “бадий маъно” деб ҳам номлайди.²⁴² Биз ҳам “бадий мазмун” терминига мувофиқ келганлиги учун шундай номлаш тарафдоримиз.

Бадий маъно фақат ва фақат матнда, контекстда юзага келади, бундай маънони тўғри идрок этиш учун баъзан яхлит жумла, баъзан суперсинтактик бирлик, асарнинг бир боби, ҳатто тугал асар матни билан танишишга тўғри келиши мумкин. Масалан, юқорида кўриб ўтганимиз *мудроқ* сўзининг бадий маъносини тасаввур қилиш учун мазкур шеърнинг тўлиқ матнидан хабардор бўлиш керак. Ёки А.Қаҳҳорнинг “Синчалак” асаридаги *синчалак* сўзининг бадий маъноси яхлит асар матни билан танишгач, аён бўлади.

Бадий маънонинг сўз семантик структурасига кирмаслигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Бундай маънони сўз семантик структурасини ташкил этадиган ҳеч бир маъно билан қаршилантириш ҳам мумкин эмас. Бадий маъно анчайин кенг контекстда бадий мазмун унсури сифатида воқеланадиган ўзига хос лингвопоэтик тушунчадир. Бадий маъно масаласи контекстуал семантиканинг ҳали атроф-лича тадқиқ этилиши лозим бўлган, ҳам амалий, ҳам назарий қимматга эга бўлган лингвопоэтик муаммоларидан биридир. Ўзбек филология илмида ҳали бу масалага деярли эътибор қаратилган эмас.

Хуллас, бадий матнда маъно ва мазмун, асосан, ана шундай ўзига хос жиҳатлар билан характерланади.

²⁴² Языковая номинация (общие вопросы). — М.: Наука, 1977. С. 215.

БАДИЙ МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Маълумки, бадий матн ижодкорнинг дунёни, воқеликни образли-эстетик идрок қилиши маҳсули сифатида пайдо бўлади. Бадий матннинг яратилиши ҳам, унинг ўзи ҳам, бадий бутунлик сифатида ўқувчи(тингловчи) томонидан тушунилиши, идрок этилиши ҳам мураккаб эстетик фаолиятдир. З.И.Хованская бундай эстетик фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: 1) муаллиф ниятининг ва ижодкор онгида воқеликнинг эстетик инъикоси натижасида бадий образларнинг пайдо бўлиши; 2) бадий образларнинг эстетик материалда гавдаланиши, яъни уларнинг тегишли санъат тури воситалари орқали моддийлашуви ва эстетик фаолият маҳсули – санъат асарининг юзага келиши; 3) санъат асарининг омма томонидан қабул қилиниши, яъни эстетик идрок жараёни. Ана шунга асосан, у адабий фаолиятни шундай муносабатлар занжири сифатида тасаввур қилиш мумкинлигини айтади, яъни: воқелик ёзувчи асар ўқувчи.²⁴⁴ Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлилида ана шу тўрт ҳалқали занжир ҳамиша эътиборда бўлмоғи лозим.

Бадий матннинг ўзи бениҳоя мураккаб ва уни ўқувчи, идрок этувчилар томонидан тўлигича бир хил талқин этилиши мумкин бўлмаган (зарур ҳам бўлмаган) ҳодиса бўлганлиги учун ҳам уни лингвопоэтик таҳлил этишнинг аниқ бир модели яратилган эмас. Тилшунослик ва тил таълими амалиётида фонетик таҳлил, морфологик таҳлил ёки синтактик таҳлил каби текширишнинг аниқ тамойил ва усуллари турғунлашган. Аммо лингвопоэтикада ҳали бу даражага келинган эмас. Турли ўқув адабиётларида бадий матн-

²⁴⁴ Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. –М.: Высшая школа, 1980. С. 14.

нинг лисоний таҳлили тамойиллари умумий тарзда тавсия этилган. Ўзбек филологиясида М. Ёқуббекова халқ қўшиқларининг лингвопоэтик таҳлили тамойилларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилган, айтиш мумкинки, бу борада самарадор тамойилларни белгилашнинг уддасидан чиққан.²⁴⁵ Бизнинг кузатишларимизга кўра, бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил этишнинг асосий тамойиллари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Бадиий асар, демакки, бадиий матн ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо ўзига хос бўлган мураккаб ва серқатлам эстетик бутунликдир. Унда мазмун қанчалик муҳим бўлса, шакл ҳам шунчалик фавқулодда аҳамиятлидир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, баъзан шакл ҳатто мазмун даражасига кўтарилиши, мазмун мақомини олиб, ҳақиқий мазмуннинг қимматига (бадиият мақсади тақозоси билан) дахл қилиши ҳам мумкин. Албатта, табиат ва жамиятнинг, каттадир-кичикдир, ҳар бир ҳодисасида ҳамиша у ёки бу тарзда намоён бўладиган шакл ва мазмуннинг диалектик бирлиги қонунияти бадиий матнга ҳам бегона эмас. Аммо бу диалектик қонуният чинакам маънодаги баркамол бадиий асарда тамоман ўзига ўзига хос тарзда, табиат ва жамиятнинг бошқа ҳеч бир ҳодисасига ўхшамаган ҳолатда яшайди. Бадиий матндаги тилни фақат шакл, унда ифодаланган воқеалар тизмасини мазмун деб қараш, бадиий асардаги шакл ва мазмун бирлигини, мутаносиблигини ана шундай дихотомиядагина тасаввур қилиш бадиий сўз санъатининг моҳиятини жўнлаштиришдан бошқа нарса эмас.

Бадиий матнда муаллифнинг мазмунни шаклга солишдаги маҳорати, бундаги индивидуал хусусиятлар алоҳида қимматга эга. В.В.Одинцов ҳақли равишда таъкидлаганидек, бадиий матндаги эмоционал-бадиий структура “табиий” (яъни тушунчаларнинг реал боғланишлари ва муносабатларини акс эттирадиган) мантиқий структураларни трансформация қилади, шунинг учун ҳам бошқа нутқий асарларга қараганда бадиий асарда шакл жуда катта аҳамиятга моликдир. Шаклнинг бундай аҳамиятлилиги шунчалик равшан ҳақиқатки, ҳатто фақат шеърдагина эмас, балки насрда ҳам

²⁴⁵ Ёқуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 2005. 26-31 бетлар.

шаклни ўзгартириш матнни бузиш, ўлдириш демакдир тарзидаги гап эскириб, сийқаси чиқиб бўлган.²⁴⁶ Аммо шундан келиб чиққан ҳолда, бадиий матнда шакл бирламчи, мазмун эса иккиламчи деб бўлмайди, уларнинг ҳар иккиси ҳам муҳим, фақат улар орасидаги диалектик муносабатнинг намоён бўлиш тарзи ўзига хосдир.

Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида, энг аввало, ана шу жиҳат, яъни шакл ва мазмун бирлиги бирламчи тамойил сифатида тўлиқ назарда тутилиши лозим.²⁴⁷

Яна таъкидламоқ лозимки, шакл ва мазмуннинг очиқ ёки яширин мувофиқлиги муаллиф бадиий ниятининг аниқ ва тўла намоён бўлиши учун жиддий заминдир. Бунда асосий эътиборни матн ва унинг жанр хусусияти ўртасидаги мувозанатга қаратган ҳолда, матндаги лисоний бирликларнинг матн табиатига мослиги масаласини ҳам диққат марказидан қочирмаслик керак. Масалан, қаҳрамон руҳиятидаги ғазабланиш ҳолатини ифодалашда сиқик жумлаларнинг ишлатилиши, дағал ва чет сўзларнинг қўлланиши кабилар ҳам мазкур жиҳат асосида текширилиши мумкин. Ёки муаллиф нутқини кўздан кечирадиган бўлсак ижобий қаҳрамон тасвирида кўтаринки бир руҳ, ёрқин ранглар ва ёқимли ифода тарзини сезамиз. Сўзлар ҳам шунга мос танланади. Салбий қаҳрамон тасвирида эса бунинг тескарасини кузатамиз. Юз-ифода ёки феъл-атвор тасвирида тунд ранглар, безгин руҳ ва ёқимсиз ифода тарзи сезилиб туради. Инсоннинг феъл-атвори ва қиёфасида ҳам маълум маънода мувофиқликнинг бўлиши табиий ҳол. Ёзувчилар бадиий асар яратишда бу мувофиқликни янада бўрттириб, янада таъкидлаб ифодалашга ҳаракат қиладилар. Шу орқали асарнинг ишонарлилигини таъминлайди ҳамда китобхон муносабатини шакллантириб боради.

Мавзу билан танланган жанр ўртасидаги мутаносиблик ҳам шакл ва мазмун бирлиги тамойили асосида текширилганда холис хулосалар чиқариш имкониятини беради.

²⁴⁶ Одинцов В.В. Стилистика текста. — М.: Наука, 1980. С.161.

²⁴⁷ Бадиий матнни лисоний таҳлил қилишнинг бир қадар соддароқ ва фарқироқ тамойил ва усуллари ҳақида қар.: Ўринбоев Б., Кўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. — Тошкент: Ўқитувчи, 1990, 13-21-бетлар.

2. Бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари текширилаётганда ундаги ҳар бир тил ҳодисасига макон ва замон бирлиги тушунчасини ҳисобга олиб ёндашиш керак. Ҳар қандай асар давр ва макон билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Тарихий мавзудаги асар тилида муайян замон руҳини ташувчи воқеаларнинг қайси маконда, қандай муҳитда юз бераётганини ойдинлаштирувчи лексик-грамматик бирликлар иштирок этади. Макон ва замон бирлиги тушунчаси бадиий асаргагина хос белги эмас. У ҳар қандай матн кўринишига тааллуқлидир. Ушбу тамоийил асосида таҳлил олиб борилаётганда матн ёзилган давр, матнда кўтарилган мавзу ва матн бирликларининг табиатига қараб диахрон ва синхрон аспектлардан бири танланиши керак. Буни йирик сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикоясидан олинган қуйидаги парча асосида кўздан кечирамиз.

— Ҳа, сигиринг йўқолдими?

— Йўқ... сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.

Йўқолмасдан илгари бормиди? Қанақа ҳўкиз эди?

— Ола ҳўкиз...

— Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?

— Кўш маҳали...

— Яхши ҳўкиз биров етакласа кетаберадими?

— Бисотимда ҳеч нарса йўқ...

— Ўзи қайтиб келмасмикин?... Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да. Нега йиғланади? А? Йиғланмасин!.

Бу суҳбат қаерда, қайси даврда, қандай одамлар ўртасида бўлиб ўтаётганлигини келтирилган ушбу кичик парчадан ҳам билса бўлади. Савол ҳам қисқа, жавоб ҳам. Савол бериш тарзида кибр, менсимаслик, воқеликка арзимас бир нарсага қараётгандек бепарво муносабат сезилади. Пичинг, кесатиқ ва масхара оҳанги аниқ акс этган. Жавобдан эса қаҳрамоннинг соддалиги, фақирлиги англашилади. Суҳбат амин ҳузурда бўлиб ўтяпти. Шунга мувофиқ расмий нутқ элементларидан фойдаланилган.

Яна шуни ҳам эътиборда тутиш зарурки, бадиий матнда замонлар перипетияси, алмашинуви ҳам кузатилади. Муайян бир матннинг ўзида воқеалар хронологиясида тўғри кетма-кетлик эмас, балки бир ҳозирги замон, бир ўтмиш замон, ҳатто бир келгуси замон воқеалари тасвири жой оли-

ши мумкин. Шунинг учун бадиий матндаги ретроспекция ва проспекция муносабатлари ҳамда уларнинг ифодаланишида тил воситаларининг иштироки, актуаллашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ҳам лингвоэтик таҳлилнинг тўлиқлигига кўмаклашади.

3. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида бадиий адабиёт тилининг, хусусан, таҳлил этилаётган матн тилининг умумхалқ тили, унинг турли кўринишлари ва адабий тилга муносабатини назарда тутиш ҳам яна бир тамойилдир. В.В.Виноградов “Бадиий адабиёт тили ҳақида” (1959) номли асарида таъкидлаганидек, бадиий адабиёт тилининг тарихий ҳаракатини умумхалқ тили ҳамда унинг турли тармоқланиши тарихидан ва адабий тил тарихидан тамоман ажратилган ҳолда ўрганишнинг мумкин эмаслиги шубҳасиз. Умумхалқ тили, унинг турли ҳудудий ва ижтимоий кўринишлари билан адабий тил ўртасидаги муносабатлар табиатининг ўзгарувчан бўлганлиги учун бадиий адабиёт тилининг умумхалқ тили, шунингдек, адабий тил билан алоқалари, ҳамкорлиги ҳам тарихан ўзгариб боради.²⁴⁸ Шунинг учун бадиий матн лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганилар экан, ундаги тил бирликларига баҳо берганда бу бирликларнинг умумхалқ тилидаги ва адабий тилдаги мақоми ҳам инobatта олинishi, улар қиёсланиши мақсадга мувофиқ, шундай мазкур бирликларнинг матндаги бадиий қиммати ва ёзувчи маҳорати янада аниқ кўринади. Масалан, муайян бадиий матндаги бир сўзнинг архаик, тарихий ёки янги сўзлигини ёхуд жаргон эканлигини белгилаш учун, албатта, уни умумхалқ ва адабий тил лексикаси билан қиёслаш зарурияти туғилади. Морфологик шакллар, синтактик бирликлар, талаффузга дахлдор ўзгачаликларнинг бадиий қимматини ҳам умумхалқ ва адабий тилга қиёсламасдан тайин этиш қийин. Биргина *дудоқ* сўзини олиб кўрайлик. Бу сўз бугунги кунга оид бадиий матнда архаизм ва шундай сўз сифатида коннотатив маъноли, бадиий маъно ифодалаш учун қулай бирлик. Буни, албатта, кунимиздаги адабий тилга қиёсан белгилаймиз. Аммо мазкур сўз, айтайлик, Навоий тилида архаик эмас, демакки, коннотатив маъноли эмас (ал-

²⁴⁸ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. —М.: Высшая школа, 1981. С. 195.

батта, ўша даврга оид тегишли поэтик матнда бошқа бирликлар билан муносабатда бадиий маъно касб этиши мумкин), буни ҳам умумхалқ ва адабий тил тарихига кўра таъсир этамиз.

Умумхалқ тилининг турли қатламларига хос бирлик ва шаклларнинг бадиий матнда қўлланиши билан боғлиқ текшириш ёки қаҳрамонларнинг ўзлари мансуб бўлган тоифа ёки ҳудуд тилидан қай даражада истифода қилишини ўрганиш кабиларда ҳам мазкур тамойилга кўра иш тутиш керак бўлади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, бадиий матннинг икки турини фарқлаш мумкин: 1) замонавий матн (бугун яратилган), 2) тарихий матн (ўтмишда яратилган). Замонавий матннинг ҳам ўз навбатида икки турини кузатиш мумкин, яъни: а) бугунги кун мавзусидаги замонавий матн, б) тарихий мавзудаги замонавий матн. Масалан, С.Аҳмаднинг “Азроил ўтган йўлларда” ҳикояси бугунги кун мавзусидаги замонавий матн, М.Алининг “Улуғ салтанат” романи тарихий мавзудаги замонавий матн, Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони эса тарихий матндир. Бу уч тур бадиий матнлардаги тил бирликлари, уларнинг ўзаро муносабати ва ҳаракати бир қанча ўзига хос жиҳатлар билан характерланади. Шунинг учун ҳам, айниқса, ана шундай фарқли матнларга ёндашувда, уларнинг лингвопоэтик таҳлилида мазкур уч ҳодиса — бадиий тил, умумхалқ тили ва адабий тил тарихи муносабатларини ҳисобга олиш жуда ҳам зарурдир.

Ахборот назариясига кўра, ахборот-алоқа жараёни “жўнатувчи — ахборот — қабул қилувчи” дан иборат учликни ўз ичига олади. Бунда ахборотни жўнатувчи, масалан, тил воситасида кодлайди, қабул қилувчи эса уни декодлайди ва шу тарзда ахборотни тушунади. Адабий алоқада ҳам шундай, яъни бадиий матнни тушуниш уни декодлаш жараёнидир.²⁴⁹ Бугунги кун мавзусидаги замонавий матнда код қабул қилувчи учун тўлиқ таниш, шунинг учун уни декодлашда катта қийинчилик пайдо бўлмайди. Аммо тарихий матнда код эскирган, қабул қилувчига етарли даражада таниш эмас,

²⁴⁹ Яна қар.: Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. —Л.: Просвещение, 1973. С. 22-28.

шунинг учун уни бугун декодлашда қийинчилик ўртага чиқади, яъни эски кодни бугунги код “парол”лари билан очиш қийин. Ана шунга кўра, тарихий матнларнинг лингвопоэтик таҳлилида турли луғатларга жуда катта эҳтиёж сезилади. Тарихий мавзудаги замонавий матнларни ўрганишда ҳам луғатларга эҳтиёж бўлади, лекин ижодкорнинг ўзи бу эҳтиёжни имкон қадар қондириш учун эскирган код “парол”ларини турли қўшимча воситалар, изоҳлар, шарҳлар ёки синонимлар орқали бериб боришга ҳаракат қилади. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўткан кунлар»да ҳар бир саҳифа остида айрим тушунарсиз сўзларнинг изоҳи бериб берилган. Масалан, *утта - у ерда; сипориш - топшириқ; мувофиқуттабъ - таъбга мос, муносиб; ашроф - эътиборли кишилар, улуғлар; мушовир - маслаҳатчи; мусоҳиб - ҳамсуҳбат* каби. Ана шунинг учун ҳам ижодкорлар асарларининг тилига бағишланган махсус луғат тайёрланиши лозимлиги англашган ҳақиқатдир. Ж.Лапасовнинг «Бадиий матн ва лисоний таҳлил» деб номланган қўлланмасида муайян бир бадиий матннинг луғатини тузиш бўйича намуналар ҳамда луғат устида ишлаш бўйича муҳим кўрсатмалар берилган. Олим тўғри таъкидлаганидек, «бадиий матннинг лисоний таҳлилин турли-туман луғатларсиз тасаввур қилиш қийин. Луғат устида ишлаш ўқувчи ва талабаларнинг сўз бойлигини, оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришнинг энг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади ва шу луғат ёрдамида нафақат сўзларнинг туб маъносини, балки кўчма маънолари, ҳар бир сўзнинг қайси тил унсури эканлиги, этимологияси (сўзнинг келиб чиқиш тарихи ва тадрижий ривож), таркиби, баъзан эса грамматик шакли билан яқиндан танишилади».²⁵⁰

Англашиладики, айниқса, тарихий матнлар ва, шунингдек, тарихий мавзудаги замонавий матнларнинг лингвопоэтик таҳлилин умумхалқ тили ва адабий тил тарихисиз тасаввур этиш мушкул.

4. Лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнга бадиий-эстетик яхлитлик, бўгунлик сифатида ёндашмоқ лозим. Энг аввало, бадиий матндаги бадиий мазмун ёки бадиий маз-

²⁵⁰ Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 52-бет.

мунлар силсиласи — асарнинг ғояси, асосий концепти аниқлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили, демакки, таъжнининг пировард мақсади ана шу концептнинг ифодаланишида лисоний восита ва усулларнинг фаолиятини ўрганиш экан, бадиий матнга яхлит эстетик бутунлик сифатида ёндашув фавқулудда муҳим тамойил сифатида қимматга эга. Лингвопоэтик таҳлил тил сатҳларидан муайян бири бўйича амалга ошириладими ёки комплекс олиб бориладими, барибир, лисоний воситаларнинг мазкур концептни ифодалашдаги иштирокини баҳолаш асосий жиҳатдир. Масалан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» номли романини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қиламиз, дейлик. Асардаги луғавий бирликлар (айрим сўзлар, иборалар) ажратиб олинади. Луғавий бирликлар асар бадииятига қай даражада хизмат қилиши, анъанавий ёки индивидуал эканлиги аниқланади. Матн компонентларининг бириктирилган усуллари алоҳида ўрганилади. Буларнинг бари, албатта, умумий концепт фониди олиб борилади.

Тилнинг барча соҳаларига хос бирликлар ва уларнинг муайян бир асарда қўлланишини матннинг умумий бадиий мазмуни, жанри, таркибий тузилиши билан ўзаро боғлиқликда олиб комплекс ўрганиш мумкин. Бу ҳилдаги таҳлил умумфилологик йўналиш, мазмун ва характер касб этади. Шунинг учун матнни таҳлил қилишдан аввал адабиётшунослик ва тилшунослик билан алоқадор соҳаларнинг асосий қонуниятларидан албатта хабардор бўлиш керак. Бундай таҳлил хусусийликдан умумийликка ўтиш тамойилига мувофиқ олиб борилади. Комплекс таҳлил бирор бир ижодкорга бағишланган бўлади. Бундай таҳлилни бир асарни турли сатҳлар бўйича ёки бир неча асарни бир сатҳ бўйича ўтказиш мумкин. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи лингвопоэтикаси (тил сатҳлари бўйича). Ёки Абдулла Қодирий асарлари лингвопоэтикаси. Бунда адиб қаламига мансуб барча асарларнинг лингвопоэтик хусусиятлари текширилади ва натижалар умумлаштирилади. Бу осон иш эмас. Шунингдек, бир ёки икки кишининг иши ҳам эмас. Адиб асарларини ҳар тарафлама текшириш, таҳлил қилиш, шу кунгача қилинган барча ишларни бир жойга тўплаш, таснифлаш, индексли маълумотлар базисини яратиш, зарурий луғатларни тайёрлаш ва бошқа ишларни

амалга ошириш жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган лингвопоэтиканинг фаолият доирасига киради. Лекин шуни унутмаслик керакки, бадиий асар том маънода эстетик воқеликдир. У қандай таҳлил қилинишидан қатъи назар, асарнинг эстетик ҳодиса сифатидаги моҳиятини, унинг яхлитлигини назардан қочирмаслик керак. Акс ҳолда лингвопоэтик таҳлил ўз маъносини йўқотади, демакки, таҳлилдан кузатилган асосий мақсадга эришиб бўлмайди.

5. Лингвопоэтик таҳлилда бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш ҳам муҳим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ва бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиши механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин. Ўтган асрнинг 30-йилларида атоқли рус тилшуноси Л.В.Шчерба матн лингвистик талқинининг асосий вазифаси “адабий асарнинг ғояси ва у билан боғлиқ эмоционал мазмунни ифодалайдиган тил воситаларини кўрсатиш” эканлигини таъкидлаган эди.²⁵¹

Масалан, поэтик актуаллашган сўзни олиб кўрайлик. Ўзбек тилида *ўрамоқ*, *буркамоқ*, *чулғамоқ*, *чирмамоқ* тарзидаги маънодош сўзлар қатори мавжуд бўлиб, *буркамоқ* сўзида *ўрамоқ* сўзига нисбатан ўраш белгиси анчайин ортиқ, яъни унинг маъно қурилишида «ҳеч бир очиқ жойини қолдирмай» деган қўшимча ифода семаси мавжуд. Шунинг учун ҳам маҳоратли адиб Чўлпон қуйидаги парчада тегишли бадиий мазмун ифодаси учун *ўрамоқ* сўзини эмас, балки айни *буркамоқ* сўзини танлаш орқали тасвирдаги аниқлик ва экспрессивликни оширишга муваффақ бўлган: *Ҳали тузук-қуруқ одам қаторига кириб етмаган бу қизчани катта хотинларнинг орият паранжисига буркаганлар, паранжининг узун этаклари катта бир тугундек унинг қўлтиғини тўлғазарди* (“Кеча ва кундуз” романи). Парчадаги иккинчи жумла бу сўздаги экспрессия ва эстетик таъкидни янада кучайтирган.²⁵² Айни контекстда *буркамоқ* сўзи алоҳида бадиий маъно билан актуаллашган. Шунинг учун ҳам бу сўзни мазкур синоним-

²⁵¹ Бу ҳақда қар.: Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. — М.: Русский язык, 1979. С. 8.

²⁵² Бу ҳақда қар.: Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. — Тошкент: Маънавият, 2002. 11-бет.

лар билан ёки бошқа бирор сўз билан алмаштириб бўлмайди. Ёки яна бир мисол, Абдулла Қаҳҳорнинг «Анор» ҳикоясидаги мана бу парчага эътибор беринг:

Ё қудратингдан, индамайди-я! — деди Туробжон келтирган матоини титкилаб, — мана, чайнаб кўр! Кўреин, бўлмаса, иннайкийин дегин...

“Айни ўринда *нарса* сўзи эмас, балки атайин *мато* сўзи қўлланган. *Нарса* сўзи услубий жиҳатдан холис, *мато* сўзи эса айни маъноси билан холис эмас, яъни унда камситиш билан боғлиқ маъно қирраси мавжуд, бу маъно қирраси *титкилаб* феъл шакли билан яна ҳам таъкидланган. Анорга бошқоронғи бўлган ва эрининг анор олиб келишини интиқ кутиб ўтирган хотин назарида, бу-ку арининг уяси — мумли асал экан, тоза асалнинг ўзи ҳам нарса эмас фақат мато. Ҳикоянинг умумий интонацияси, воқеа ривожи айни ўринда *мато* сўзини бошқа синоними билан алмаштиришга имкон бермайди.”²⁵³ Ҳикоядаги бадиий мазмуннинг тўлиқ ифодаланишида бошқа воситалар билан бир қаторда айни сўз фақат мазкур лексик маъносинигина реаллаштириб қолмасдан бетақрор бадиий маъно ҳам касб этган.

Бир қарашда, бу тамойил, яъни поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойили бадиий матннинг яхлитлигини назардан қочиргандай туюлади. Аммо аслида бундай эмас, поэтик актуаллашган тил воситалари аниқланиб, улар алоҳида-алоҳида таҳлил, яъни анализ қилинар экан, шубҳасиз, бу анализ яхлит бадиий матн контекстида олиб борилади. Демак, охир-оқибатда синтезни назарда тутади, яъни поэтик актуаллашган тил воситалари бадиий мазмун ифодасидаги иштирокига кўра анализ қилинади ва пировардида олинган хулосалар бадиий матндаги концепт доирасида синтезланади, бирлаштирилади, умумлаштирилади. Бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситалари ана шу тарзда баҳоланади. Баъзи тадқиқотчилар бундай таҳлилда уч босқични фарқлаш мумкинлигини айтадилар. Аввало, ҳар қандай малакадаги тил эгаси учун ҳам англашиларли бўлган анъанавий-лисоний таҳлил босқичи, яъни стан-

²⁵³ Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. —Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 88-бет.

дарт қурилишдаги бирликлар ва маънолар, шунингдек, бадиий нутқда қўлланадиган одатдаги усул ва тил бирликлари қайд этилади. Иккинчи босқичда эса мазкур бирликлар, маънолар ва ҳодисаларнинг бадиий мазмун ифодасидаги иштироки аниқланади, мазкур воситаларнинг потенциал бадиий имкониятларининг қай даражада намоён бўлаётганлиги белгиланади. Ниҳоят, учинчи босқичда бу воситаларнинг барчаси бир-бирига эстетик нисбатланади ва бу нисбатнинг ёзувчи ниятининг рўёбига хизмати баҳоланади.²⁵⁴ Ана шу тариқа анализ ва синтез бирлиги асосида бадиий матннинг лингвистик ва бадиий моҳияти очилади, бадиий матннинг ёзувчи ниятига яқин ёки уйғун талқини юзага келади.

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, лингвопоэтик таҳлилнинг поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойили асосида поэтик актуал лисоний бирликлар индексини тузиш ҳам мумкин. Бу тамойил асосидаги лингвопоэтик таҳлил натижаси ўлароқ асар бадиияти учун характерли бўлган бирликлар (масалан, иборалар, синономлар, антонимлар ёки эпитетли бирикмалар, метонимия, метафоралар, ўхшатишлар каби) аниқланади. Кейин улар алифбо тартибида териб чиқилади. Бундай лугат-индекслар муайян ёзувчининг лисоний маҳоратини ёритишда ёки умуман бадиий адабиётдаги лингвопоэтик қонуниятларни ўрганишда фактик материал вазифасини ўтайди.

6. Бадиий мазмуннинг ифодаланишида бадиий матндаги эксплицитлик ва имплицитлик нисбатини аниқлаш ҳам лингвопоэтик таҳлилни тамойилларидан яна биридир. Масалан, дидактик матн ёки ёш болаларга мўлжалланган бошқа матнларда эксплицитлик даражаси юқори бўлса, ҳақиқий бадиий баркамол матнларда имплицитлик сезиларли даражада ортиқ бўлади. Бунда бадиий мазмуннинг очик ёки яширин ифодаланишидаги ўзига хосликларни очиш баробарида бадиий матннинг лисоний ва бадиий-эстетик қимматини баҳолаш имконияти туғилади. Айтиш керакки, бу тамойил бўйича иш кўрилар экан, матннинг прагматик, хусусан, пресуппозицион жиҳатлари, айни пайтда улар би-

²⁵⁴ Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. — М.: Наука, 1985. С. 71-72.

лан боғлиқ экстралингвистик ҳолат ва ҳодисалар ҳам, албатта, инobatга олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, имплицит ифодаларнинг, айниқса, бадиий матндаги ана шундай ифодаларнинг тўғри англаниши ва талқин қилинишида прагматика, пресуппозициялар фавқулодда муҳим ўрин тутади.

7. Бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш ҳам лингвопоэтик таҳлил тамойиллари сирасига киради. Матн ичида қўлланилган ўзга матн кўринишларини (назира, тақлид, нақл, ҳадис, ривоят, мифлар, афсоналар, дидактемалар, у ёки бу ижодкорнинг асари ёки парчаси каби) аниқлаш ва уларнинг асар мазмуни билан қай даражада уйғунлиги, бадиий мазмун ифодасидаги ўрни, асосий матн билан лисоний ва семантик боғланишидаги муҳим ҳолатлар ҳақида фикр юритиш бадиий матн лингвопоэтикасини очишда фавқулодда зарурдир.

Хуллас, ана шу умумий тамойиллар асосида лингвопоэтик таҳлил олиб борилганда, эстетик бутунлик сифатидаги бадиий матннинг моҳияти ва уни тузувчининг маҳоратини холис баҳолаш мумкин бўлади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
ТИЛШУНОСЛИҚДА МАТН МУАММОСИ	
Муаммонинг ўрганилиши.....	30
Матн таърифи.....	42
Матн бирликлари.....	62
Матн типлари.....	77
БАДИИЙ МАТН ВА УНГА ЛИНГВОПОЭТИК ЁНДАШУВ	
Бадиий матн ва тилнинг эстетик вазифаси.....	88
Бадиий матннинг мазмуний турлари ва интертекстуаллик.....	104
Бадиий матнда маъно ва мазмун.....	136
БАДИИЙ МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ ТАМОЙИЛЛАРИ.....	148

*Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика
университети Илмий кенгаши томонидан нашрга
тавсия этилган.*

Муҳаррир: М. Содиқова

Босишга рухсат этилди 11. 08. 2008. Бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози. Таймс TAD гарнитураси. Шартли б.т. 10,0. Ҳисоб нашриёт т. 8,0. 500 нусхала. Нашриёт рақамли: з – 207. Буюртма № 50.

Ўз РФА «Фан» нашриёти: 100170, Тошкент, В. Мўминов кўчаси, 9-уй.

ХТ «Hamidov N.H.» босмахонасида чоп этилди. 100069, Тошкент, Мирпўлатов кўчаси. 36- уй. Тел. 111-04-89.